

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

**„ФАЛСАФА“
КАФЕДРАСИ**



ФАЛСАФА

(маъruzалар матни)

II-ҚИСМ

НАМАНГАН-2010

Тузувчилар: **ф.ф.н. доц. А. Хакимов**
 кат. ўқ. Э. Рустамова
 асс. Г. Мамажонова

Тақризчи: **ф.ф.д. проф. М. Исмоилов. НамМПИ**

Ушбу маъruzалар матни Фалсафа кафедрасининг 2009 йил 29 августдаги
1-сонли йигилиш баённомаси билан муҳокама қилинган ва институт илмий-услубий
йигилишига муҳокама учун тавсия қилган.

Маъruzалар матни институт илмий – услубий йигилишининг 2009 йил 30 август № 1-
сонли йигилиш баённомаси билан муҳокама қилинган ва чоп этиш учун рухсат этилган. Т/р

1-мавзу: Мантиқ фанининг предмети ва вазифалари

Режса:

- 1. Мантиқ илмининг предмети ва аҳамияти**
- 2. Мантиқ илмининг назарий ва амалий аҳамияти**
- 3. Қадимги дунёда мантиқ илмининг шаклланиши**
- 4. Мантиқ фанининг ривожланиш босқичлари**

Инсон умумий маданиятининг ажралмас бўлакларидан бири – бу тафаккур маданиятидир. Фикрларимиз тўғри, аниқ-равшан, изчил ва асосли бўлиши ва улар бир-бирига зид бўлмаслиги лозим. Акс холда фикримиздан мантиқ (логика) йўқолади. Кундалик турмушда ўз фикрини аниқ баён эта олмайдиган, чалкашликларга йўл қўядиган, хозиргина ўзи айтган фикрни дам ўтмай инкор этадиган кишиларни тез-тез учратиб турамиз. Бундай кишилар фикрлашидаги чалкашликлар уларнинг фаолияти натижаларида ҳам худди шундай ноаниқликларга ва хатто кўнгилсизликларга олиб келишига гувоҳ бўламиз.

“Мантиқ (логика)” термини юонончадан таржимада “фикр”, “сўз”, “қонун” маъносини беради. Бу термин кенг ва тор (хусусий) маъноларда қўлланилади. Кенг маънода у оламдаги қонуний, зарурий боғланиш ва алоқалар, тартиб ва изчилликни, шунингдек, тафаккуrimizning ички алоқадорлиги, тадрижий фикрланишини, турли фикрлар ўртасидаги мантиқий боғланишларни ифодалайди. Тор, хусусий маънода эса “мантиқ асослари” деганда фикрнинг структурасини, тузилишини, унинг конкрет шаклларини, чин (тўғри) билимга эришишнинг шарт-шароитлари ва қонун-қоидаларини ўрганувчи маҳсус фалсафий фан тушунилади.

Фалсафа курсидан бизга маълумки, объектив оламни билиш – хиссий билишдир. Яъни сезги, идрок ва тасаввурдан бошланади. Бироқ, хиссий билиш бизга нарса ва ходисаларнинг ташқи томонлари, зохирий боғланишлари тўғрисида маълумот бериш билан чекланиб, уларнинг ички, ботиний боғланиш ва ривожланиш қонунларини очиб бера олмайди. Бу вазифани тафаккур адо этади. Тафаккур воқеликни умумлаштириб ва мавхумлаштириб (абстрактлаштириб), муайян мантиқий шаклларда – тушунча, хукм ва хulosалар шаклида акс эттириб беради.

Мазкур шакллар, уларнинг структураси ҳамда улар ўртасидаги алоқалар маълум мантиқий қонун-қоидаларга амал қилишни тақозо этади. Мантиқ асослари фани мана шу қонунлар билан ҳам шуғулланади, бу қонунлар амалиёти натижасида вужудга келган билимлар исботланади ёки рад этилади, уларнинг тўғрилиги ёки хатолиги тасдиқланади ёки инкор этилади.

Шуни айтиш лозимки, тафаккурни мантиқ асосларидан ташқари фалсафа, физиология, психология, формал мантиқ асослари, математик (символик) мантиқ асослари, диалектика, кибернетика фанлари ҳам ўз предмети нуқтаи назаридан ўрганади. Тил қоидалари тўғрисидаги фан грамматика ҳам мантиқ асослари фанига яқин. Тушунча ва хукмларнинг ифодаланиш структурасини аниқлашда грамматиканинг роли катта. Бироқ юқорида тилга олинган фанларнинг ҳар бири тафаккурга ўз нуқтаи назаридан ёндошади, унинг турли қирраларини очиб беришга қаратилган.

Мантиқ асосларининг ана шу ғоятда тармоқланиб кетган турлари орасида инсоннинг тафаккурининг энг оддий (элементар) қонун-қоидалар билан қуроллантирадиган, уни тўғри фикрлашнинг принциплари билан таништирадиган мухим тармоғи формал мантиқ асослари бўлиб, у тарихий келиб чиқиши назарда тутилиб, классик, анъанавий мантиқ асослари, оммавийлиги нуқтаи назаридан эса умумий мантиқ асослари деб юритилади.

Формал мантиқ асосларининг яна бир фалсафий мантиқ илми – диалектик мантиқ асослари билан аралаштириб юбориш ҳам ярамайди. Диалектик мантиқ асослари диалектика қонунларини билиш жараёнига, хусусан ақлий билиш жараёнига тадбиқ этиш маҳсулидир. Диалетик мантиқ асослари тафаккур ва унинг шакллари, принципларини тараққиётидаги объектив оламнинг инъикоси деб қараб, уларни ҳар доимий ўзгаришда, ривожланишда деб тушунтиради, тафаккур шакллари ўртасидаги ўзаро боғланиш, уларнинг бир-бирига ўтиб

туриши ва ривожланишини диалектик универсал қонунлари амалиёти нұқтаи назаридан изохлаб беради. Формал мантиқ асослари эса фикрни ўзгариш ва ривожланишда әмас, балки шаклланган, харакатсиз холда мавхумлаштириб олиб, унинг тузилишини шакл жихатидан, тафаккур шакллари (түшунча, хукм, хулоса) ўртасидаги муносабатни маълум қонунлар (айният, зиддият, истисно, етарли асос қонунлари) нұқтаи назаридан ўрганади. Шу боисдан формал мантиқ асослари қонунлари тафаккурнинг умумий методи бўла олмайди. Формал мантиқ асослари усули тафаккур формаларининг барча томонларини очиб беришга ожизлик қилади. Диалектик мантиқ асослари тафаккурнинг умумий қонунларини, тафаккур формаларининг тараққиётини ўргатади.

Мантиқ асослари фанининг вазифалари унинг предметидан келиб чиқиб, у инсон тафаккурининг “чархланиши” га кўмаклашади, унинг изчил, зиддиятлардан холи ва эътиборли бўлишини таъминлайди. Мантиқ асосларини пухта ўзлаштириш кишида ўз тафаккури ва ўзгалар тафаккурига талабчан бўлиш, танқидий қараш хиссини шакллантиради, бу эса ғоят катта амалий ва илмий-назарий ахамият касб этади.

Мантиқ асослари фани асосларини ўзлаштириб олиш ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг мунозара юритиш маданиятини шакллантиради. У ҳақиқатни аниқлаш, уни ёқлаб чиқиши, асослаш учун мантиқий қонун-қоидалардан фойдалана билиш, ўзгалар фикрини мантиқан тахлил қила билиш, ўз фикрини ихчам, лўнда ва энг мухими ишонарли, асосли қилиб баён этишига ўргатади.

Бир сўз билан айтганда, мантиқ асослари фани кишида абстракт тафаккурни ривожлантиради, унда умумий тушунчалар, категориялар билан иш кўриш кўникмаларини хосил қилади.

Формал мантиқ асосларига оид билимлар фалсафий фикр пайдо бўлиши ва ривожланиши билан узвий боғлиқликда шаклланиб борди. Қадимги Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон ва бошқа мамлакатлар мантиқ илмининг илк ўчоклари хисобланади. Қадимги Хинд ва Юнон мантиқ асосчилари ўз методи ва фикрлаш структурасини ўрганиш жихатидан бирбиридан фарқ қилувчи икки хил мантиқий системани ташкил этади. Қадимги Ҳиндистонда дастлабки мантиқий билимлар эр. авв. 5-4-асрдан юзага келган бўлса, эрамизнинг 6-10-асрига келиб, файласуфлардан Диагнага, Дхармакирти, Дхармоттари, Ратнакиритилар асарларида ўз такомилига етди. Бу мантиқ асосларининг мухим хислати фикрлаш формаларини конкрет мазмун билан боғлаган холда тахлил этиш хисобланади. Хинд мантиқ асосчилари хусусан беш қисмдан иборат силлогизм (хулоса чиқариш) ҳақида таълимотидан, умумий асосни конкрет мисол билан боғлаб бериш тўғрисидаги таълимотларга қурилган. Хукм тафаккурни мустақил шакл сифатида әмас, балки хулоса чиқаришнинг элементи сифатида берилади. Идрок – фикрлашнинг ибтидоси деб қаралади.

Хар бир фан каби мантиқ илми ҳам ўзининг шаклланиш ва ривожланиш тарихига эга. Мантиққа оид дастлабки анъаналар Қадимги Шарқ мамлакатларида, хусусан Ҳиндистон, Хитойда вужудга келди. Уларнинг шаклланишига нотиқлик санъати, математика илмининг ривожланиши ва шу кабилар катта таъсир қўрсатди. Шуни айтиш керакки, Қадимги дунёда Аристотелгача бўлган даврда мантиқ фалсафа таркибида мавжуд бўлган, мустақил фан сифатида шаклланмаган.

Қадимги Ҳиндистонда мантиқ илмининг ривожланиши уч даврни ўз ичига олади: 1) илк будда мантиғи (эр. ав. VI-V асрлари); 2) нъяя, вайшешика мактабларининг мантиқий таълимоти (эр. III-V асрлари); 3) будда мантиғининг ривожланган даври (эр. VI-VIII асрлари).

Ҳинд мантиқшунослари баҳс - мунозарада нима исботланаяпти ва қандай исботланаяпти, деган масалани ажратиб кўрсатишган. Улар исботлашнинг элементларини (тезис, асос, мисол, бирхиллик, ҳар хиллик, бевосита хиссий қабуллаш, хулоса, авторитет ва шу кабиларни) батафсил тахлил этганлар. Нъяя мактабининг вакиллари хулоса чиқариш масаласини ўрганишга катта хисса қўшдилар. Шунингдек, улар беш қисмдан иборат силлогизм назариясини яратдилар:

- тезис (тепаликда олов бор);
- асос (тепаликдан тутун чиқаяпти);

мисол (қаерда тутун бўлса, ша ерда олов бор);
шу ҳолатга нисбатан қўллаш (бу тепаликда тутун бор);
хулоса (демак, тепаликда олов бор).

Қадимги Ҳинд мантиқшунослари Дигнага, Ҷармакирти ва уларнинг шогирдлари томонидан тушунча, хукм, айниқса хулоса чиқариш билан боғлиқ масалалар кенгроқ, чуқурроқ таҳлил қилинди. Дигнага хулоса чиқаришда мантиқий асосга хос бўлган уч хусусиятни кўрсатиб ўтади: мантиқий асос хулоса чиқариш обьекти билан боғлиқ бўлади, бир турдаги обьектлар билан боғлиқ бўлади, хар турдаги обьектлар билан боғлиқ бўлмайди. Бу хулоса чиқаришнинг асосий шартлари бўлиб, уларнинг бузилиши мантиқий хатоларга олиб келади. Ҷармакирти хулоса чиқаришнинг «ўзи учун» ва «бошқалар учун» турларини, шунингдек, муҳокамада учрайдиган мантиқий хатоларни батафсил ўрганган. Қадимги Ҳиндистондаги шаклланган мантиқ анъаналари Қадимги Грецияда мантиқ илмининг пайдо бўлишига таъсир кўрсатган. Қадимги грек фалсафасида мантиқ масалалари, дастлаб, Пармениднинг «Табиат тўғрисида» асарида, Элейлик Зеноннинг апорияларида, Гераклит таълимотида у ёки бу даражада кўриб чиқилган. Аристотелгача бўлган мантиқий таълимотлар ичida Демокритнинг мантиқий таълимоти, Сократнинг индуктив методи ва Платоннинг диалектикаси дикқатга сазовордир.

Демокрит (эр. ав. 460-370) мантиқий таълимотида фикрнинг чинлиги масаласи муҳим ўрин тутади. У кўпроқ индукция ва аналогияни ўрганишга эътибор беради, ҳақиқатни билиш учун якка буюмларни кузатиш, ҳис қилиш орқали умумлаштириш зарур, деб таъкидлайди. Хукмни субъект ва предикатнинг ўзаро алоқасидан иборат, деб таърифлайди. У етарли асос қонунини онтологик асосда тушунтиради. Демокритнинг мантиқий таълимоти кейинчалик Аристотель ва Ф. Бэкон таълимотларига сезиларли таъсир кўрсатган.

Сократ (эр. ав. 469-399) таълимотига кўра буюмларнинг моҳиятини билиб бўлмайди. Инсон, аввало, ўз-ўзини билиши керак. Билим умумийлик тўғрисидаги тушунчадир. Ҳақиқатни аниқлаш учун ўзига хос усул даркор. Бу усул воситасида ўрганилаётган буюм ҳақида умумий тушунча ҳосил қилинади ва шу тушунчага асосланиб буюм ҳақида фикр юритилади. Ҳақиқатни аниқлаш учун муҳолиф фикридаги зиддиятлар ўрганилади. Предмет ҳақидаги тушунчалар зиддиятли бўлса, демак билим юзаки бўлади. Сократ ҳақиқатни аниқлашда индукция ва дефинициядан фойдаланишни тавсия этади.

Индукция - кундалик ҳаётдаги якка мисоллар асосида умумий тушунчаларни ҳосил қилиш усулидир. Дефиниция - баҳс жараёнида тушунчаларни таърифлашдан иборат. Бу усулни Сократ «майевтика» деб атайди.

Платон (эр. ав. 427-347) устози Сократнинг, умумий тушунчалар буюмларнинг моҳиятини ифодалайди, деган фикрини давом эттиради. У умумий тушунчаларни буюмлардан ва инсонлардан ажralган мутлақ ғоялар сифатида талқин қиласди, уларни бирламчи деб билади. У хукмни тафаккурнинг асосий элементи деб хисоблайди. Хукм эга ва кесимнинг бирлигидан иборат бўлиб, тасдиқ ёки инкор маънони билдиради. Агар хукмда бирлашиши мумкин бўлмаган тушунчалар бирлаштирилса, у хато бўлади.

Платон хукмларни ташкил этувчи тушунчаларни пирамида шаклида тасвирлайди. Пирамиданинг учига эзгулик тушунчасини қўяди. Борлик, ўзгариш, сукунат, айният, тафовут тушунчаларини энг универсал тушунчалар, деб таърифлайди. Чин билимга интуиция орқали эришиллади. Платон дефиниция масаласига катта эътибор берган, яқин жинс ва тур белгисини кўрсатиш орқали таърифлаш усулини, тушунчаларни дихотомик бўлишни билган. Платон тўғри тафаккурнинг асосий қонунларини таърифлаб бермаган бўлса ҳам, уларнинг моҳиятини тушунган. Масалан, контрадиктор тушунчалар, хукмлар, бир вактда бир хил муносабатда бир буюмга нисбатан чин бўла олмаслигини таъкидлаган. «Евтидем» диалогидаги «бир нарсанинг ҳам бўлиши, ҳам бўлмаслиги мумкин эмас», деган фикри унинг нозидлик қонунини билганлигидан далолат беради.

Мантиқ илмининг алоҳида фан сифатида шаклланиши Аристотелнинг номи билан боғлиқдир. У биринчи бўлиб, мантиқ илми ўрганадиган масалалар доирасини аниқлаб берди. Аристотелнинг «Категориялар», «Талқин ҳақида», «Биринчи Аналитика», «Йекинчи аналитика», «Софистик раддиялар ҳақида», «Топика» номли асарлари бевосита мантиқ

масалаларига бағишиланғандир. Унинг «Риторика», «Поэтика» асарлари ҳам мантиқий таълимотининг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланади. «Метафизика», «Рух ҳақида» асарларида эса мантиқ масалалари маълум даражада баён қилинганди. Аристотель мантиқни «маълум билимлардан номаълум билимларни аникловчи», «чин фикрни хато фикрдан ажратувчи» фан сифатида таърифлайди. Мантиқнинг вазифаси чин фикрни, ҳақиқатни аниқлашдир, деб таъкидлайди.

Эпикур (эр. ав. 341-270) фалсафада биринчи ўринга билиш назарияси ва мантиқни кўйган, иккинчи ўринда - физика, учинчи ўринда - ахлоқ бўлган. У туғма ғоялар йўқ, билимларимизнинг манбаи - сезгилардир, сезгиларимиз ёлғон маълумот бермайди, факат хулоса чиқаришдагина инсон хатога йўл қўйиши мумкин, деб таъкидлайди. Эпикур хулоса чиқаришда кўпроқ аналогия ва индукцияга аҳамият берган. Скептицизм вакиллари билиш жараёнининг нисбий характеристики мутлаклаштирганлар, ҳақиқатни билиб бўлмайди деганлар. Сезгилар ва тасаввур ўртасидаги тафовутни бўрттириб қўрсатганлар. Уларнинг инсонни ҳақиқатдан адаштирувчи ҳолатлар ҳақидаги қарашлари этиборга лойик.

Биз юқорида кўриб чиқкан таълимотлар, Қадимги Грецияда мантиқ илмининг шаклланиши ва ривожланиши бу илмнинг билимлар тизимидан мустаҳкам ўрин эгаллашида муҳим аҳамиятга эга бўлган, деб хулоса чиқаришимизга асос бўлади. Қадимги Грецияда шаклланган мантиқ илми ўрта асрларда янги мазмун билан бойитилди. Бу, айниқса, мантиқнинг Яқин ва ўрта Шарқ мамлакатларида, хусусан, ўрта Осиёда ривожланишида яққол кўринади.

VI-XIII асрларга келиб, Яқин ва ўрта Шарқда Араб халифалиги вужудга келди, унинг хукмрон дунёқарashi бўлган Ислом дини қарор топди. Тарихда «мусулмон маданияти» номи билан маълум бўлган маданият шаклланди. Бу янги маданиятнинг шаклланишига ўрта Осиё ҳалқларининг истеъододли вакиллари муҳим ҳисса қўшдилар. Бу даврда диний ва дунёвий илмлар қатори мантиқ илми ҳам ривожланди. IX-XI асрларда Шарқ мамлакатларида, хусусан ўрта Осиёда фалсафий ва мантиқий таълимотларнинг ривожланишига қадимги юонон, хинд мутафаккирлари асарларининг кўплаб таржима қилиниши ижобий таъсир қўрсатди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, IX-XI асрлар Яқин ва ўрта Шарқда мантиқий таълимотларнинг ривожланишидаги энг самарали давр ҳисобланади. Бу даврда мантиқ илмини ўрганишга бўлган талабнинг ошиши, биринчидан, табиатшунослик фанларининг ривожланиши ва табиий-илмий билимларга бўлган эҳтиёжнинг кучайиши билан; иккинчидан, ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ бўлган масалаларни тўғри, адолатли ҳал қилишга интилишнинг ортиши билан ва, учинчидан, энг муҳими, тўғри фикр юритишга бўлган талабнинг, чин фикрларни хато фикрлардан ажратиш зарурияти билан изоҳланади.

IX-XI асрларда мантиқ масалалари билан астойдил шуғулланган ўрта Осиё мутафаккириларидан Форобий, Ибн Сино, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийларни қўрсатиш мумкин. Бу мутафаккирларнинг мантиқка бағишилаб ёзган асарлари асосан тўққиз номдан иборат эканлигини ва уларнинг номланиши, кетма-кетлиги бир хил эканлигини қўришимиз мумкин. Бунга сабаб шуки, Аристотелнинг «Органони» ни ташкил этувчи олтига мантиқий трактатларига («Категориялар», «Талқин ҳақида», «Биринчи аналитика», «Иккинчи аналитика», «Топика», «Софистик раддия») суряликлар унинг «Риторика»си билан «Поэтика»сини қўшдилар. Бундан аввалроқ эса унга Порфирийнинг «Исогувчи» асари қўшилган эди. Шундай қилиб «Органон» тўққиз трактатдан иборат бўлган яхлит таълимот сифатида араб файласуфлари томонидан қабул қилинганди. Шу асосга кўра Форобий, Ибн Сино, Ал-Хоразмийлар мантиқга оид таълимотларини айнан шу тартибда ишлаб чиқдилар.

Мантиқ масалаларини кенг ва изчил тадқиқ этган мутафаккир ал-Форобий (873-950) дир. У Сирдарё бўйидаги ўтрор шаҳар қалъасида, туркий ҳарбий оилада дунёга келди. Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида билим олди. У қадимги грек, хинд фалсафасини чуқур ўрганди, илмнинг турли соҳаларига оид 160 дан ортиқ турли ҳажмдаги рисолалар ёзиб қолдирди, умрининг сўнгги йилларини Дамашқда ўтказди. Форобий асарларининг катта қисми фалсафа ва мантиқ илмига оиддир.

Форобийда мантиқий билимлар системаси «Исогувчи» (Кириш), «Мақулот» (Категория), «Ибора» (Хукм), «Киёс» (Силлогизм, Биринчи Аналитика), «Бурхон», (Исботлаш, «Иккинчи

Аналитика»), Жадал (Диалектика), «Сафсата» (Софистик раддия), «Хитоба» (Риторика), «Шеър» (Поэтика) асарларини ўз ичига олади. Шунингдек, Форобий «Мантиқ илмига кириш», «Ақл ҳақида», «Шартли хукмлар», «Силлогизм» каби асарларида мантиқ масалаларини ишлаб чиқди. «Илмлар таснифи» асарида ҳам мантиқ илмининг предмети, тузилиши, илмлар системасида туттган ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритади.

Форобийнинг мантиқ соҳасидаги ишларининг давомчиларидан яна бири, турли илм соҳаларига оид қатор асарлар яратган, ўз даврининг дунёга машхур қомусий олими Абу Али ибн Сино (980-1037) дир. У Бухоро яқинидаги Афшона шаҳрида туғилди. У Бухорода таҳсил олиб, шу ерда олим, табиб сифатида шуҳрат қозонди, маълум бир вақт Хоразмда яшади. Ибн Сино 31 ёшида Хоразмни тарк этди, 1037 йили Исфаҳонда вафот этди. Ибн Сино 400 дан ортиқ асарлар муаллифидир. Бу асарлар илмнинг турли соҳаларига оид бўлиб, улардан 150 дан ортиғи фалсафа ва мантиқ масалаларига бағишлиланган. Булар орасида фалсафа ва мантиқ фанининг барча масалаларини изчил равишда ўз ичига олган асари - «Китоб-аш-шифо» дир. «Китоб-аш-шифо» нинг мантиқга оид қисми 9 бўлақдан иборат бўлиб, уларнинг номланиши ва тартиби Форобийники кабидир. Мутафаккирнинг бу асари мантиқ соҳасидаги барча илмлар асосида вужудга келган бўлиб, унда мантиққа оид масалалар тўлиқ қамраб олинган.

Мантиқ илмининг кейинги даврлардаги ривожи Бахманёр (1065 й.), Ибн Рушд (1126-1198), Насриддин Тусий, Фаҳриддин Розий, Қазвиний, Шамсиддин Самарқандий, Тафтазоний (1322-1390), Миршариф Журжоний (1340-1413) ва бошқаларнинг номи билан боғлиқ.

Аристотелнинг мантиқий таълимоти Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушдларнинг мантиққа оид асарлари орқали, яъни Шарқ орқали Европага кириб келди. Ўрта аср Европасида мантиқ масалалари асосан умумий ва якка тушунчаларнинг ўзаро муносабати доирасида ўрганилган.

Янги даврда Европада фаннинг, айниқса табиатшуносликнинг ривожланиши илмий метод (услуб) масалаларига эътиборни кучайтирди. Бу даврнинг буюк мутафаккирлари Р.Декарт, Ф.Бэкон, Т.Гоббс, Лейбниц ва бошқалар мантиқ илмининг турли йўналишларининг яратилишига асос солдилар. XVIII-XIX асрларда эса немис фалсафаси, хусусан унинг ёркин вакиллари бўлган И. Кант (1724-1804) ва В.Ф. Гегель (1770-1831) яратган мантиқий системалар муҳим ўрин тутади. Немис мантиқшунослигидаги фаолиятни эса XIX-асрнинг ўрталари - XX-асрнинг бошларида Буль, А.М. Де-Морган, Ч.Пирс, Г.Фреге ва бошқа таникли олимлар амалда давом эттириди ва фанга ўз хиссаларини қўшдилар.

2-мавзу:Формал мантиқнинг асосий қонунлари

Режса:

- 1. Формал мантиқнинг асосий қонуниятлари**
- 2. Айният қонуни**
- 3. Нозидлик қонуни**
- 4. Учинчиси истисно қонуни**
- 5. Етарли асос қонуни**
- 6. Тафаккур қонуниятларининг ўзаро алоқаси**

Оламдаги нарса ва ҳодисалар ҳаракати ўзига хос ички қонунлар асосида юзага келади. Бу ҳаракатнинг инсон онгидаги инъикоси, яъни тафаккур жараёни ҳам ўзига хос объектив қонуниятлар асосида амалга ошади. Фалсафада қонун тушунчаси нарса ва ҳодисаларнинг муҳим, зарурий, умумий, нисбий барқарор муносабатларини ифодалайди. Формал мантиқда илмида қонун тушунчаси фикрлаш элементлари ўртасидаги ички, муҳим, зарурий алоқадорликни ифодалайди. Мантиқий тафаккур икки турдаги қонунларга бўйсунади. Улар диалектика қонунлари ва формаллашган мантиқ қонунлариидир. Диалектика қонунлари объектив олам ва билиш жараёнига хос бўлган энг умумий қонунлар бўлиб, диалектик мантиқ илмининг ўрганиш соҳаси ҳисобланади. Формаллашган мантиқ қонунлари эса, фақат тафаккурдагина амал қиласи. Диалектика қонунлари мантиқий тафаккурни унинг мазмуни ва шакли бирлигига олиб ўрганса,

формал мантиқ қонунлари эса, фикрнинг тўғри тузилишини, унинг аниқ, изчил, зиддиятсиз ва асосланган бўлишини эътиборга олган ҳолда ўрганади.

Формал мантиқ қонунлари (ёки тафаккур қонунлари) дейилганда фикрлашга хос мухим, зурурий боғланишлар тушунилади. Тафаккур қонунлари объектив воқеликнинг инсон миясида узоқ вақт давомида акс этиши натижасида вужудга келган ва шаклланган. Бу қонунлар фикрлашнинг тўғри амалга ошишини таъминлаб туради. Улар тафаккур шакллари бўлган тушунчалар, мулоҳазалар (хукмлар) ҳамда хулоса чиқаришнинг шаклланиши ва ўзаро алоқаларини ифодалайди. Тафаккур қонунлари юзаки қараганда субъектив қонунлардек бўлиб туюлса ҳам, аслини олганда, объектив мазмунга эгадир. Бу қонунлар ҳамма кишиларнинг фикр юритишида бир хил амал қилувчи умумисоний қонунлардир. Уларни бузиш, алмаштириш, ўзгартириш, янгилаш мумкин эмас. Тафаккур қонунларига амал қилиш тўғри, тушунарли, аниқ изчил, зиддиятсиз, асосланган фикр юритишига имкон беради. Аниқлик, изчиллик, зиддиятлардан холи бўлиш ва исботлилик (acoslanganlik) тўғри тафаккурлашнинг асосий белгилари. Булар мантикий қонунларнинг асосини ташкил этувчи белгилар бўлганлиги учун уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

Инсон тафаккурига хос бўлган мухим хислатлардан бири фикрнинг аниқ бўлишидир. Маълумки, объектив воқеликдаги ҳар бир буюм, ҳодиса ўзига хос белги ва хусусиятларга эга. Бу белги ва хусусиятлар буюм ва ҳодисаларни бир-биридан фарқлашга, уларнинг ўзига хос томонларини аниқлашга ёрдам беради. Бу эса, ўз навбатида, буюм ва ҳодисаларнинг инсон тафаккурида аниқ акс этишини, ҳар бир фикр, мулоҳазанинг аниқ, равshan ифодаланишини таъминлайди. Фикрнинг ноаниқлиги фикрдаги мантиқнинг саёзлашувига, мантиқсизликка олиб келади. Масалан, объектив ва субъектив сабаб тушунчаларининг моҳиятини аниқлаб олмасдан бирорта ҳодисанинг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида аниқ фикр юритиб бўлмайди. Шу сабабдан фикрдаги аниқлик тўғри тафаккурлашнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Объектив воқеликдаги буюм ва ҳодисанинг жойлашиши, ўзаро муносабати ва боғланишида муайян тартиб, изчиллик, кетма-кетлик мавжуддир. Буюм ва ҳодисаларнинг бу хусусиятлари фикрлаш жараёнининг изчил амалга ошишида ўз ифодасини топган. Тафаккурга хос бўлган изчиллик белгиси ҳар бир фикрнинг муайян тартибда ўзаро боғланган ҳолда баён этилишини талаб қиласди. Фикрдаги изчилликнинг бузилиши, фикр маъносининг ўзгаришига олиб келади ва бундай фикрни тушуниб олиш қийинлашади. Масалан, бирорта файласуф - мутафаккирнинг умумфалсафий қарашларини ўрганмасдан туриб, унинг ижтимоий ёки ахлоқий таълимотининг моҳиятини тўлиқ тушуниб бўлмайди.

Тафаккурга хос бўлган белгилардан яна бири фикрлаш жараёнининг зиддиятсизлик хусусиятига эга бўлишилгидир. Бу белги ҳам объектив асосга эга. Маълумки, объектив воқеликда ҳар бир буюм ёки ҳодиса бир вақтнинг ўзида бирор сифатига кўра икки зид белгига эга бўлмайди. Масалан, бирор буюм бир вақтнинг ўзида ҳам бор, ҳам йўқ бўла олмайди ёки инсон ҳам эътиқодли, ҳам эътиқодсиз бўла олмайди. Фикрда мантикий зиддиятларнинг мавжуд бўлиши унинг ноаниқ, чалкаш, тушунарсиз бўлишига олиб келади. Буюм ва ҳодисалар ўртасидаги сабабий боғланишлар тафаккурга хос бўлган асослилик белгисининг объектив негизидир. Инсон фикр юритиши жараённида иложи борича чинлиги асосланган мулоҳазаларни баён қилишга интилади. Юқорида баён қилинган белгилар тафаккур қонунларининг мазмунини ташкил этади.

Айният қонуни

Бирор буюм ёки ҳодиса ҳақида фикр юритилганда уларга хос бўлган барча мухим белгилар, томонлар қамраб олинади. Предмет ҳақидағи фикр неча марта ва қандай ҳолатларда тақоррланишига қарамасдан доимий, ўзгармас ва қатъий мазмунга эга бўлади. Тафаккурга хос бўлган бу аниқлик хусусияти айният қонунининг моҳиятини ташкил этади. Айният қонунига кўра маълум бир предмет ёки ҳодиса ҳақида айтилган айни бир фикр айни бир муҳокама доирасида айни бир вақтда ўз-ўзига tengdir. Бу қонун формал мантиқ илмида «A-A дир» формуласи билан ифодаланади. Айният қонуни символик мантиқ илмида, яъни мулоҳазалар мантиғи ва предикатлар мантиғида ўзига хос кўринишда ифодаланади:

Мулоҳазалар мантиғида а → а ва а ↔ а. (Бунда а - ҳар қандай фикрни ифодаловчи белги, → импликация белгиси, ↔ эквивалентлик белгиси). Предикатлар мантиғида ($\forall x(P(x) \rightarrow P(x))$). Бу ифода қуйидагича ўқилади: ҳар қандай X учун, агар X P белгига эга бўлса, X шу белгига эга, деган фикр тўғри бўлади. Айният қонунининг асосий талаби қуйидагича: фикрлаш жараёнида турли фикрларни айнанлаштириш ва аксинча, ўзаро айнан бўлган фикрларга teng эмас, деб қараш мумкин эмас. Бу мантиқий тафаккурнинг муҳим шартларидан биридир. Фикрлаш жараёнида бу қонунни, билиб ёки билмасдан, бузиш холатлари учрайди. Баъзан, бу ҳолат бир фикрнинг тилда турли хил ифодаланиши билан боғлиқ бўлади. Масалан: «диалектика қонунлари» ва «табиат, жамият ва инсон тафаккурнинг энг умумий қонунлари» тушунчалари шаклига кўра турлича бўлса ҳам мазмунан айнандир.

Тилда мавжуд бўлган омоним ва синоним сўзларнинг қўлланиши ҳам баъзан турли фикрларнинг ўзаро айнанлаштирилишига, яъни нотўғри муҳокамага олиб келади. Масалан: фалсафий нуқтаи назардан «сифат» тушунчаси, ўзига хос мазмунга эга бўлса, бирор хунарманд томонидан бу тушунча, бошқа мазмунда (яроқли, фойдали) қўлланилади. Шунингдек у, бир тушунчага касб-хунари, ҳаётий тажрибаси ва дунёқарashi турли хил бўлган шахслар томонидан турли мазмун юклитилишида ҳам намоён бўлади. Баҳс-мунозара жараёнида қандай қилиб бўлса ҳам рақибни алдаш ва ютиб чиқиш мақсадида айният қонунининг талабларини атайлаб бузувчилар соғистлар деб аталади; уларнинг таълимоти эса соғистика дейилади.

Баъзан турли маънодаги бир хил сўзларни моҳирлик билан ишлатиш орқали ажойиб шеърий мисралар яратилади. Шарқ адабиётида «туюқ» номи билан маълум бўлган бу шеърий мисралар гўзаллиги, инсонга ўзига хос завқ бериши билан ажралиб туради. Бунга Фозил Йўлдош ўғлининг қуйидаги мисралари мисол бўла олади:

Кўлингдан келганча чиқар яхши от,
Яхшилик қил болам, ёмонликни от,
Насихатим ёд қилиб ол фарзандим,
Ёлғиз юрса чанг чиқармас яхши от.

Юқоридаги тўртликда «от» тушунчасининг турли маъноларда қўлланилиши, айният қонуни талабининг бузилишини эмас, балки унга риоя қилинганини ифодалайди. Шунингдек, ўзбек халқига хос бўлган асқия санъатида айният қонунлари атайлаб бузилишини, тушунчаларнинг ўз маъносида эмас, балки кўчма маъноларда қўлланилишини кузатиш мумкин. Бу ўзига хос сўз ўйини бўлиб, унда қўлланиладиган нозик қочиrimлар асқия айтuvчининг маҳоратини кўрсатади ва тингловчиларнинг қулгусига сабаб бўлади. Демак, ҳаётда, амалиётда тушунчанинг турли маъноларда қўлланилишидан ғаразли ёки беғараз, яхши ёки ёмон мақсадлар учун фойдаланиш мумкинлигини кўрамиз. Айният қонуни предмет ва ҳодисаларнинг нисбий барқарорлигини ифода этган ҳолда, тафаккурнинг ривожланишини, тушунчалар ва билимимизнинг ўзгариб, бойиб боришини инкор этмайди. Бу қонун фикрнинг мазмунни предмет ва ҳодисаларни тўлароқ билиб боришимиз билан ўзгаришини эътироф этади ва уни ҳисобга олишни тақозо қиласди.

Айният қонуни тафаккурга, унинг барча элементлари, шаклларига хос бўлган умумий мантиқий қонундир. Бу қонуннинг талаблари тафаккурнинг ҳар бир шаклига хос бўлган конкрет қоидаларда аниқ ифодаланади. Тафаккурнинг тушунча, мулоҳаза (хукм), хулоса чиқариш шакллари, улар ўртасидаги муносабатлар шу қонунга асосланган ҳолда амалга ошади.

Нозидлик қонуни

Инсон тафаккури аниқ, равшан бўлибина қолмасдан, зиддиятсиз бўлиши ҳам зарур. Зиддиятсизлик инсон тафаккурига хос бўлган энг муҳим хислатлардан биридир. Маълумки, объектив воқеликдаги буюм ва ҳодисалар бир вақтда, бир хил шароитда бирор хусусиятга ҳам эга бўлиши, ҳам эга бўлмаслиги мумкин эмас. Масалан, бир вақтнинг ўзида, бир хил шароитда инсон ҳам ахлоқли, ҳам ахлоқсиз бўлиши мумкин эмас. У ё ахлоқли, ё ахлоқсиз бўлади.

Бир вақтнинг ўзида бир предметга икки зид хусусиятнинг тааллуқли бўлмаслиги тафаккурда нозидлик қонуни сифатида шаклланиб қолган. Бу қонун фикрлаш жараёнида

зиддиятга йўл қўймасликни талаб қиласи ва тафаккурнинг зиддиятсиз ҳамда изчил бўлишини таъминлайди.

Нозидлик қонуни айни бир предмет ёки ҳодиса ҳақида айтилган икки ўзаро бир-бирини истисно қилувчи (қарама-қарши ёки зид) фикр бир вақтда ва бир хил нисбатда бирданига чин бўлиши мумкин эмаслигини, хеч бўлмаганда улардан бири албатта хато бўлишини ифодалайди. Бу қонун «А ҳам В, ҳам В эмас бўла олмайди» формуласи орқали берилади. Мулоҳазалар мантиғида бу қонун қўйидаги формула орқали ёзилади: $\forall x (p(x) \cdot \bar{p}(x))$, яъни ҳар қандай $p(x)$ мулоҳаза учун $p(x)$ ва унинг инкори биргаликда чин бўлмаслиги тўғридир.

Нозидлик қонуни қарама-қарши ва зид мулоҳазаларга нисбатан қўлланилади. Бунда қарама-қарши мулоҳазаларнинг ҳар иккаласи ҳам бир вақтда хато бўлиши мумкин; ўзаро зид мулоҳазалар эса бир вақтда хато бўлмайди, улардан бири хато бўлса, иккинчиси албатта чин бўлади. Қарама-қарши мулоҳазаларда эса бундай бўлмайди, яъни улардан бирининг хатолигидан иккинчисининг чинлиги келиб чиқмайди. Масалан: «Аристотель-мантиқ фанининг асосчиси» ва «Аристотель-мантиқ фанининг асосчиси эмас»-бу ўзаро зид мулоҳазалардир. Бу зид мулоҳазаларнинг ҳар иккаласи бир вақтда хато бўлмайди. Улардан биринчиси чин бўлгани учун, иккинчиси хато бўлади. ўзаро қарама-қарши бўлган «Бу дори ширин» ва «Бу дори аччик» мулоҳазаларининг эса иккаласи бир вақтда, бир хил нисбатда хато бўлиши мумкин. Чунки дори ширин ҳам, аччик ҳам бўлмаслиги, балки бемаза ёки нордон бўлиши мумкин. Баъзида икки қарама-қарши фикр айтилганда мантиқий зиддият бўлмаслиги мумкин. Бунда бир масала юзасидан баён қилинган қарама-қарши фикрлар турли вақтда ва турли нисбатда айтилган бўлади. Масалан: Талаба А. мантиқ фанидан имтиҳон топширмади» ва «Талаба А. мантиқ фанидан имтиҳон топширди». Бу зид мулоҳазалар турли вақтга нисбатан чин бўлади, яъни улар ўртасида зиддият бўлмайди.

Демак, фикрлаш жараёнида, вақт, муносабат ва обьект бирлигининг сақланиши нозидлик қонунининг амал қилиши учун зарурӣ шарт-шароит ҳисобланади. Нозидлик қонуни тўғри фикр юритиш жараёнида амал қиласи. Мантиқ илми умуман ҳар қандай зид мулоҳазаларни таъқиқламайди, балки бир масала юзасидан бир хил вақт ва муносабат доирасида ўзаро зид, қарама-қарши мулоҳазаларни баён қилиш мумкин эмаслигини таъкидлайди. Формал мантиқ диалектик зиддиятлар билан мантиқий зиддиятларни чалкаштириб юбориши қоралайди. Мантиқий тафаккурдаги зиддият билан реал ҳаёт зиддиятларини, яъни диалектик зиддиятни бир-биридан фарқлаш, уларни алмаштириб юбормаслик зарур. Чунки булардан биринчиси тафаккурда йўл қўйиб бўлмайдиган зиддият бўлса, иккинчиси буюм, ҳодисалар тараққиётининг ички манбайнин ташкил қиласидаги диалектик зиддиятдир. Биринчиси субъектив, иккинчиси объектив зиддиятдир.

Нозидлик қонунини билиш ва унга амал қилиш рақибнинг, сухбатдошнинг фикрларидағи мантиқсизликни аниқлаш, илмий таҳлилни изчил ва чуқур мантиқий асосда олиб бориши имконини беради.

Учинчиси истисно қонуни

Учинчи истисно қонуни нозидлик қонунининг мантиқий давоми бўлиб, фикрнинг тўлиқ мазмунини қамраб олиб баён қилинган икки зид фикрдан бири чин, бошқаси хато, учинчисига ўрин йўқ эканлигини ифодалайди. Бу қонун «А В ёки В эмасдир» формуласи орқали берилади. Мулоҳазалар мантиғида бу қўйидаги формула орқали ифодаланади: $p \vee \bar{p}$. Бу формула қўйидагича ўқилади. p ёки \bar{p} эмас. Учинчиси истисно қонуни тушунчалар ўртасидаги зид муносабатларни ифодалайди. Агарда зид муносабатлар тушунчанинг тўлиқ мазмунини қамраб олмаса, икки зид белгидан бошқа белгиларнинг ҳам мавжудлиги маълум бўлса, унда учинчиси истисно қонуни амал қилмайди.

Масалан:

Талаба имтиҳонда»аъло» баҳо олди.

Талаба имтиҳонда «икки» баҳо олди.

Бу мулоҳазалар муносабатида нозидлик қонуни амал қиласи. Чунки бу мулоҳазаларнинг ҳар иккиси ҳам хато бўлиши ва талаба имтиҳонда «ўрга» ёки «яхши» баҳо олиши мумкин.

Агар, «Талаба имтиҳонда «аъло» баҳо олди» ва «Талаба имтиҳонда «аъло» баҳо олмади», муроҳазаларини таҳлил қиласак, унда бу муроҳазалардан бири чин, бошқаси хато, учинчисига ўрин йўқ эканлиги маълум бўлади. Чунки «яхши», «ўрта» ва «икки» баҳолар-«аъло» баҳо эмас.

Учинчиси истисно қонуни қуйидаги ҳолатларда қўлланилади:

1. Алоҳида олинган якка буюмга нисбатан бир хил вақт ва муносабат доирасида ўзаро зид фикр билдирилганда. Масалан,

Тошкент-ўзбекистоннинг пойтахти.

Тошкент-ўзбекистоннинг пойтахти эмас.

Бу муроҳазалар биргаликда чин ҳам, хато ҳам бўла олмайди. Улардан бири чин, иккинчиси хато, учинчи муроҳазага ўрин йўқ. Учинчиси истисно қонуни ўзаро зид умумий муроҳазалар доирасида амал қилмайди. Чунки умумий муроҳазаларда буюмлар синфиға ва шу синфга мансуб ҳар бир буюмга нисбатан фикр билдириллади.

Масалан:

Ҳамма файласуфлар нотиқдир.

Ҳеч бир файласуф нотиқ эмас.

Бу муроҳазалардан, бирининг хатолигидан иккинчisinинг чинлиги ҳақида хulosса чиқариб бўлмайди. Бундай ҳолатда «Баъзи файласуфлар нотиқдир» деган учинчи бир муроҳаза чин хисобланади.

2. Сон ва сифатига кўра ўзаро зид муроҳазалар баён қилинганда, буюм ва ҳодисаларнинг синфи ҳақида тасдиқлаб баён қилинган муроҳаза билан шу синф буюм ва ҳодисаларнинг бир қисми ҳақида инкор этиб баён қилинган муроҳазалардан бири чин, иккинчиси хато, учинчисига ўрин бўлмайди.

Масалан:

Ҳамма файласуфлар табиётшуносири.

Баъзи файласуфлар табиётшунос эмас.

Бу икки муроҳаза бир вақтда чин ҳам, хато ҳам бўла олмайди. Улардан бири (Баъзи файласуфлар табиётшунос эмас) албатта чин, иккинчиси хато, учинчи муроҳазага ўрин йўқ.

Демак, Учинчиси истисно қонуни:

Икки зид якка муроҳазаларга нисбатан;

Умумий тасдиқ ва жузъий инкор муроҳазаларга нисбатан;

Умумий инкор ва жузъий тасдиқ муроҳазаларга нисбатан қўлланилади.

Учинчиси истисно қонунининг амал қилиши учун олинган зид муносабатларни ифодаловчи муроҳазалардан бири тасдиқ, иккинчиси инкор бўлиши ёки тушунчалардан бири ижобий ва бошқаси салбий бўлиши шарт эмас. Олинган икки тушунча ёки муроҳазанинг бир-бiriни ҳажм жиҳатдан тўлиқ инкор этиши кифоя. Масалан, эркак ва аёл тушунчаларининг ҳар иккиси ижобий бўлиб, инсон тушунчасининг тўлиқ мазмунини қамраб оловчи зид белгиларни ифодалайди. Учинчиси истисно қонунида ҳам, нозидлик қонунидаги каби вақт, муносабат, обьект айнанлигига риоя этиш шарт, акс ҳолда бу қонун ўз кучини йўқотади, фикрнинг изчиллигига зарар етади ва мантиқсизликка йўл қўйилади.

Учинчиси истисно қонуни бошқа мантиқий қонунлар сингари зиддиятли муроҳазаларнинг чин ёки хатолигини аниқлаб беролмайди. Бунинг учун воеа ва ҳодисаларни, уларнинг ривожланиш қонуниятларини билиш талаб қилинади. Инсон ўз билимларига асосланган ҳолда ўзаро зид муроҳазалардан қайси бири чин ёки хато эканлигини аниқлайди. Бу қонун ўзаро зид муроҳазалар бир вақтда чин бўлмаслигини тасдиқлайди. Учинчиси истисно қонунини билиш муҳокама юритишда тўғри хulosса чиқариш учун муҳим бўлиб, ўзаро зид қарашларни аралаштириб юборишга йўл қўймайди.

Етарли асос қонуни

Тўғри фикрлашга хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири исботлилик, ишончлиликдир. Фикрлаш жараёнида буюм ва ҳодисалар ҳақида чин муҳокама юритибгина қолмасдан, бу муҳокаманинг чинлигига ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги учун, уни исботлашга, асослашга харакат қилинади. Бунда чинлиги аввалдан маълум бўлган ва ўзаро мантиқий боғланган

мулоҳазаларга асосланилади, яъни баён қилинган фикрнинг чинлиги аввалдан маълум бўлган, тасдиқланган бошқа бир фикр, мулоҳаза билан таққосланади. Тафаккурнинг бу хусусияти етарли асос қонуни орқали ифодаланади. Инсон тафаккурига хос бўлган бу қонунни биринчи марта немис файласуфи ва математиги Г. Лейбниц таърифлаб берган. Унинг таъкидлашича, барча мавжуд нарсалар ўзининг мавжудлиги учун етарли асосга эга. Ҳар бир буюм ва ҳодисанинг реал асоси бўлгани каби, уларнинг инъикоси бўлган фикр-мулоҳазалар ҳам асосланган бўлиши керак. Етарли асос қонунининг бу талаби қуйидаги формула орқали ифодаланади: «Агар В мавжуд бўлса, унинг асоси сифатида А ҳам мавжуд».

Етарли асос қонунида тўғри тафаккурнинг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлган фикрларнинг изчиллик билан муайян тартибда боғланиб келиш хусусияти ифодаланади. Бу қонун аввалги кўриб ўтилган қонунлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда амал қиласи. Фикрлаш жараёнида берилган мулоҳазанинг чинлигини асослаш учун келтирилган чин мулоҳазалар мантиқий асос деб, берилган мулоҳазанинг ўзи эса мантиқий натижка деб юритилади.

3-мавзу: Тушунча ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Режса:

- 1. Тушунча тафаккур шакли сифатида**
- 2. Тушунчанинг мазмуни ва ҳажми**
- 3. Тушунчанинг турлари**
- 4. Тушунчалар ўртасидаги муносабатлар**
- 5. Тушунчаларни чегаралаш ва умумлаштириш, таърифлаш**

Инсон тафаккури тушунчалар асосига қурилган. Тафаккурни муҳташам бинога қиёс этсак, унинг “ғишт” лари турли – туман тушунчаларга ўхшайди. Улар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди.

Объектив воқеликдаги биз фикр қиласиган нарса-ходисалар мантиқ асосларида фикр предметлари деб аталади. Чунончи, китоб, дараҳт, институт, жумхурият, автомобиль ва ҳоказолар. Бу нарса-ходисалар турли хусусиятларга эга. Уларнинг мантиқ илмида белгиланган деб аташ қабул қилинган. Масалан, китобнинг катта кичклиги, мундарижаси, ранги, қалин юпқалиги ва бошқалар. Предметлар ўз белгиларига кўра бир-бирига ўхшашиб ёки фарқ қилиши мумкин. Предметнинг бошқа предметлардан туб фарқини кўрсатадиган, уни айнан шу муайянлигини ташкил қиласиган хоссалари унинг муҳим белгилари деб юритилади. Чунончи, китобнинг муҳим белгиси – бу унинг мутола қилишга мўлжалланганлигидир. Бу мазкур тушунчанинг муҳим белгиси бўлади.

“Инсон” тушунчаси барча одамлар учун умумий бўлган бир неча муҳим белгини ўз ичига олган: бу уларнинг онг сохиблари эканлиги, тилга эгалиги, меҳнат қилиш кобилияти, ижтимоий моҳиятидан иборат. Кишиларнинг ирқий, миллий, касб-корга оид, жинсий, ёш хусусиятлари эса ушбу тушунчанинг номухим белгилари бўлади.

Ҳар қандай тушунча сўз билан ифодаланади. Тушунча буюмни инъикос эттиrsa, сўз буюм номини билдиради. Тушунчалар бир ёки бир неча сўз (сўз бирикмаси) ёрдамида ифодаланади. Сўз - тушунча, яъни билимнинг моддий-буюмлашган қобиғи, хиссий шаклидир. Шу боисдан одамлар тушунчалар билан алмашина оладилар, уларнинг қабул қилинган маъноларда қўллайдилар, аралаштириб юбормайдилар.

Ҳар бир тушунча ўз мазмуни ва ҳажмига эга. Тушунчанинг мазмуни деганда мазкур тушунча акс эттираётган предметнинг муҳим белгилари йиғиндиси тушунилади.

Тушунча доирасига кирадиган нарса ва ходисалар йиғиндиси тўпламига тушунча ҳажми дейилади.

Тушунчалар ҳажми кенг ёки тор бўлиши мумкин. Кенгроқ тушунчалар жинсий тушунчалар, торроқ тушунчалар эса тур тушунчалар дейилади. Бироқ жинс ва тур тушунчаларга бўлиш шартли характерга эга, негаки қай нуктаи назардан қаралишига, қандай тушунчага нисбат берилишига кўра бир тушунчанинг ўзи турли муносабатларда ўзини турлича намоён қилиши мумкин. Чунончи, юкорида жинс тушунча ўрнида келган “шахар”

тушунчаси “манзилгох” тушунчаси билан нисбатан олинган тур тушунчага айланиб, иккинчиси жинс тушунча ролини бажаради, тур тушунча деб қараганимизда “ўқитувчи” эса “тарих фани ўқитувчиси” тушунчасига нисбатан жинс тушунча бўлади ва ҳоказо.

Тушунчалар ўртасида жинс-тур муносабатлари тушунчанинг хажми билан мазмуни ўртасидаги тескари алоқа қонуни деб аталган формал-логик қонунда ўз аксини топган. Бу қонунга кўра, тушунчанинг мазмуни қанчалик кенг бўлса, яъни унинг хажми шунчалик тор бўлади ва аксинча, тушунчанинг мазмуни қанчалик торайиб, яъни белгилари камайиб, умумийлашиб борса, унинг хажми шунчалик кенгайиб боради. Масалан, “ўқитувчи” ва “методист-ўқитувчи” тушунчаларини олсак, уларнинг биринчисининг хажми кенг, иккинчисиники тор. Бироқ мазмунан тескари: иккинчисининг мазмуни биринчисига қараганда кенгроқдир, негаки “методист-ўқитувчи” тушунчасининг қўшимча яна бир мухим белгиси бор: у ўқитувчилар учун хос барча умумий белгилардан ташқари яна бир мухим белгисини – юксак маҳоратли, малакали ўқитувчининг белгисини ҳам ўз ичига олган. Шу маънода “ўқитувчи” тушунчасидан “методист-ўқитувчи” тушунчасига ўтилганда тушунча хажми тораяди (негаки методист-ўқитувчилар жами ўқитувчиларнинг маълум бир қисмини ташкил этади холос), мазмуни ва унинг белгилари микдори кўпайиши эвазига кенгайиб боради.

Тушунчаларнинг мазмуни ва хажмига қараб қуидаги турларга бўлинади: 1. Мазмунига кўра: а) конкрет ва абстракт; б) нисбатдош ва нисбатсиз; в) ижобий ва салбий; 2. Хажмига кўра: а) якка ва умумий; б) жамловчи тушунча.

Айрим предмет ва ходисаларни ёки уларнинг туркуми, синфини акс эттирган тушунчалар конкрет тушунчалар дейилади. Булар қаторига “ётоқхона”, “кўшиқ”, “Ойбекнинг “Кутлуғ қон” романи”, “ўқитиш методи” сингари тушунчаларни киритиш мумкин.

Нарса ва ходисанинг ўзини эмас, балки ундан фикран ажратиб олинган бирор белгисини акс эттирган тушунча абстракт (мавхум) тушунча деб аталади. Чунончи, “хақиқатан”, “соф”, “улуғвор”, “тубанлик” ва ҳоказо.

Нисбатдош деб бир-бирини тақозо этадиган, бири иккинчиси орқали аниқланадиган тушунчаларга айтилади. “иш-ишчи”, “ок-қора”, “мазмун-шакл” шундай тушунчалар сирасига киради.

Ўз-ўзича, мустақил, бири иккинчисига боғлиқ бўлмаган нарса ва ходисалар акс эттирилган тушунчалар нисбатсиз хисобланади.

Ижобий тушунча нарса ёки ходисага у ёки бу сифат (белги) хослигини кўрсатади.

Предмет ёки ходисанинг у ёки бу сифат (белги) лардан маҳрум эканлигини таъкидлаган тушунчалар салбий тушунчаларни ташкил этади. Чунончи, “бекарор холат”, “фаросатсиз”, “ноаниқ мақсад” ва шу каби холларда “-бе”, “-но”, “-сиз” қўшимчаларини қўшиш йўли билан хосил қилинади.

Агар тушунча объектив реалликни у қандай бўлса, шундайлигича, тўғри акс эттиrsa, у чин тушунча бўлади, аксинча, тушунча воқеликни бузиб, нотўғри акс эттиrsa, у ёлғон тушунча деб юритилади.

Энди тушунчаларнинг хажмига кўра бўлинишини қўриб чиқамиз. Якка тушунчалар борлиқдаги якка, айрим предмет ва ходисаларни акс эттиради. Масалан, “Наманган мухандислик-педагогика институти”. Тушунчанинг ҳажмини унда акс этган предметларни айрим гуруҳларга (айрим предметларга) ажратиш йўли билан аниқлашга тушунчани бўлиш дейилади. Бўлиш амалини бўлинувчи тушунча (ҳажми аниқланиши лозим бўлган тушунча), бўлиш асоси (предметнинг тушунчада фикр қиласидан бирорта умумий белгиси) ва бўлиш аъзолари (бўлиш натижасида ҳосил қилинадиган тур тушунчалар) ташкил этади. Масалан «Инсон» тушунчасини (бўлинувчи тушунча) ижтимоий келиб чиқишига кўра (бўлиш асоси) «ишчи», «дехқон», «зиёли» (бўлиш аъзолари) тушунчаларига ажратиш йўли билан унинг ҳажми аниқланади. Бўлинувчи тушунча-жинс тушунча, бўлиш аъзолари-тур тушунчалар бўлиб, улар ўзаро бирга бўйсуниш муносабатидадирлар.

Тушунчаларни бўлиш амалини предметларни қисмларга ажратишдан фарқ қилиш лозим. Масалан, автомобилни кузов, шасси, двигатель ва шу кабиларга ажратсан, уни қисмларга бўлган бўламиз. Предметнинг қисми предметнинг умумий белгиларига эга бўлмаслиги мумкин. Шунинг

учун ҳам «Кузов автомашинадир», деган муроҳаза ҳосил қилсақ, у хато бўлади. Агар «Автомобиль» тушунчасини «Енгил автомобиль», «Юк ташувчи автомобиль» тушунчаларига ажратсақ, уни бўлган бўламиз.

Бўлишнинг иккита тури мавжуд: асос бўлган белгининг ўзгаришига қараб бўлиш ва дихотомик бўлиш. Биринчи турида предметнинг бирорта умумий белгиси бўлиш учун асос қилиб олиниб, унинг ўзгаришига мувофиқ ҳолда предметларнинг айрим гурухлари аниқланади. Масалан: бурчакнинг ўзгаришига қараб «учбурчак» тушунчаси учта тур тушунчага: «тўғри бурчакли учбурчак», «ўтмас бурчакли учбурчак», «ўтқир бурчакли учбурчак»ларга ажратилади. Бўлиш асоси қилиб бўлинувчи тушунчанинг мазмунида фикр қилинадиган ҳар қандай умумий белгини олиш мумкин. Масалан «учбурчак» тушунчасини томонларига қараб «тeng томонли учбурчак», «тeng ёнли учбурчак», «турли томонли учбурчак» тушунчаларига ажратиш мумкин.

Тушунчанинг қайси белгисини бўлиш асоси қилиб олиш бўлишда ҳал қилиниши лозим бўлган вазифага боғлиқ. Лекин қандай вазифани ҳал қилишдан қатъий назар, бўлиш ўзининг объектив асосига эга бўлиши лозим, яъни бўлиш асоси бўлган белги предметнинг умумий белгиси бўлиши шарт.

Дихотомик бўлиш бўлинувчи тушунчани ўзаро зид бўлган иккита тур тушунчага ажратишдан иборат. Масалан, барча кишиларни «диндорлар» ва «диндор эмасларга» ажратсақ, дихотомик тарзда бўлган бўламиз. Дихотомик бўлиш бир қатор қулайликларга эга. Хусусан, бунда биз бўлинувчи тушунчанинг барча турларини кўрсатиб ўтирмастан, ўзимизга кераклигини ажратамиз, колганларини унга зид бўлган тушунчага бирлаштирамиз. Шу билан бирга дихотомик бўлиш маълум бир камчиликларга ҳам эга. Масалан, инкор тушунчанинг ҳажми ноаниқ бўлади. Ундан ташқари дихотомик бўлишдан фақат бир марта фойдалангандагина кутилган мақсадга эришиш мумкин. Агар, бўлиш аъзоларидан бири, айниқса инкор тушунчани ўз навбатида бўлинувчи тушунча деб қабул қилиб, бўлиш амалини давом эттирасак, хато натижалар келиб чиқиши мумкин.

Предмет ва ходисаларнинг умумий, мухим белги ва томонларини ҳамда бутун бошлиқ туркуми, сифатини акс эттирган тушунчалар умумий тушунчаларга киради. “Диний адабиёт”, “олийгоҳ”, “дараҳт”, “ўзбек кишиси” шулар жумласига киради. Умумий тушунчалар чегараланган микдордаги предметларни акс эттирганда улар чегараланмаган (ноаниқ) тушунчалар деб юритилади. Бунга “дараҳт”, “тош”, “самовий жисм” тушунчаларини киритиш мумкин. Шу билан бирга ҳажми йўқ тушунчалар ҳам бўлади. Бундай тушунчалар акс эттираётган нарсанинг ўзи объектив борлиқда учрамайди ва табиат ҳамда жамият қонунларига зид. Чунончи, “идеал шахс”, “Қорбобо”, “семуруғ қуши”, “анқонинг уруғи” ва бошқалар.

Жамланма тушунчалар бир туркум, гурух, тўплам предметларнинг яхлит ҳолда акс эттирилишидан ҳосил бўлади. Масалан, “ўрмон”, “флот”, “пахтазор”. Жамланма тушунча мазмuni мазкур тушунча ҳажмига кираётган ҳар бир алоҳида элементга тааллукли бўла олмайди. Айтайлик, алоҳида дараҳт – бу “ўрмон” бўла олмайди.

Жамланма тушунча, ўз навбатида яна 2 турга бўлинади: якка ва умумий жамланма тушунча. “Мевазор боғ”, “ўзбек ҳалқ оғзаки ижоди”, “миллий қадрият” тушунчалари умумий, “Алишер навоий номидаги давлат кутубхонаси”, “Фарғона водийси вилоятлари” якка жамланма тушунчаларга мисолдир.

Шундай қилиб, мавзуга якун ясаб шуни айтиш мумкинки, тафаккурнинг бошланғич ва энг мухим шакли бўлган тушунча объектив оламдаги ва ходисалар инъикоси сифатида мураккаб тузилишга эга бўлиб, эришилган билимлар даражасини акс эттираса, иккинчи томондан, у билиш воситаси ҳамdir, чунки олам қонунларини кашф этиш айнан шу тушунчалар ёрдамида амалга оширилади.

4-мавзу: Хукм ва унинг турлари Режса:

- 1. Хукм - тафаккур шакли сифатида**
- 2. Хукмнинг таркиби ва асосий хусусиятлари**

- 3. Оддий хукм таркиби**
- 4. Мураккаб хукм, унинг турлари**
- 5. Хукмлар ўртасидаги муносабатлар**
- 6. Савол фикрнинг маҳсус шакли сифатида**
- 7. Меъёр ва хукм**

Хукм предметга маълум бир хоссанинг, муносабатнинг хослиги ёки хос эмаслигини ифодаловчи тафаккур шаклидир. Хукмнинг асосий вазифаси предмет билан унинг хусусияти, предметлар ўртасидаги муносабатларни кўрсатишдир. Ана шунинг учун ҳам у доимо тасдиқ ёки инкор шаклдаги фикрдан иборат бўлади. Фикр юритиш жараёнида биз предмет ва ҳодисаларнинг оддий, ташки хусусиятлари билан бирга уларнинг ички, зарурий боғланишларини, муносабатларини билиб борамиз. Предмет ва ҳодисаларнинг хусусиятларини кетма-кет ўрганиб, улар ҳақида турли абстракциялар ҳосил қиласиз. Бу абстракциялар хукмлар ёрдамида ифодаланади. Билимларимиз турлича бўлгани учун, уларни ифодалайдиган хукмлар ҳам ҳар хил бўлади. Баъзи хукмларда аниқ, текширилган билимлар ифодаланса, бошқаларида хусусиятнинг предметга хослиги тахмин қилинади, яъни ноаниқ билимлар ифодаланади.

Хукмлар нисбатан тугал фикрdir. Унда конкрет предмет билан унинг конкрет белгиси ҳақида билим ифода қилинган бўлди. Хукмлар воқеликка мос келиш даражасига кўра чин, хато ва ноаниқ (эҳтимол, тахминий) бўлади. Объектив воқеликка мос келган, уни тўғри ифодалаган хукмлар чин, мос келмаганлари хато бўлади. Айни вактда чинлигини ҳам, хатолигини ҳам аниқлаб бўлмайдиган хукмлар - ноаниқ хукмлар мавжуддир. Хукмлар тилда гаплар орқали ифодаланади. Хукм мантикий категория бўлса, гап грамматик категориядир. Хукмлар асосан дарак гап орқали ифодаланади. Фақат дарак гаплардагина фикр тасдиқ ёки инкор ҳолда бўлади.

Масалан, «Вақт орқага қайтмайди», «Ҳаёт-бу ҳаракат» каби гаплар хукмни ифода қиласидилар.

Хукмлар тузилишига кўра оддий ва мураккаб бўлади. Оддий хукм деб таркибидан яна бир хукмни ажратиб бўлмайдиган мулоҳазага айтилади. Таркибидан икки ёки ундан ортиқ хукмни ажратиш мумкин бўлган мулоҳазаларга мураккаб хукм дейилади. Масалан, «Мантиқ илмини ўрганиш тўғри фикрлаш маданиятини шакллантиради» деган мулоҳаза оддий хукмни ифодалайди. «Мантиқ илми тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганади», деган мулоҳаза мураккаб ҳумкмдир. Бу мулоҳазанинг таркиби икки қисмдан: «Мантиқ илми тафаккур шаклларини ўрганади» ва «Мантиқ илми тафаккур қонунларини ўрганади», деган икки оддий хукмдан иборат.

Мулоҳаза (хукм) таркибida мантикий эга ва мантикий кесимни ажратиб кўрсатиш мумкин. Мантикий эга-субъект (S) фикр қилинаётган предмет ва ҳодисани билдиради. Мантикий кесим-предикат (P) предметга хос хусусиятни, муносабатни билдиради. Предикатда ифодаланган билимлар ҳисобига субъект ҳақидаги тасаввур бойитилади. Хукмнинг субъект ва предикати унинг терминлари деб аталади. Хукмнинг учинчи зарурий элементи мантикий боғламадир. У субъект ва предикатни бир-бири билан боғлайди, натижада хукм ҳосил бўлади. Оддий қатъий хукмнинг формуласи қуйидагича ёзилади: S-P.

Оддий хукмлар сифати ва миқдорига кўра турларга бўлинади. Сифатига кўра тасдиқ ва инкор хукмлар фарқланади. Хукмнинг сифатини ҷонтикий боғлама белгилайди. Тасдиқ хукмларда белгининг предметга хослиги, инкор хукмларда, аксинча, хос эмаслиги кўрсатилади. Масалан, «А. Орипов ўзбекистон Республикаси Мадхиясининг муаллифидир»-тасдиқ хукм, «Математика ижтимоий фан эмас»-инкор хукм. Миқдорига кўра оддий хукмлар якка, умумий ва жузъий хукмларга бўлинади. Бунда субъектда ифодаланган предметларнинг сони, яъни унинг ҳажмидан келиб чиқилади. Якка хукмларда бирорта белгининг предметга хослиги ёки хос эмаслиги ҳақида фикр билдирилади. Масалан: «ўзбекистон Республикаси мустакил давлатдир», «Ахмедов тарихчи эмас». Умумий хукмларда бирорта белгининг якка предметлар синфининг ҳаммасига ёки ундаги ҳар бир предметга тааллуқли ёки тааллуқли эмаслиги ҳақида фикр баён қилинади. Масалан: «Ҳар бир инсон баҳтили бўлишни ҳоҳлайди», ва «Ҳеч бир ақлли одам вақтини беҳуда сарфламайди». Жузъий хукмларда бирорта белгининг предметлар тўпламининг

бир қисмига хос ёки хос эмаслиги ҳакида фикр билдирилади. Масалан: «Баъзи файласуфлар нотиқдир». «Кўпчилик талабалар дангаса эмас». Жузъий хукмларда «баъзи» сўзи «хеч бўлмаса биттаси, балки ҳаммаси» деган маънода қўлланилади. Шунга кўра «Баъзи тошлар тирик мавжудот эмас», деган хукм чин бўлади, чунки хеч бир тош тирик мавжудот эмас.

Маълум маънода якка хукмларни умумий хукмлар билан тенглаштириш мумкин. Чунки ҳар икки хукмда ҳам тўпламдаги предметларнинг ҳар бирига нимадир тааллуқли ёки тааллуқли эмас, деб кўрсатилади. Якка хукмларда эса бу тўплам биргина предметдан иборат бўлади.

Мулоҳазаларнинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлашда ва баъзи бошқа ҳолатларда оддий хукмларнинг миқдор ва сифати бўйича бирлашган классификацияси (асосий турлари) дан фойдаланилади. Улар қуидагилардан иборат:

1. Умумий тасдиқ хукмлар. Улар бир вақтнинг ўзида ҳам умумий, ҳам тасдиқ бўлган фикрни ифодалайди. Масалан, «Ҳамма талабалар мантиқ илмини ўрганадилар». Бу хукмлар лотин алифбосидаги А ҳарфи билан белгиланади ва «Ҳамма S-Рдир» формуласи орқали ифодаланади.

2. Умумий инкор хукмлар бир вақтнинг ўзида ҳам умумий, ҳам инкор бўлган фикрни ифодалайди. Масалан, «Ҳеч бир ишбилармон режасиз иш юритмайди». Бу хукм «Ҳеч бир S-P эмас» формуласи орқали ифодаланади ва лотинча E ҳарфи билан белгиланади.

3. Жузъий тасдиқ хукмлар бир вақтнинг ўзида ҳам жузъий, ҳам тасдиқ бўлган фикрни ифодалайди. Масалан, «Баъзи талабалар масъулиятли». У лотинча I ҳарфи билан белгиланади ва «Баъзи S-P дир» формуласи орқали ифодаланади.

4. Жузъий инкор хукм бир вақтнинг ўзида ҳам жузъий, ҳам инкор бўлган фикрни ифодалайди. Масалан, «Баъзи талабалар спорт билан шуғулланмайдилар». Унинг формуласи «Баъзи S-P эмас» бўлиб, лотинча O ҳарфи билан белгиланади.

Мураккаб хукмлар. Хукм терминлари бирдан ортиқ бўлса, мураккаб хукм деб аталади. Мураккаб хукмлар «ва», «ёки», «агар... унда» каби мантиқий боғламалар, инкор қилиш ва модал терминларни қўллаш орқали икки ва ундан ортиқ оддий хукмларнинг ўзаро бирикишидан ҳосил бўлади. Мантиқий боғловчининг мазмунига кўра мураккаб хукмларнинг қуидаги асосий турларини фарқ қилиш мумкин: бирлаштирувчи, айирувчи, шартли, эквивалент.

Нормалар илмий билишда қоидаларни, методларни, хуқуқий соҳада - хуқуқий норматив хужжатларни (масалан, қонунларни, кодексларни, буйруқларни ва шу кабиларни), ахлоқда-одоб нормаларини ва бошқа соҳалардаги норматив фикрларни ифода қиласидилар. Уларнинг билишдаги ва амалиётдаги аҳамияти ана шу билан белгиланади.

5-мавзу: Хulosса чиқариш мантиқий тафаккур шакли сифатида

Режа:

1. Хulosса чиқаришнинг умумий мантиқий тавсири
2. Хulosса чиқариш структураси
3. Дедуктив хulosса чиқариш
4. Индуktiv хulosса чиқариш
5. Аналогия

Воқеликни билиш жараёнида инсон янги билимларга эга бўлади. Бу билимлар абстракт тафаккур ёрдамида, мавжуд билимларга асосланган ҳолда вужудга келади. Бундай билимларни ҳосил қилиш мантиқ илмида хulosса чиқариш, деб аталади. Хulosса чиқариш деб бир ва ундан ортиқ чин мулоҳазалардан маълум қоидалар ёрдамида янги билимларни келтириб чиқаришдан иборат бўлган тафаккур шаклига айтилади. Хulosса чиқариш жараёни асослар, хulosса ва асослардан хulosага ўтишдан ташкил топади. Тўғри хulosса чиқариш учун, аввалам бор, асослар чин мулоҳазалар бўлиши, ўзаро мантиқан боғланиши керак.

Масалан, «Аристотель-мантиқ фанининг асосчиси» ва «Платон юонон файласуфидир» деган икки чин мулоҳазадан хulosса чиқариб бўлмайди. Чунки бу мулоҳазалар ўртасида мантиқий алоқадорлик йўқ. Хulosса асослари ва хulosса ҳам ўзаро мантиқан боғланган бўлиши шарт. Бундай алоқадорликнинг зарурлиги хulosса чиқариш қоидаларида қайд қилинган бўлади.

Бу қоидалар бузилса, түғри хulosса чиқмайды. Масалан «Талаба А - аълочи» деган муроҳазадан «Талаба А - одобли», деб хulosса чиқариб бўлмайди. Хulosса чиқариш хulosанинг чинлик даражасига кўра, аникроғи, хulosса чиқариш қоидаларининг қатъийлигига кўра ҳамда хulosса асосларининг сонига ва фикрнинг ҳаракат йўналишига кўра бир қанча турларга бўлинади.



Мазкур классификацияда хulosса чиқаришни фикрнинг ҳаракат йўналиши бўйича турларга ажратиш нисбатан мукаммалроқ бўлиб, у хulosса чиқаришнинг бошқа турлари ҳакида ҳам маълумот бериш имконини яратади. Хусусан, дедуктив хulosса чиқариш зарурий хulosса чиқариш, индуктив хulosса чиқариш (тўлиқ индукцияни ҳисобга олмагандан) ва аналогия эҳтимолий хulosса чиқариш, деб олиб қаралиши, бевосита хulosса чиқариш эса дедуктив хulosса чиқаришнинг бир тури сифатида ўрганилиши мумкин.

Дедуктив хulosса чиқаришнинг муҳим хусусияти унда умумий билимдан жузъий билимга ўтишнинг мантиқан зарурий характерга эгалигидир. Унинг турларидан бири бевосита хulosса чиқаришdir. Фақат биргина муроҳазага асосланган ҳолда янги билимларнинг ҳосил қилиниши бевосита хulosса чиқариш деб аталади. Бевосита хulosса чиқариш символик мантиқда қуйидагича ифодаланади: $X_{SP} \supset Y_{SP}$, бунда X ва Y оддий қатъий муроҳазаларни (A, E, I, O), S ва P лар эса муроҳазаларнинг субъекти ва предикатини ифодалайди. X_{SP} - хulosса асоси ёки антеседент, Y_{SP} - хulosса ёки консеквент деб аталади. Бевосита хulosса чиқариш жараёнида муроҳазаларнинг шаклини ўзгартириш орқали янги билим ҳосил қилинади. Бунда асос муроҳазаларнинг структураси, яъни субъект ва предикат муносабатларининг микдор ва сифат характеристикалари муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бевосита хulosса чиқаришнинг қуйидаги мантиқий усуллари мавжуд:

Маълумки, дедуктив хulosса чиқариш аслида силлогизм шаклида бўлади. Силлогизм қўшиб ҳисоблаш, деган маънони англатади. Бу терминдан мантиқда, одатда, дедуктив хulosса чиқаришнинг кўпроқ ишлатиладиган тури ҳисобланган оддий қатъий силлогизмни ифода қилиш учун фойдаланилади. Силлогизм хulosса чиқаришнинг шундай шаклини, унда ўзаро мантиқий боғланган икки қатъий муроҳазадан учинчи-янги қатъий муроҳаза зарурий тарзда келиб чиқади. Бунда дастлабки муроҳазалардан бири албатта ё умумий тасдиқ ёки умумий инкор муроҳаза бўлади. Ҳосил қилинган янги муроҳаза дастлабки муроҳазалардан умумийроқ бўлмайди. Шунга кўра силлогизмни умумийликка асосланган хulosса чиқариш, деб атаса бўлади. Масалан, қуйидаги муроҳазалар берилган бўлсин:

Ҳеч бир хасис саҳий эмас.

Баъзи бойлар хасисдир.

Бу муроҳазалардан зарурий равишда - «Баъзи бойлар саҳий эмас», деган учинчи муроҳаза келиб чиқади. Силлогизмнинг таркиби оддий қатъий муроҳазалардан ташкил топгани учун у оддий қатъий силлогизм дейилади.

Силлогизмнинг таркиби хulosса асослари (praemissae) ва хulosса (conclusio) дан ташкил топган. Хulosса асослари ва хulosадаги тушунчалар терминлар деб аталади. Хulosанинг мантиқий эгаси - S - кичик термин (terminus minor), мантиқий кесими - P - катта термин (terminus major) деб аталади. Хulosса асослари учун умумий бўлган, лекин хulosада учрамайдиган тушунча - M - (terminus medius) ўрта термин деб аталади. Асосларда катта терминни ўз ичига олган мулоҳаза катта асос, кичик терминни ўз ичига олган мулоҳаза кичик асос деб аталади.

Терминларнинг катта ёки кичик деб аталиши улар ифодалаган тушунчаларнинг ҳажмига боғлиқ. Терминлар ўртасидаги муносабатни доиралар ёрдамида қуидагича ифодалаш мумкин.

S - кичик термин.


M - ўрта термин.

P - катта термин.



Ўрта термин катта ва кичик терминни мантиқий боғловчи элемент ҳисобланади.

Аксиомалар исботсиз чин деб қабул қилинган назарий мулоҳазалар бўлиб, улар воситасида бошқа фикр ва мулоҳазалар асослаб берилади. Силлогизмнинг аксиомаси хulosалашнинг мантиқий асосланганлигини ифодалайди. Силлогизм аксиомасини терминларнинг ҳажмига ёки мазмунига кўра, яъни атрибутив таърифлаш мумкин. Силлогизм хulosасининг асослардан зарурый келтириб чиқарилиши қуидаги қоидага асосланади: «агар бир буюм иккинчи буюмда жойлашган бўлса, иккинчи буюм эса учинчи бир буюмнинг ичидаги бўлса, унда биринчи буюм ҳам учинчи буюмнинг ичидаги жойлашган бўлади» ёки «бир буюм иккинчи буюмда жойлашган бўлса, иккинчи буюм эса учинчи бир буюмдан ташқарида бўлса, унда биринчи буюм ҳам учинчи буюмдан ташқарида жойлашган бўлади». Бу қоидани қуидаги схемалар ёрдамида яққол ифодалаш мумкин.



Бу қоида силлогизм аксиомасининг моҳиятини терминларнинг ҳажми муносабатлари асосида тушунтириб беради. Силлогизм аксиоманинг моҳияти қуидагича: буюм ва ҳодисаларнинг синфи тўғрисида тасдиқлаб ёки инкор этиб баён қилинган фикр шу синф ичига кирувчи барча буюм ва ҳодисаларнинг ҳар бири ёки айрим қисмига ҳам тааллуқли бўлган тасдиқ ёки инкор фикр ҳисобланади.

Масалан:

Тафаккур шакллари объектив характерга эга.

Тушунча тафаккур шаклидир.

Тушунча объектив характерга эга.

Силлогизм аксиомасини атрибутив ифодалаганда предмет билан унинг белгиси ўртасидаги муносабатга асосланилади: бирор буюм, ҳодиса белгисининг белгиси, шу буюм ҳодисанинг белгисидир; буюм, ҳодиса белгисига зид бўлган нарсалар буюм, ҳодисанинг ўзига ҳам зиддир. Силлогизм аксиомаларида фикр шакли ва мазмuni ўзаро узлуксиз, объектив боғланган бир бутуннинг айрим томонларини ифодалайди. Бу бир томондан, ҳамма умумийликка хусусийлик, жузъийлик ва яккалик хос эканлигини ва ҳар бир яккалик, жузъийлик, хусусийлик умумийлик хислатига эга бўлишини ифодаласа, иккинчи томондан, буюм ва белгининг ўзаро узвий боғланганлигини, яъни буюмлар жинси айрим ўзига хос белгига эга бўлса, албатта, бу белги шу жинсдаги ҳамма буюмлар учун ҳам хос белги бўлишини ифодалайди. Булар эса ўз навбатида яккалик ва умумийлик ўртасидаги, миқдор ва сифат ўртасидаги диалектик алоқадорликнинг тафаккур жараёнида ўзига хос намоён бўлишидир.

Энтилема деб, асослардан бири ёки хulosаси тушириб қолдирилган силлогизмга айтилади. Энтилема - аклда, фикрда деган маънони англатади. Энтилемада силлогизмнинг тушириб қолдирилган қисми ёдда сақланади. Энтилемалар уч турли бўлади:

1. Катта асоси тушириб қолдирилган.

2. Кичик асоси тушириб қолдирилган.

3. Хulosаси тушириб қолдирилган.

Бизга қуидаги силлогизм берилган бўлсин:

Фалсафа факультетининг ҳамма талабалари мантиқ фанини ўрганади.

Собиров фалсафа факультетининг талабаси

Собиров мантиқ фанини ўрганади.

Энди бу силлогизмни энтилема кўринишига келтирамиз:

1. Собиров фалсафа факультетининг талабаси бўлғанлиги учун мантиқ фанини ўрганади (катта асос тушириб қолдирилди).

2. Фалсафа факультетининг ҳамма талабалари мантиқ фанини ўрганадилар, шу жумладан Собиров ҳам (кичик асос тушириб қолдирилди).

3. Фалсафа факультетининг ҳамма талабалари мантиқ фанини ўрганадилар, Собиров эса шу факультетнинг талабасидир (хулоса тушириб қолдирилди).

Энтилемалар баҳс-мунозара юритиш жараёнида, нотиклик санъатида кенг қўлланилди.

Мураккаб ва мураккаб қисқартирилган силлогизмлар.

Бир-бiri билан ўзаро боғланган, икки ёки ундан ортиқ оддий қатъий силлогизмлардан тузилган хулоса чиқариш-полисиллогизм, яъни мураккаб силлогизм деб аталади. Полисиллогизмда дастлабки силлогизмнинг хulosаси кейингисининг катта ёки кичик асоси бўлади. Шунга кўра полисиллогизмнинг прогрессив ва регрессив турлари фарқланади.

Эпихейрема-мураккаб қисқартирилган силлогизм бўлиб, унинг ҳар икки асоси қисқартирилган оддий силлогизм (энтилема) лардан иборат бўлади. Эпихейреманинг схемаси қуидагicha:

M-Рдир, чунки M-Nдир.

S-Мдир, чунки S-O дир.

S-Рдир.

Мисол:

Илмий қонунлар исботланган фикрлардир, чунки улар ҳақиқатдир.

Физика қонунлари илмий қонунлардир, чунки улар табиат қонунлариdir

Физика қонунлари исботланган фикрлардир.

Эпихейреманинг тўлиқ кўриниши қуидагicha:

1. Ҳақиқат - исботланган фикрдир. N-Рдир

Илмий қонунлар ҳақиқатдир. M-Nдир

Илмий қонунлар исботланган фикрлардир. M-Рдир

2. Табиат қонунлари-илмий қонунлардир. O-Мдир

Физика қонунлари-табиат қонунлариdir. S-Одир

Физика қонунлари илмий қонунлардир. S-Мдир

3. Илмий қонунлар-исботланган фикрлардир. M-Рдир

Физика қонунлари-илмий қонунлардир. S-Мдир

Физика қонунлари исботланган фикрлардир. S-Рдир

Эпихейремадан баҳс ва мунозараларда, нотиклик санъатида фойдаланилди. Эпихейрема мураккаб силлогизмнинг бир тури бўлишига қарамай, унинг таркибидаги катта ва кичик асосни, хуносани ажратиб олиш, фарқлаш осон бўлгани учун ҳам, фикр юритиш жараёнида кенг қўлланилди.

Илмий индукция методлари

Ўхшашлик методи. Унда ўрганилаётган ҳодисанинг сабаби ҳақидаги хулоса шу ҳодисанинг бир қанча кузатилаётган ҳолларини солиштириш, уларнинг ўхшаш томонини аниқлаш асосида ҳосил қилинади. Масалан, кимёвий таркиби, зичлиги, оғирлиги, катталиги турлича бўлган маятниклар узунлиги бир хил стерженларга-илгакларга илинтирилиб, ҳаракатга келтирилганда, бир хил тебраниш даврига эга бўлган. Бунда ҳодисанинг вужудга келиши

кузатилаётган барча ҳолларида ундан аввал келаётган ҳолатларнинг фақат биттасигина тақрорланади. Ана шунга таяниб, мазкур тақрорланувчи ҳолат кузатилаётган ҳодисанинг вужудга келишининг сабаби бўлса керак, деган тарзда эҳтимолий хулоса чиқарилади.

Ўхшашик методи бўйича муҳокама юритиш схемаси қўйидаги қўринишга эга:

ҳоллар	ҳодиса вужудга келишдан аввал мавжуд бўлган ҳолатлар	ҳодиса
1	ABC	d
2	ДЕВ	d
3	ВСД	d

Эҳтимол, В ҳолат d ҳодисанинг сабабидир.

Демак, ўхшашик методининг моҳиятини қўйидагича ифодаласа бўлади:

Агар ҳодисанинг кузатилаётган ҳоллари учун фақат битта ҳолатгина умумий бўлса, ана шу ҳолат мазкур ҳодисанинг сабабидир.

Шуни айтиш керакки, ўхшашик методидан фойдаланиб ҳосил қилинган хулосанинг асосланганлик даражаси кўп омилларга, хусусан, кузатиш ва эксперимент ўтказилаётган шароитларнинг хилма-хиллиги, кўриб чиқилаётган ҳолларнинг миқдори ва шу кабиларга боғлиқ. Агар ўхшашик ҳолат кузатилаётган ҳоллар сони қанчалик кўп бўлса, у ҳолат турли хил шароитларда ҳар хил бошқа ҳолатлар билан турлича комплексларда олинса, унинг вужудга келаётган ҳодисанинг сабаби бўлиши эҳтимоли ортади.

Лекин, шунга қарамасдан бу метод воситасида олинган хулосанинг чинлиги эҳтимолий характерга эгалигича қолаверади. Тўлиқсиз индукция учун характерли бўлган тажрибанинг тугал бўла олмаслиги мана шунда намоён бўлади. Хусусан, ҳодисадан аввал келадиган ҳолатларнинг барчасини аниқлаш имконияти бўлмагани учун, ҳодисанинг асл сабаби бўлган ҳолат ана шу номаълум ҳолатлар ичida қолиб кетган бўлиши мумкин. Ана шунинг учун хам бизнинг мисолимиздаги барча кузатилган ҳолларда тақрорланувчи В ҳолати бошқа ҳолатлар билан бир комплексда келадиган ёки ҳодисанинг асл сабаби бўлган номаълум X ҳолатига эргашиб юрадиган ҳолат бўлиши мумкин.

Ўхшашик методини қўллаш натижасида олинган хулоса ҳодисадан аввал келадиган барча ҳолатлар аниқланганда, яъни сабаб бўлиши эҳтимол қилинган ҳолатлар ёпиқ системани ташкил этганда, шунингдек, бу ҳолатлар ўзаро бир-бирига таъсир ўтказмайди, деб олиб қаралгандагина чин бўлиши ва аргументлаш жараёнида ишончли асос сифатида қўлланилиши мумкин.

Шунга қарамасдан ўхшашик методи ҳодисанинг сабабини у ҳақда турли гипотезалар қуриш орқали аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Ундан илмий билишда жуда хам самарали фойдаланиш мумкин.

Статистик умумлаштириш.

У тўлиқсиз индукциянинг алоҳида бир тури бўлиб, илмий индукция сингари, хулоса чиқаришда элиминация қилиш усулига, яъни кераксиз ҳолатларни муҳокамадан чиқариб ташлаш йўли билан керакли ҳолатларни ажратиб олишга асосланади. У оммавий тусга эга, кенг кўламда содир бўладиган ҳодисаларни ўрганишда қўлланилади. Масалан, у иқтисодий ривожланиш кўрсатгичларини ўрганиш, туғилиш ва ўлиш ҳақидаги маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва шу каби ҳолларда муваффакиятли қўлланилади.

Оммавий тусдаги ҳодисаларни ўрганиш тасодифий белгилар, уларнинг мавжуд ҳодисаларда тақрорланиши, қўламини аниқлашга ёрдам беради ва шу тариқа сабабий алоқаларни ўрнатишни осонлаштиради.

Статистик умумлаштириш кўпроқ оммавий тусдаги ҳодисаларнинг миқдорига тегишли маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, умумлаштириш билан боғлиқ. Бундай миқдорий малумотлар ҳодисалар тараққиётининг нисбаттан турғун тенденцияларини ўзида ифода қилгани

ҳолда, уларнинг тарақиёт йуналишларини белгилашга, стратегик ва тактик ахамиятга молик вазифаларни ҳал этишини ташкил қилишга ёрам беради. Масалан, у аҳолига хизмат кўрсатиш, турли ҳил касалликларнинг тарқалиши, қонунбузарлик каби ҳодсаларнинг олдини олиш мақсадида профилактика ишларини амалга оширишга имкон беради.

Аналогия (грек. - мослик, ўхшашиблик) бавосита хulosса чиқаришнинг бир туридир. Дедуктив хulosса чиқаришда фикр умумийликдан хусусийликка қараб, индукцияда хусусийликдан умумийликка қараб ҳаракатланса, аналогияда эса бир хусусий холатдан бошқа хусусий ҳолатга қараб ҳаракатланади.

Аналогияда предметларнинг ўхшашиблик саларига асосланиб хulosса чиқарилади. Табиат ва жамиятда объектив турли-туманлик билан бир қаторда, объектив ўхшашиблик ҳам мавжуддир. Улар инсон онгидаги ўз ифодасини топади. Объектив реалликнинг турли соҳаларига оид қонун ва қоидалар тузилиши жиҳатидан ўхшашиблик бўлса, улар акс эттирган воқеаликдаги турли нарса ва ҳодисалар ҳам маълум маънода ўхшашиблик бўлади.

Аналогия бўйича хulosса чиқариш объектив реалликнинг чексиз кўринишлари ҳамда унда мавжуд бўлган турли системаларнинг хоссалари, муносабатлари, структураларидаги ўхшашибликларга асосланади. Масалан, сайёralар, давлатлар, ижтимоий тузумлар моҳиятида ўхшашиблик бор. Билишда муҳим ва номуҳим хоссалар ўхшашиблиги асосида аналогия бўйича хulosса чиқарилади.

Аналогия воситасида бир предметдан (моделдан) бошқа предметга (прототипга) ахборот ўтказилади. Хulosса асослари моделга, хulosса прототипга таалуқли бўлади. Масалан, қадимги грекларнинг «Дедал ва Икар» афсонасида айтилишича, ота ва бола қулликдан озод бўлиш учун ўзларига қанот ясашади ва учиб кетишади. Бунда хulosса чиқариш қуйидаги кўринишда бўлади:

Куш тирик мавжудот, унинг қаноти бор, у учади.

Инсон ҳам тирик мавжудот, унинг қаноти йўқ, у учмайди.

Инсоннинг ҳам қаноти бўлса, у, эҳтимол учади.

Аналогия бўйича хulosса чиқариш бошқа хulosса чиқаришлар каби асослардан, хulosадан ва асослар ҳамда хulosса ўртасидаги мантикий алоқадан иборатдир. Унинг хulosаси эҳтимолий шаклда бўлиб, кейинги текширишларни талаб қиласи Аниқ асослардан баъзан аниқ, баъзан эҳтимолий хulosса чиқади.

6-мавзу: Ахлоқшунослик фани, унинг тадқиқот доираси, мақсад ва вазифалари Режа:

- 1. Ахлоқшунослик фанининг тадқиқот доираси**
- 2. Ахлоқшуносликнинг ўзига хос фалсафий фан сифатидаги ўрни**
- 3. Уч ахлоқий ҳодисанинг ўзига хос жиҳатлари**
- 4. Ахлоқшуносликнинг бошқа ижтимоий фанлар билан алоқаси**
- 5. Мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида ахлоқшуносликнинг тутган ўрни**

Ахлоқшунослик бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган қадимий фан. У бизда “Илми равиши”, “Илми ахлок”, “Ахлоқ илми”, “Одобнома” сингари номлар билан атаб келинган. Оврўпода эса «Этика» номи билан машҳур, биз ҳам яқин-яқинингача шу атамани қўллар эдик. Уни биринчи бўлиб юонон файласуфи Арасту муомалага киритган. Арасту фанларни тасниф қиласкан, уларни уч гурухга бўлади: назарий, амалий ва ижодий. Биринчи гурухга у фалсафа, математика ва физикани; иккинчи гурухга - этика ва сиёсатни; учинчи гурухга эса - санъат, хунармандчилик ва амалий фанларни киритади. Шундай қилиб, қадимги юононлар ахлоқ ҳакидаги таълимотни фан даражасига кўтарганлар ва «Этика» (ta ethika) деб атаганлар.

Ҳозирги кунда бу фанни илмий ва замонавий талаблар нуқтаи назаридан «Ахлоқшунослик» деб аташни мақсадга мувоғиқ деб ўйлаймиз.

Ахлоқшунослик ахлоқнинг келиб чиқиши ва моҳиятини, кишининг жамиятдаги ахлоқий муносабатларини ўрганади. «Ахлоқ» сўзи арабчадан олинган бўлиб, «хулқ» сўзининг кўплик шаклидир. «Ахлоқ» ибораси икки ҳил маънога эга: умумий тушунча сифатида фаннинг тадқиқот объектини англатса, муайян тушунча сифатида инсон феъл-атвори ва хатти-

ҳаракатининг энг қамровли қисмини билдиради. Ахлоқни умумий тушунча сифатида олиб, уни доира шаклида акс эттирадиган бўлсақ, доиранинг энг кичик қисмини одоб, ундан каттароқ қисмини хулқ, энг қамровли қисмини ахлоқ эгаллади.

Одоб - инсон ҳақида ёқимли таассурот уйғотадиган, лекин жамоа, жамият ва инсоният ҳаётида у қадар муҳим аҳамиятга эга бўлмайдиган, миллий урф-одатларга асосланган чиройли хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади.

Хулқ - оила, жамоа, маҳалла-кўй миқёсида аҳамиятли бўлган, аммо жамият ва инсоният ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатмайдиган ёқимли инсоний хатти-ҳаракатларнинг мажмуи.

Ахлоқ эса - жамият, замон, инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий хатти-ҳаракатлар йиғиндисидир.

Бу фикрларимизни мисоллар орқали тушунтиришга ҳаракат қиласиз. Дейлик, метрода ёшгина йигит, талаба ҳамма қатори ўтирибди. Навбатдаги бекатдан бир кекса киши чиқиб, унинг рўпарасида тик туриб қолди. Агар талаба дарҳол: «Ўтиринг, отахон!» деб жой бўшатса, у чиройли аъмол қилган бўлади; четдан қараб турғанлар унга ич-ичидан миннатдорчилик билдириб: «Барака топгур, одобли йигитча экан», деб қўяди. Аксинча, талаба ё тескари қараб олса, ёки ўзини мудраганга солиб, қарияга жой бўшатмаса, ғашимиз келади, кўнглимиздан: «Бунча беодоб, сурбет экан!» деган фикр ўтади, хуллас, у бизда ёқимсиз таассурот уйғотади. Лекин, айни пайтда, талабанинг қарияга жой бўшатгани ёки бўшатмагани оқибатида вагондаги йўловчилар ҳаётида бирор-бир ижобими - муҳим ўзгариш рўй бермайди.

Хулқка қуйидагича мисол келтириш мумкин: маҳалламиздаги оила бошлиқларидан бири имкон борича қўни-қўшниларнинг барча маъракаларида хизматда турди, ҳеч кимдан қўлидан келган ёрдамини аямайди, очиқ кўнгил, очиқ кўл, доимо ўз билимини ошириб боришга интилади, тиришқоқ, оила аъзоларига меҳрибон ва ҳ. к. Ундан одамни биз ҳушхулқ инсон деймиз ва унга маҳалламизнинг намунаси сифатида қараймиз. Борди-ю, аксинча бўлса, у қўни-қўшнилар билан қўпол муомала қилса, тўй- маъракаларда жанжал кўтарса, сал гапга ўдағайлаб, мушт ўқталса, ичиб келиб, оиласи хотин-болаларини уриб, ҳақоратласа, уни бадхулқ деймиз. Унинг бадхулқлилигидан оиласи, баъзи шахслар жабр қўради, маҳалладагиларнинг тинчи бузилади, лекин хатти-ҳаракатлари жамият ижтимоий ҳаётига ёки инсоният тарихига бирор бир таъсир ўтказмайди.

Ахлоққа келсақ, масала жиддий моҳият касб этади: дейлик, бир туман ёҳуд вилоят прокурори ўзи масъул ҳудудда доимо қонун устуворлигини, адолат қарор топишини кўзлаб иш юритади, лозим бўлса, ҳокимнинг ноқонуний фармойишларига қарши чиқиб, уларнинг бекор қилинишига эришади; оддий фуқаро наздида на фақат ўз касбини эъзозловчи шахс, балки ҳақиқий ҳуқуқ посбони, адолатли тузум тимсоли тарзида гавдаланади; у - умрини миллат, Ватан ва инсон манфаатига бағищаган юксак ахлоқ эгаси; у, ўзи яшаётган жамият учун намуна бўлароқ, ўша жамиятнинг янада тараққий топишига хизмат қиласи. Агар мазкур прокурор, аксинча, қонун ҳимоячиси бўлатуриб, ўзи қонунни бузса, шахсий манфаати йўлида оқни қора, қорани оқ деб турса, у ахлоқсизлик қилган бўлади: оддий фуқаро наздида биргина киши прокурор-амалдор эмас, балки бутун жамият адолатсиз экан, деган тасаввур уйғонади. Бу тасаввурнинг мунтазам кучайиб бориши эса, охир-оқибат ўша жамият ёки тузумни таназзулга олиб келади.

Албатта, ҳар учала ахлоқий ҳодиса ва уларнинг зидди нисбийликка эга. Чунончи, ҳозиргина мисол келтирганимиз прокурорнинг ахлоқсизлиги даражаси билан ўз якка хукмронлиги йўлида миллионлаб бегуноҳ инсонларни ўлимга маҳкум этган Ленин, Сталин, Гитлер, Пол Пот сингари шахслар орасида фарқ бор: агар прокурорнинг ахлоқсизлиги бир миллат ёки мамлакат учун зарар қилса, тоталитар тузум хукмдорлари хатти-ҳаракатлари умумбашарий миқёсдаги фожиаларга олиб келади.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ахлоқий тарбия натижасида одблилих-ҳушхулқлиликка, ҳушхулқлилик - юксак ахлоқийликка айлангани каби, ахлоқий тарбия йўлга кўйилмаган жойда муайян шахс, вақти келиб, одобсизликдан - бадхулқлиликка, бадхулқлиликдан - ахлоқсизликка ўтиши мумкин.

Шундай қилиб, ахлоқшунослик мазкур уч ахлоқий ҳодисани бир-бири билан узвийликда ва нисбийликда ўрганади.

Ахлоқшунослик қадимда физика ва метафизика билан биргалиқда фалсафанинг узвий (учинчи) қисми ҳисобланар эди. Кейинчалик (Арастудан сўнг) алоҳида фалсафий йўналишдаги фан мақомини олди. Бу фикрни қўйидагича кенгайтириброк талқин этиш мумкин. Маълумки, фалсафанинг фанлар подшоси сифатидаги вазифаси барча табиий ва ижтимоий илмлар эришган ютуқлардан умумий хulosалар чиқариб, инсониятни ҳақиқатга олиб боришдир. Шундан келиб чиққан ҳолда, фалсафанинг тадқиқот обьектини тафаккур деб белгилаш мақсадга мувофиқ. Ахлоқшунослик ахлоқий тафаккур тараққиётини тадқиқ этади ва амалиётда инсонни эзгулик орқали ҳақиқатга олиб боришга хизмат қиласи. Шу боис уни ахлоқ фалсафаси ёхуд эзгулик фалсафси деб аташ мумкин.

Хозир у фалсафий фан сифатида уч йўналишда иш олиб боради, яъни ахлоқий тафаккур тараққиётини тадқиқ этар экан, у ахлоқни: 1) баён қиласи; 2) тушунтиради; 3) ўргатади. Шунга кўра, у тажрибавий-баёний, фалсафий-назарий ва расмана-меъёрий табиатга эга. Қадимгилар уни амалий фалсафа деб атаганлар. Зеро, соғ назарий ахлоқшуносликнинг бўлиши мумкин эмас. У инсоният ўз тажрибаси орқали эришган донишмандлик намуналарини ҳикматлар, накллар, матал-мақоллар тарзида баён этади, кишиларни ахлоқий қонун-қоидаларга ўргатади, уларга ахлоқнинг моҳиятини тушунтиради ва фалсафий хulosалар чиқаради. Яъни, ахлоқшунослик фанида Афлотун, Арасту, Эпикур, Цицерон, Сенека, Августин, Форобий, Ибн Сино, Газзолий, Спиноза, Кант, Гегель, Шопенгаузер, Фейербах, Киркегор, Ницше, Вл. Соловьев, Лосский сингари буюк файласуфлар яратган ахлоқ назариясига доир таълимотлар билан биргалиқда «Патанжали», «Қобуснома», Саъдийнинг «Гулистан», Жомийнинг «Баҳористон», Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб», Монтененинг «Тажрибанома», Ларош Фуконинг «Ҳикматлар», Гулханийнинг «Зарб-ул-масал» каби амалий ахлоқка бағишлиланган асарлари ҳам ўз мустаҳкам ўрнига эга. Ахлоқшуносликнинг бошқа фалсафий фанлардан фарқи ҳам, ўзига хослиги ҳам ундаги назария билан амалиётнинг омухталигидадир.

Ахлоқшунослик бошқа ижтимоий-фалсафий фанлар билан ўзаро алоқадорликда ривожланиб келмоқда. Айниқса, унинг Эстетика (эстетика) билан алоқаси қадимий ва ўзига хос. Аввало, инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати ва нияти ҳам ахлоқийликка, ҳам эстетикага тегишли бўлади, яъни муайян ижобий фаолият ҳам эзгулик (ички гўзаллик) ҳам эстетика (ташқи гўзаллик) хусусиятларини мужассам қиласи. Шу боис Суқрот, Афлотун, Форобий сингари қадимги файласуфлар кўп ҳолларда ахлоқийликни ички гўзаллик, эстетикани ташқи гўзаллик тарзида талқин этганлар. Бундан ташқари, маълумки, санъат Эстетиканинг асосий тадқиқот обьекти ҳисобланади. Ҳар бир санъат асарида эса ахлоқнинг долзарб муаммолари кўтарилади ва санъаткор доимо ўзи яшаётган замонда эришилган энг юксак ахлоқий даражани бадиий қиёфалар орқали бевосита ёхуд билвосита акс эттиради. Демак, Эстетика ўрганаётган ҳар бир бадиий асар айни пайтда, маълум маънода, ахлоқшунослик нуқтаи назаридан ҳам тадқиқ этилаётган бўлади.

Ахлоқшуносликнинг диншунослик билан алоқаси шундаки, ҳар иккала фан ҳам бир хил муаммо - ахлоқий мезон муаммосини ҳал этишга қаратилган. Чунки умумжаҳоний динлар вужудга келгунига қадар мавжуд бўлган маълум урф-одатлар ва қадриятлар муайян диний қонун-қоидаларга, муқаддас диний китобларга катта таъсир кўрсатган. Айни пайтда, динлар ҳам ахлоққа ана шундай таъсир ўтказгандар.

Чунончи, ислом динини оладиган бўлсак, Қуръони Карим, Ҳадиси шариф, Ижмоъ ва муайян фатволардаги мезонлар ҳамда талаблар мусулмон Шарқи миллатлари ахлоқий даражасининг шаклтанишида катта аҳамият касб этган. Шунингдек, комил инсон муаммоси ҳар иккала фан учун умумий ҳисобланади. Фарқ шундаки, ахлоқшунослик бу муаммога замонавий тарбия нуқтаи назаридан ёндошади.

Ахлоқшуносликнинг ҳуқуқшунослик билан алоқаси узоқ тарихга эга. Маълумки, жуда кўп ҳолларда ахлоқ меъёрлари билан ҳуқуқ меъёрлари моҳиятан ва мазмунан бир хил бўлади. Шунга кўра, ахлоқни жамоатчилик асосдаги ҳуқуқ, ҳуқуқни эса қонунийлаштирилган ахлоқ деб аташ мумкин. Зеро, ахлоқшунослик билан ҳуқуқшуносликнинг тадқиқот обьектлари кўп жиҳатдан ўхшаш, улар факат ёндошув усули нуқтаи назаридан фарқ қиласи, яъни ҳуқуқ меъёрларининг бажарилиши, одатда, маҳсус адлия идораларидаги лавозимли кишилар орқали, мажбурий санкциялар воситасида йўлга қўйилади: ахлоқ меъёрлари эса умумий қабул қилинган

миллий урф-одатлар, жамоатчилик фикри ёрдамида, алоҳида белгиланган кишилар томонидан эмас, балки муайян ижтимоий гурух, жамият томонидан амалга оширилади. Шунингдек, ҳукуқшунослик касби учун мухим бўлган амалий ахлоқ жиҳатларини ахлоқшуносликнинг ҳукуқшунос одоби деб аталадиган маҳсус соҳаси тадқиқ қиласи ва тавсия этади.

Ахлоқшунослик педагогика билан ҳам чамбарчас алоқада. Педагогикадаги шахсни шакллантириш, тарбиялаш, таълим бериш жараёнларини панд-насиҳатларсиз, одобнома дарсларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис ахлоқшунослик ўзининг назарий ва айниқса, амалий жиҳатлари билан педагогиканинг асоси ҳисобланади. Зеро, маориф тизимидағи таълим-тарбия ўзини ҳар бир қадамда ахлоқий тарбия сифатида намоён қиласи.

Қадимдаёқ ахлоқшуносликнинг руҳшунослик (психология) билан алоқаси алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Зотан, бу иккала фан кишилар хатти-харакати, феъл-атвори ва майл-истакларини ўрганади. Лекин бу ўрганиш икки хил нуқтаи назардан олиб борилади: руҳшунослик у ёки бу хатти-харакат, феъл-атвор, сабабий асос (мотив) ларнинг руҳий табиати ва шаклланиш шарт-шароитларини очиб беради, ахлоқшунослик руҳшунослик тадқиқ этган ҳодисаларнинг ахлоқий аҳамиятини тушунтиради.

Ахлоқшуносликнинг ижтимоийшунослик (социология) билан алоқаси ўзига хос. Бу иккала фан инсон фаолиятини бошқаришнинг ижтимоий муруватларидан бўлмиш ахлоқни ўрганади. Лекин ахлоқшуносликнинг миқёси бу борада кенг. Маълумки, социология инсонларнинг оммавий хатти-харакати ва уларнинг қонуниятларини фақат муайян ижтимоий тузум доирасидагина тадқиқ этади. Ахлоқшунослик эса, ўз моҳиятига кўра, лозим бўлганда, муайян ижтимоий тузум ёки давр доирасидан чиқиб, инсон ахлоқининг юксак ютуғи сифатида келгуси даврлар учун ҳам тарихий ва ахлоқий аҳамият касб этган шахсий, истисноли хатти-харакатларни ҳамда уларнинг сабабий асосларини ўрганади.

Ахлоқшуносликнинг сиёсатшунослик билан алоқаси, айниқса, ўзига хос ва мураккаб. Чунки сиёсий кураш қарама-қарши ахлоқий қоидалар ва талаблар курашини тақазо этади. Шахсий интилишлар билан давлат ва жамият манфаатларининг мослиги, мақсадлар ва воситаларнинг пок ёки нопоклиги муаммолари ўртага чиқади. Лекин, аслида сиёсат қай даражада ахлоқийлик касб этса, шунчалик у оқилона бўлади. Бу ҳозирги кунда ахлоқшунослик ҳам, сиёсатшунослик ҳам жиҳдий тадқиқ этадиган энг мухим умумий муаммолардан биридир. Шунингдек, раҳбарлик одоби, партиявий одоб, этикет сингари ахлоқшуносликнинг муомала маданияти доирасига кирувчи маҳсус соҳалари ҳам сиёсатшунослик билан чамбарчас боғлиқ.

Бундан ташқари, кейинги пайтларда ахлоқшуносликнинг экология билан алоқаси тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Тарихан ахлоқшунослик кўпроқ инсоннинг ўзи, ўзгалар ва жамият олдидағи мажбуриятларини таҳлил этиш билан шуғулланган, унинг табиатга бўлган муносабати диққат марказидан четда қолиб келган. Лекин, кейинги даврларда, айниқса, XX асрда табиатга нисбатан тор манфаатпарастлик доирасидаги ёндошувлар оқибатида пайдо бўлган экологик бухрон манзарани ўзгартирди. Эндиликда глобал экологик муаммолар кўпроқ одамларнинг ижтимоий-ахлоқий нуқтаи-назарларига боғлиқ экани маълум бўлиб қолди. Шундай қилиб, ҳозирги кундаги экологик муаммоларни ҳал этиш ахлоқшуносликка бориб тақалмоқда. XX асрда экологик ахлоқшунослик деган маҳсус соҳа ҳам юзага келди. Лекин, бу - ахлоқшунослик экологияни тўлиқ ўз ичига олади, деган сўз эмас. Чунки бунда ахлоқий баҳолаш ва бошқариш обьекти сифатида табиатнинг ўзи эмас, балки одамнинг табиатга бўлган муносабати майдонга чиқади.

Ахлоқшунослик ҳамма даврларда ҳам юксак аҳамият касб этиб келган фан. Фақат зулм ва зўравонликка, адолатсизлик ва ҳукуқсизликка асосланган тоталитар тузумлардагина ёлғонга бўйсундирилган, сохталашибтирилган ҳамда шу йўл билан унинг аҳамияти пасайтирилган. Мамлакатимиз мустақилликка эришиши шарофати билан яна ахлоқшунослик янги жамиятда тобора ўз юксак мавқенини эгаллаб бормоқда.

Ана шу янгиланиш жараённада ахлоқшуносликнинг ўз ўрни бор. Унинг олдида янги демократик ва ҳуқуқий давлат барпо этишга киришган мамлакатимиз фуқароларининг, айниқса, ёшларнинг ахлоқий даражасига масъуллик ва ҳар томонлама камол топган замон кишиси тарбиясини назарий асослашдек улкан вазифалар турибди. Уларни фақат қадимий ва ҳар доим замонавий бўлиб келган ахлоққа янгича ёндашувлар асосидагина амалга оширса бўлади. Айни

пайтда, уларни ахлоқшунослик фани олдида турган вазифаларнинг бир қисми, таъбир жоиз бўлса, миллий ахлоқшунослик вазифалари деб аташ мумкин. Зеро фанимизнинг ҳозирги кунда умумжаҳоний глобал муаммоларни ҳал қилишдек муҳим вазифаси ҳам борки, у ҳақда алоҳида тўхтагаслиникнинг иложи йўқ. Улардан бири, энг муҳими сайёрамизда «этосфера» - ахлоқий муҳит даврини яратиш билан боғлиқ.

Маълумки, юзлаб асрлар мобайнида инсон кичик биологик олам сифатида катта биологик олам ичида, унинг бир парчаси, жонли организмлар подшоси, оқил ва хукмон қисми сифатида яшаб келди. XIX асрнинг охиридан бошлаб, айниқса XX асрда у ўз тафаккур қуввати билан, илмий-техникавий инқилоблар туфайли ана шу биосфера ичида ноосферани-техникавий муҳитни яратди. Мана, ҳозирги кунда, қаранг, эрталабдан кечгача биз ўз техникавий кашфиётларимиз ичида яшаймиз, еймиз, ичамиз, юрамиз, ухлаймиз уларсиз ҳаётимизни тасаввур қила олмаймиз. Булар метро, автобус, телевизор, радио, телефон, эскалатор, плейер, лифт, компьютер, поезд, тайёра, теплоход, газ плиталари, электр асбоблари, заводлар, локаторлар, кимёвий дори-дармонлар ва ҳ. к. Бугун видео телефонда гаплашар эканмиз, юзлаб чақирим наридаги сухбатдошимизни кўриш ва у билан гаплашиш учун от-ловда ёки пиёда борадиган бўлсак, неча кунлаб йўл босишимиз кераклиги ҳақида ўйлаб ўтирамаймиз, тўғрироғи, бу эсимизга ҳам келмайди. Чунки техника бизнинг яшаш муҳитимизга айланниб қолган. Фақат бугина эмас. Инсон эндиликда ўзи яшаётган бутун бошли сайёрага таъсир кўрсата бошлади. Ер тарихида инсон биринчи марта улкан геологик куч бўлиб майдонга чиқди. Инсоний тафаккур биосферадаги ўзгаришларнинг асосий сабабига айланди. Бу ҳақда ноосфера таълимоти асосчиларидан бири буюк рус олими В.И. Вернадский шундай деган эди: «Бугун геологик давр мобайнида яратилган, ўз мувозанатларида барқарорлашган биосфера инсон илмий тафаккури босими остида тобора кучлироқ ва теранроқ ўзгаришга киришди... Айтидан, инсон илмий тафаккури харакатининг бу томони табиий ҳодиса бўлса керак... Ҳозир биз биосферадаги янги геологик эволюцион ўзгаришларни бошдан кечиряпмиз. - Биз ноосферага кириб боряпмиз». Аммо ноосфера факат ижобий эмас, балки салбий ҳодиса сифатида ҳам намоён бўлмоқда. Атом, водород, нейтрон бомбаларининг кашф этилиши, ядро каллакли балеистик ракеталарнинг яратилиши ана шундай салбий ҳодисалардандир. Бундан ташқари, ноосферанинг вужудга келиши атмосферани, оламий океани, ер ости ва ер усти сувларини, набототни, ҳайвонотни, ҳатто инсонни ич-ичидан кимёвий заҳарланишга олиб келди. Ҳозирги кунда тирик организмларнинг, ўсимликларнинг, ҳайвонларнинг кўпгина турлари жисман йўқ бўлиб кетиш арафасида турибди. Айниқса жой тополмай, океанда, кемаларда сузуб юрган радиоактив чиқиндилар ёки уларнинг кимсасиз гўзал оролларга кўмиб ташланиши, кислота ёмғирларининг кўпайиб бориши сингари ҳодисалар бағоят хатарли. Афсуски, инсон кўра-била туриб, ўзи ўтирган шохга болта уришни тўхтатмаётир. Бу муаммоларнинг ҳал этилиши факат атроф-муҳитни кимёвий заҳардан экологик тозалашнигина эмас, балки, энг аввало, глобал маънода, XXI аср кишиси онгини технократия заҳаридан фориғлантиришни тақозо этади. Яъни, улар инсоният олдида эндиликда экологик ҳодиса эмас, балки том маънодаги ахлоқий муаммолар сифатида кўндаланг бўлиб турибди. Машхур австриялик этолог олим, Нобель мукофоти лауреати Конрад Лоренц: «Ёппасига ва тез ёйилиб бораётган жонли табиатга бегоналашиш ҳодисасининг асосий сабаби цивилизациямиз кишисидаги эстетик ва ахлоқий тўпослиқдир», деган сўзлари шу нуқтаи назардан айни ҳақиқат.

Юқорида айтилганлардан чиқадиган хulosса битта: келажакда инсон ўзини ва ўз сайёрасини муқаррар ҳалокатдан қутқараман деса - XXI асрдан бошлаб этосфера даврига ўтиши керак; ахлоқийлик ҳар биримиз учун ҳар қадамда бугунги техникавий муҳит каби заруратга айлангандагина бунга эришиш мумкин. Бунда ахлоқшунослик фанининг ўрни ниҳоятда бекиёс.

Шунингдек, яна бир муҳим муаммо бу - биологик ахлоқшунослик. Мазкур ҳодиса сўнгги бир неча ўн йиллик ичида соғ табобат муаммосидан тўлақонли ахлоқий муаммога айланди: эндиликда, бирорвинг муйян аъзосини бошқа беморга жарроҳлик операцияси йўли билан ўтказиш орқали киши ҳаётини сақлаб қолиш ахлоқий нуқтаи назардан қандай баҳоланади, деган савол кун тартибида долзарб бўлиб турибди.

Чунки, табобат борасидаги сўнгги тадқиқотлар инсон ўлими бир лахзада рўй бермаслигини, юрак уриши ва нафас олиш тўхтаганда ҳам, мия ўлмаса - инсонни ўлди дейиш

мумкин эмаслигини исботлаб берди. Дастьлаб мия қобиғи, ундан кейин мия танаси ҳалок бўлади. Шундай кейингина инсонни ўлган деб ҳисоблаш мумкин. Зеро ҳозир токи мия ўлмас экан, кўпгина ички аъзоларнинг янги тобобат техникаси воситасида ишлашда давом этишини таъминлаш ва шу орқали анча муддатгача инсонда тирикликтинг минимал даражасини сақлаб туриш мумкин. Демак, юракнинг ёки буйракнинг кўчириб ўтказилиши ҳали ўлмаган одамнинг минимал тириклика бўлган хуқуқини поймол қилишдир. Бунинг устига, америкалик нейрохирург Пол Пэрсон ўз тажрибаларига асосланиб, юрак кўчириб ўтказилганда рух ҳам кўчиб ўтади, деган фикрни билдиради. Чунончи, 19 яшар қизнинг юраги 40 яшар эркакка ўтказилганида, йигитнинг феъл-авторида жуда катта ўзгаришлар рўй берган. Ёки 20 яшар қизнинг юраги ва ўпкаси 36 яшар аёлга ўтказилганда ҳам шунга ўхшаш ўзгаришлар юзага келган: кулишигача ўзгариб кетган. Ахлоқий нуқтаи назардан буни қандай изоҳлаш мумкин?

Биологик ахлоқшуносликнинг анчадан буён кўпчиликка маълум муаммоси, бу - аборт. Маълумки, тўртинчи ҳафтанинг охирида ҳомилада дастьлабки юрак уриши пайдо бўлади. Саккизинчи ҳафтанинг охирида эса мия танасининг электрофизиологик фаоллигини кузатиш мумкин. Демак, ҳар қандай аборт, ҳалқ таъбири билан айтганда, жонлини жонсиз қилиш, тирик организмни тириклика бўлган хуқуқдан маҳрум этишдир. Хўш, абортни ахлоқшунослик тарзида баҳолаш керакми ё йўқми? Бу саволларга ҳам ахлоқшунослик жавоб топмоғи лозим. Бизнинг фанимиз олдида ана шундай глобал вазифалар турибди. Айнан шу вазифаларни бугунги кунда ахлоқшуносликнинг аҳамиятини белгилаб берувчи барометрлар, дейишимиз мумкин.

7-мавзу: Ахлоқшуносликнинг асосий тушунчалари

Режа:

- 1. Ахлоқшуносликдаги қутб тушунчалар моҳияти**
- 2. Муҳабbat ва нафрат тушунчалари**
- 3. Эзгулик ва ёвузлик тушунчалари**
- 4. Яҳшилиқ ва ёмонлик тушунчалари**
- 5. Адолат, бурч, виждон, номус, идеал ҳаётнинг маъноси ва баҳт тушунчалари**

Аввал биз ахлоқий ҳиссиётларни ахлоқий англаш учун муайян маънода материал экани тўғрисида бир ров тўхталиб ўтган эдик. Бу ҳақда мумтоз файласуфлар ҳам эътиборга сазовар фикр билдирганлар. Чунончи, буюк инглиз мутафаккири Жон Локк, тушунчада нимаики бор экан, у бундан аввал ҳиссиётда мавжуд бўлган, деб таъкидлайди. «Табиат қонуни борасидаги тажрибалар» асарида у шундай деб ёзади: «Агар ҳиссиётдан ақлга нарсалар қиёфаси етказиб берилмаса, у ҳолда тафаккур учун ҳеч қандай материал берилмаган бўлади ва ақл билишини тараққий эттириши борасида тош, ёғоч, қум ва ҳоказо қурилиш материалларисиз меъмор бино қуришда қанчалик иш қила олса, шунчагина иш бажара билади». Ақлни идеаллаштириш, ҳиссиётни иккинчи даражали омил сифатида талқин этиш, афсуски, Локк ва унга ўхшаш баъзи мутафаккирлар фикрларини ҳисобга олмаслик кейинги давларда, айниқса, кучайди. Гегель сингари файласуфлар эса бутун борлиқни мантиқийлаштириш йўлидан бордилар. Лекин XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Фарб алломалари бу йўлнинг кўп жиҳатдан янгилиш эканини англадилар. XX аср мутафаккирлари, руҳий таҳлил фалсафасидаги янги фройдчилик оқимининг атоқли намояндадаридан бири Карл Юнг шундай деб ёзади: «Фарб кишиси» руҳий («психологик», сўзини эшитганида, унинг учун «у шунчаки руҳий» тарзида жаранглайди. Унинг учун «психе» - қалб қандайдир, ачинарли даражада кичик, эътиборга нолойиқ, шахсий, субъектив в.х... Шу сабабли «руҳ» (қалб) ўрнига «ақл» сўзини ишлатишни маъқул кўради...») Бошқа бир ўринда: «... барча метафизик мулоҳазалар учун ижодий замин айнан қалбнинг (маънавийликнинг) кўзга кўринмас, этишиб бўлмас тарздаги инъикоси ҳисобланган онгдир...», деган фикрни билдиради. Дарҳақиқат, «юрак ва ақл», «ҳиссиёт ва онг» баҳсида Фарб, айниқса, бизнинг XX асрда, сўзсиз, биринчиликни ақлга, онгга беради. Юқоридаги каби фикрлар истисноли холлардир. Шу боис ахлоқшунослик нуқтаи назаридан муҳабbat ҳакида гап кетса, уни ҳиссиёт, деб яна бунинг устига, таърифлаш қийин бўлган туйғу, деб атайдилар ва уни

тушунча тарзида олиб қарашдан чўчийдилар. Ваҳоланки, муҳаббат айнан ахлоқий ҳиссиёт ва ахлоқшуносликнинг бош мезоний тушунчасидир.

Муҳаббат бош мезоний тушунча сифатида деярли барча асосий тушунчаларда ва тамойилларда ўз «ҳисса»сига эга. На эзгуликни, на яхшиликни, на ватапарварликни, на инсонпарварликни муҳаббатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўтган маърузаларнинг баъзиларида биз бу тушунчанинг моҳияти, турлари ҳақидаги Илоҳий Овгустин, Имом Газзолий, Эрих Фромм сингари мутафаккирлар фикрларини келтирган эдик. Кўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, у - инсонни ташқи ва тарнсцендентраль олам билан боғловчи, уни ёлғизлиқдан олиб чиқадиган буюк куч. Муҳаббатнинг обьекти доимо гўзаллик, манфаатсиз гўзаллик. У - Оллоҳми, Ватанми, ёрми - муҳаббат эгасига ундан-да гўзалроқ нарса йўқ. Айни пайтда бир обьектни севган киши бошқа обьектларни хам севмаслиги мумкин эмас. Дейлик, ёрга бўлган ҳақиқий муҳаббат Ватангга, инсониятга муҳаббатни инкор этмайди, аксинча, барқарор қиласди. Зеро «ўз-ўзича», якка, «худбин» муҳаббатнинг бўлиши мумкин эмас. Инсон ўзи ўзгага айланганида, ўзгани ўзига айлантира олганида ҳақиқий муҳаббат эгаси хисобланади. Мана шу обьект билан субъект орасидаги фарқнинг йўқолиши энг буюк, энг мукаммал лаззатdir. Буни мавлоно Фузулий ниҳоятда гўзal қилиб, бир байтда шундай ифодалайди:

Ишқdir ул, нашъai комилким, анданdir мудом

Майда ташвири ҳарорат, найда таъсири садо.

Комил нашъа, комил лаззатга фақат комил инсонгина эриша олади. Демак, муҳаббат инсон ахлоқий ҳаётининг чўққиси, комиллик белгисидир. Шу боис ҳақиқий муҳаббат эгалари ёшлар томонидан доимо ахлоқий идеал тарзида қабул қилинади: Фарҳод ва Ширин, Ромео ва Жульетта, Отабек ва х.

Шуни таъкидлаш лозимки, муҳаббат - олий туйғу, шу маънода у олий тушунча. Лекин уни тубан, қуи нарса - ҳодисаларга нисбатан хам кўллаш ҳоллари учраб туради. Чунончи, Фромм сингари ғарблик мутафаккирлар, баъзи рус файласуфлари муҳаббат тушунчасини ўликка (некрофил), мол-дунёга, пулга нисбатан кўллайдилар. Уларга нисбатан «ўчлик», «ружу», «хирс» сингари тушунчаларни кўллаш маъкул эмасмикан?

Муҳаббат ҳам, ахлоқшуносликдаги кўпгина тушунчалардек, «жуфтлик» хусусиятига эга, унинг зидди - нафрат. Нафрат тушунчаси, албатта, муҳаббат сингари кенг қамровли эмас. У аксил муҳаббат тарзида намоён бўлган обьектдан четлашиш, ундан бегоналashiшни тақозо этади. Ҳазар, жирканч ҳисси нафратнинг қундалик турмушидаги тор, «майда» кўринишидир. Нафратнинг уларга нисбатан «йириклиги» унинг ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлишидир. Айни пайтда, бу тушунча ғазабдан кескин фарқ қиласди. У, ғазабга ўхшаб, ўз обьектини йўқотишга интилмайди, ундан фақат юз буради. Кўринишдан, нафрат кишида ёқимсиз таассурот уйғотса-да, аслида у асосан иллат эмас, ахлоқий фазилат сифатида инсоннинг виждонлилигидан, ботиний жасоратидан далолатdir.

Нафратдан ташқари яна рашк тушунчаси борки, у -ижтимоий ҳодиса эмас, фақат жинсий муҳаббат билан ёнма-ён киласди. Маълумки, муҳаббат эгаси ўз севгисини ва севгилисини қизғаниб, асрар қолишга ҳаракат қиласди. Ана шу қизғаниш ҳисси меъридан ошиб кетганда рашкка айланади. Рашк эса, уни қанчалик таъриф-тавсиф қилмайлик - меъёрнинг бузилиши, иллат.

Мезоний тушунчалар орасидаги яна бир жуфтлик - эзгулик ва ёвузлик. Эзгулик ахлоқшуносликдаги энг асосий категориялардан. У инсон фаолиятининг асл моҳиятини англатади - Тангри иродасининг инсон қалбидаги тажассуми сифатида намоён бўлади. «Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу аъмол» учлиги «Авесто» дан тортиб, барча мұқаддас китобларда етакчи ўринни эгаллаши ҳам шундан. Эзгулик - инсон шахсининг комилликка, баҳтга, жамиятни эса юксак тараққиётга етказувчи воситадир. У инсоннинг ахлоқий фаолияти туфайли муайянлашади, юзага чиқади. Уни синфиийлик ёхуд партияйийлик қобиғига ўраш мумкин эмас. Чунончи, «синфий душманни», яъни бирор бир шахсни ёки гурухни фақат бошқа синфга мансуб бўлгани учун жисман йўқотиш, қанчалик бўяб-бўжалмасин, эзгулик бўлолмайди. У том маънодаги ёвузликдир. Шу боис тоталитар тузумларда эзгуликни бундай талқин этишнинг ноилмийлиги, сохталиги ҳозирги кунда ҳаммага аён.

Эзгулик ва унинг зидди ёвузлик одатий, қундалик ҳаёт мезонлари билан ўлчанмайди, улар ҳам муҳаббат сингари қамровли ва ижтимоийлик хусусиятига эга. Эзгуликнинг ахлоқий идеал

билан боғлиқлиги ҳам шундан. Шу туфайли у амалиётда қаҳрамонлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, жасурлик сингари тамойилларни ўз ичга олади.

Шуни ҳам айтиш керакки, муҳаббат ва нафрат жуфтлик тушунчасида нафрат муҳаббатни инкор этмай, аксинча, унинг барқарорлигидан далолат берса, эзгулик ва ёвузлик жуфтлигига ҳар икки тушунча бир-бирини тамомила инкор этади. На фақат инкор этади, балки улар орасида ҳаёт-мамот кураши кетади ва бу кураш абадий кураш сифатида, оламни ҳаракатга келтирувчи куч тарзида номоён бўлади.

Эзгулик ва ёвузликнинг яна бир ўзига хос томони шундаки, бу жуфтлик тушунча инсон фаолиятини баҳолаш хусусиятига эга. Уни одам боласининг улуғлиги ва тубанлигини ўлчайдиган муқаддас торозуга ўхшатиш мумкин. Инсоннинг комиллиги, жамиятнинг такомилга эришган-эришмагани шу мезон билан ўлчанади. Чунончи, Сталиннинг ёвуз инсон, собиқ шўролар иттифоқини эса жамият сифатида «ёвузлик салтанати» деган ном билан аталиб келгани ҳеч кимга сир эмас.

Эзгулик ва ёвузлик ҳақида гап борганида, яхшилик ва ёмонлик нима, бу икки жуфтлик мазмунан бир эмасми, деган савол туғилади. Бу табиий. Чунки ҳозиргача бизга маълум ўзбек тилидаги барча ахлоқшуносликка доир адабиётларда эзгулик ва ёвузлик мезоний тушунчалар сирасига киритилмаган, у бор-йўғи яхшилик ва ёмонликнинг синоними тарзида тақдим этиб келинган. Тўғри, яхшилик тушунчасининг кўпгина унсурлари эзгуликдан, эзгуликнинг баъзи унсурлари яхшилиқдан жой олишини инкор қилиш мумкин эмас. Уларнинг зиддида ҳам шундай «сингишиб кетиш» мавжуд. Лекин бундай далиллар асло мазкур икки жуфтликни айнанлаштиришга асос бўла олмайди. Улар орасида қатъий фарқ мавжуд: эзгулик, юқорида айтганимиздек, ижтимоийлик хусусиятига эга, яхшилик эса ундей эмас. У асосан шахснинг одобига, хулқига боғлиқ бўлган ижобий ҳодиса. Зеро унда, мардлик, очикқўнгиллилик, ҳалоллик сингари ахлоқий меъёрлар тажассум топади. Бироқ у қаҳрамонлик, жасорат, ватанпарварлик каби тамойиллар даражасига кўтарила олмайди. Мисол тариқасида буюк шоиримиз Алишер Навоийнинг фаолиятини олайлик. У сурункасига ижодий меҳнатга умрини бағишилади, ҳалқи учун, ҳалқлар учун «Ҳазойин ул-маоний»дек, «Ҳамса»дек буюк асарлар яратди. Бу эзгулик - абадий, зеро Навоий асарлари миллионлаб одамларга юзлаб йиллар мобайнида завқ-шавқ улашиб, уларни комилликка чорлаб келмоқда. Айни пайтда, у кўплаб яхшиликлар қилди - муҳтоҷ одамларга қарз берди, берган қарзидан кечиб юборди в.ҳ. Унинг бу яхшиликлари, ажойиб ижобий ҳодиса бўлгани ҳолда, ўткинчилик хусусиятига эга, шунингдек, қаҳрамонлик ҳам, буюк жасорат ҳам, ватанпарварлик ҳам эмас. Демак, яхшиликтин йирик ижтимоий ҳодиса - эзгулик билан айнанлаштириш тўғри эмас.

Бу икки жуфтликнинг яна бир фарқли томони шундаки, эзгулик ҳеч қачон ёвузликка айланмайди, ҳар қандай замонда, ҳар қандай шароитда ҳам ёвузлик бўлиб қолаверади. Яхшилик ва ёмонлиқда эса бундай эмас: бирор обьектга қилинган яхшилик бошқа ҳар бир обьект учун ёки яхшилик қилган субъект учун ёмонликка айланиши мумкин. Машхур ўзбек ҳалқ эртакларидан биридаги овчилар қувиб келаётган бўрини қопга яшириб, қутқариб қолган дехқоннинг ҳолатини бунга мисол сифатида келтириш мумкин: бўри ўзига яхшилик қилиб, ўлимдан қутқарган одамни емоқчи бўлади, хайриятки, тулки дехқоннинг жонига ора киради.

Хуллас, муайян ижтимоий чекланганлигига қарамай, яхшилик ва ёмонлик ҳам анча қамровли мезоний тушунчалардан.

Ахлоқшуносликнинг яна бир қамровли мезоний тушунчаси-адолат. Унинг эзгулик ва ёвузлик ҳамда яхшилик ва ёмонликдан асосий фарқи шундаки, адолатнинг ўзи бирор бир қадриятни англамайди, лекин қадриятлар орасидаги нисбатни белгилайди, уларни баҳолаш мақомига эга. Шу боис унда жамиятни тартибга солувчилик хусусияти бор; унда ҳам ахлоқий, ҳам ҳуқуқий талаблар мужассамлашган. Уни маълум маънода миқдор ўлчовчи ҳам дейиш мумкин: у талаб билан тақдирлашни ўлчаб турадиган тарозудир. Адолат бор жойда ижтимоий жабрга, бебошлиқка йўл йўқ. Адолатнинг мезонийлик хусусияти, айниқса, ҳуқуқда дарҳол кўзга ташланади. Ҳуқуқ вазирлигининг ҳатто адлия вазирлиги деб аталиши, жиноятга яраша жазони белгиловчи, ҳукм чиқарувчи идораларнинг ҳалқ суди, одил суд деган номлар билан юритилиши бунинг далилилдир. Лекинadolatни фақат ҳуқуқий тушунча сифатида талқин этиш тўғри эмас. У, юқорида айтганимиздек, кенг қамровли ахлоқий тушунча. У нафақат фуқаролар орасидаги

муносабатларни, балки давлат билан халқ, жамият билан шахс ўртасидаги алоқалар мезонини ҳам ўз ичига олади. Халқ орасида минг йиллар мобайнида одил подшо идеалининг яшаб келгани бежиз эмас.

Деярли бир ярим аср мобайнида адолатсизликни миллий камситишни, миллий ифтихор ҳиссининг оёқ ости қилинишини, бегона ироданинг зўрлаб қабул қилдириш каби ҳолатларни бошдан кечирган халқимиз, эндиқда, мустақилликка эришиб, адолатли фуқаролик жамияти тузишга киришди. Адолат бугунги кунда бизнинг мустақил, келажаги буюк давлатимизнинг моҳиятини англатувчи тушунчага айланаб бормоқда.

Ахлоқшуносликнинг ниҳоятда таъсир доираси кенг тушунчаларидан бири виждондир. Виждон - Зигмунд Фрейд таъбири билан айтганда, “мен” устидан назорат ўрнатиб, уни бошқариб турувчи иккинчи, юқора даражадаги мен. Агар уят ҳисси инсоннинг ташки, жамиятга боғлиқлигидан келиб чиқса, виждон унинг ички ўз-ўзига боғлиқлигини намоён этади. Бу ички боғлиқлик ташки боғлиқликка нисбатан теран ва доимийдир: уят маълум бир вақт ичида одамнинг ўз ножӯя ҳаракати туфайли юзага келган ўнғайсизлиги бўлса, виждон азоби, бу оддий ўнғайсизлик эмас, балки қалbdаги, одамдаги одамийликка эътиқоднинг фарёди, талаби, уни қондирмас экансиз, ҳеч қачон азоб тўхтамайди. Уят билан виждонни, шу боис, денгиздаги муз тоғига - айсбергга ўхшатиш мумкин: юзага уят тарзида чиқиб турган қисми теранликдаги қисмидан юз, балки минг баробар кичик.

Виждон ҳам бошқа баъзи ахлоқшунослик мезоний тушунчалари каби баҳолаш хусусиятига эга. Лекин бу баҳолаш ҳеч қачон обьектга қаратилмайди, у субъектнинг хатти-ҳаракатларини баҳолайди, яъни унда субъект ўзи учун ички обьект вазифасини ўтайди. Баъзан жамият талаблари билан виждон ўртасида ихтилофлар чиқиши мумкин. Бунда виждон эмас, жамият талабларининг ўткинчилик хусусияти, маълум маънода эскирганлиги айбордир. Зеро, виждон кўзга кўринмас, лекин улкан ва мутлақ айбсиз ахлоқий ҳодисадир.

Кўпинча виждон тушунчаси ўрнида иймон иборасини учратиш мумкин. Иймон аслида диний тушунча. Лекин ҳаётда виждон тушунчасининг синоними тарзида ишлатилади. Масалан, кимнидир бирор «иймонли одам» деганида, унинг мусулмонликка иймон келтирган-келтирмагани ҳақида ўйлаб ўтирумайди, бунинг устига, у одам мусулмон эмас, насроний бўлиши ҳам мумкин. Чунки гап бу ерда ўша одамнинг диндорлиги ҳақида эмас, балки виждонли, ҳалол, ростгўй эканлиги тўғрисида кетяпти. Шу маънода виждон билан иймонни эгизак тушунчалар дейиш мумкин.

Афсуски, одатда, қўпчилик адабиётлар виждон мезоний тушунчасига «субъектив» ҳодиса тарзида караб, адолат, бурч, номус сингари тушунчаларни унга қараганда ижтимоий аҳамиятлироқ деб баҳолаш, уларни, «тўрга чиқариш» ҳоллари тез-тез учраб туради. Ваҳоланки, виждонсиз одамдан ҳеч қачон адолатни ҳам, бурчга садоқатни ҳам, ор-номусни ҳам кутиш мумкин эмас. Виждонли одамларгина ҳақиқий эркин, демократик фуқаролик жамиятини яратса оладилар. Зеро виждон, энг аввало, ўзгаларга нисбатан бурч ва масъулиятни тақозо этади.

Яна бир муҳим мезоний тушунча - бурч. Бурч, моҳиятан, жамият, давлат ва шахсларга нисбатан муайян индивиддаги муносабат, улар олдидаги мажбурият. У юкорида айтганимиздек, виждон, эътиқод, масъулият каби тушунчалар билан мустаҳкам боғлиқ. Умуман, ҳаётда инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати замирида бурч тушунчаси - бурчга садоқат ёки хиёнат ётади. Бурчининг инсонлик бурчи, мусулмонлик бурчи, насронийлик бурчи, фарзандлик бурчи сингари кенг қамровли, барча даврлар учун умумий бўлган тушунчалари ҳам, журналистлик бурчи, шифокорлик бурчи, олимлик бурчи каби касбий одоб доирасидаги тушунчалари ҳам мавжуд. Бурч тушунчасининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири - унинг вақт ва жамиятда муайянлашиш хусусияти. Чунончи, бир тузум ё жамиятда ижобий ҳисобланган бурч талаблари иккинчи бир тузум ёки жамият учун салбий маъно касб этиши мумкин. Собиқ шўролар фуқаросининг ўша даврдаги мавжуд тузум олдидаги бурчи ҳозирги кунда ўта салбий ҳодиса сифатида баҳоланиши бунга ёркин мисол бўла олади.

Ҳарбийлашган ва ўта мафкуравийлашган, яъни ягона мафкура хукмронлик қилган жамиятларда эса бурч омма ҳамда шахс ҳаётида фожеавий ҳодисага айланади. Ўта усталик билан йўлга кўйилган тарғибот натижасида бундай жамиятлар аъзолари оқни - қора, қорани - оқ деб қабул қиласидилар. Буни умумбашарий миллий қадриятларни оёқ ости қилган бешафқат

шўролар социализми ёки фашистларнинг миллий социализми яққол исботлаб берди. Юз минглаб, ҳатто миллионлаб одамлар алдандилар, кейинчалик, узоқ йиллар мобайнида виждан азобида яшадилар. Демак, жамият қуришда тоталитарчиликка йўл қўйилиши ўша жамият аъзоларини бурчни нотўғри тушунишга ва бунинг оқибатида ахлоқсизликка олиб келади.

Шуни ҳам айтиш керакки, баъзи ҳолларда бурч шахснинг кўпгина майл-истакларига қарши боради: уни хузур ҳаловатдан, турмуш лаззатларидан маҳрум этади. Масалан, Фурқат мустамлакачилар мафкурасига хизмат қилганида, унинг ҳаёти роҳат фароғатда кечиши мумкин эди. Лекин у Ватан олдидаги, миллат олдидаги бурчни деб муҳожирликнинг оғир қисматига дучор бўлди: уни мустамлакачилар мамлакат ҳудудидан чиқариб юбориб, қайта киритмадилар. Фурқат ҳорижда вафот этди.

Баъзан бурч туфайли одамлар ўз севгисидан, жон-дилидан севган кишисидан кечишга ҳам мажбур бўладилар. Хуллас, бурч ахлоқшунослик мезоний тушунчалари ичидаги энг «қаттиқ қўл», энг «шафқатсизи».

Мезоний тушунчалардан яна бири - номус. Номус тушунчаси бир томондан, бурч билан боғлиқ бўлса, иккинчи жиҳатдан, қадр-қиммат тушунчасига алоқадир. Зоро, номус моҳиятнан шахснинг ўз қадр-қимматини англаб етиши, шу қадр-қимматнинг жамият томонидан тан олиниши ёки олинмаслиги муносабати билан белгиланади. Гоҳо уни ор тушунчаси билан чалкаштириш ҳоллари ҳам учраб туради. Лекин аслида, номусга нисбатан “ор” анча тор қамровдаги, нисбатан залварсиз тушунча. Чунончи, ориятли одам деганда, ўз сўзининг устидан чиқадиган, садақа тарзида қилинган мурувватлардан баланд турадиган шахс тушунилади. Беор одам эса - ўз шаънига айтилган гапларга парво қилмай, ишини бажариб кетаверадиган, айтилган-айтилмаган жойларга суқилиб кираверадиган сурбетнамо киши. Номуснинг эса тоши оғир - ижтимоийлик хусусиятига эга, кенг қамровли. Номус йўлида инсон ҳатто ўз ҳаётидан кечиши мумкин, одамлар ўз номуси, оила номуси, миллат номуси деб курашадилар. Бу хақда кўплаб бадиий асарлар яратилган. Мехнат, спорт сингари соҳаларда жамоа номуси ҳам алоҳида аҳамиятга эга; шу ўринда номус обрў тушунчаси билан боғланиб кетади. Буларнинг ҳаммаси ўзини хурмат қилиш, ўзига нисбатан атрофдагиларнинг хурмат-иззатини йўқотмаслик учун ўз-ӯзини назорат қилиш хиссидан келиб чиқади.

Биз юқорида кўриб ўтганларимиз - асосий мезоний тушунчаларнинг барчаси баҳолаш табиатига эга. Яна қатор муҳим ахлоқий тушунчалар борки, улар ўз ечимини талаб қилиши билан, яъни муаммолик хусусияти билан ажралиб туради. Идеал, баҳт, ҳаётнинг маъноси, сингари тушунчалар шулар жумласидандир. Биз улар орасидаги энг қамровлиси бўлиши ахлоқий идеал тушунчасига нисбатан батафсилоқ тўхталиб ўтамиз.

Бир қараганда, идеалда ҳам баҳолаш хусусияти мавжуддек туюлади. Лекин аслида у қиёслашга асосланади. Антика томони шундаки, идеалда номавжуд, хаёлдаги инсонга, воқелика реал, мавжуд ҳаётдаги ходисалар қиёсланади, яъни бор нарса йўқ нарса билан ўлчанади. Зоро, идеал ҳаётда мавжуд бўлиши мумкин эмас - бу ҳаммага аён гап. Бунинг устига, идеал ҳозирги замонда ҳам, келажакда ҳам бўлмайди, унинг мавжудлик шарти-ўтган замон. Лекин, шунга қарамай, инсон идеал сари интилади, ўз ҳаётини унга қиёслайди, унга таклид қиласди. У инсон ҳаётидаги энг олий ахлоқий талабки, унинг бажарилиши шахсни комилликка етказади. Албатта, ҳаётда бундай бўлмайди, лекин инсон ана шу комилликни ўзига намуна билиб, идеалга интилиб яшashi жараёнида нисбий комилликка эришади.

Дунёвий идеал билан, тўғрироғи, ижтимоий-ахлоқий идеал билан диний идеал, бир қараганда, ўхшашдек кўринса-да, аслида кескин фарқ қиласди. Чунончи, мусулмонлар учун-Мухаммад алайхиссалом, насронийлар учун - ҳазрати Исо, яхудо динидагилар учун - ҳазрати Мусо идеал ҳисобланади. Улар идеал сифатида хеч қачон ўзгармайди, боқий. Ижтимоий-ахлоқий идеаллар эса ўзгариши мумкин ва кўп ҳолларда ўзгариб туради. Масалан, шўролар даврида ўша тузум асосчиси Ленин - энг юксак ахлоқий идеал сифатида талқин этиларди ва кўпчилик томонидан шундай қабул қиласди. Ҳозир эса «Куч-адолатда!» деган шиорни ҳаётининг маъноси деб билган буюк аждодимиз Амир Темур кўпчилик томонидан ижтимоий-ахлоқий идеал,adolatli давлат раҳбарининг идеал тимсоли тарзида қабул қиласиди. Демак, муайян тузум талбларидан келиб чиқсан ҳолда, ижтимоий-ахлоқий идеаллар ўзгариши мумкин. Фаолияти никобланган ахлоқсизликдан иборат бўлган. Ленин, Сталин, Гитлер каби

ижтимоий идеалларнинг умри узоқ бўлмаса-да, ҳар ҳолда идеал эдилар, алданган кўпчилик уларни намуна деб билдилар.

Бундай салбий ҳодисаларга қарамай, идеал, умуман, инсоният жамиятида, шахс ҳаётида ижобий, ёруғ маёқ вазифасини ўтаб келмоқда, бундан кейин ҳам унинг асосий вазифаси шундай бўлиб қолажак. Чунки идеалда ҳар бир инсон ўз баҳтининг ҳиссиётли ифодасини кўради, ҳаётининг маъносини унга қараб интилишда деб билади.

Асосий мезоний тушунчалар - категориялар сингари ахлоқий тамойиллар ҳам ахлоқий англаш шаклларидан ҳисобланади. Уларда ахлоқий талаб нисбатан умумий тарзда кўзга ташланади.

Улар жамият томонидан шахсга қўйиладиган талаб тарзида намоён бўлиб, инсоннинг ахлоқий моҳиятини, унинг ҳаёти мазмунини, одамлар билан ўзаро алоқаларидаги асосий жиҳатларини белгилаб беради. Натижада тамойиллар, инсон хатти-ҳаракатининг умумий йўналишини кўрсатган ҳолда, кўпгина ахлоқий меъёрлар учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Ахлоқий тамойилларнинг энг қадимий ва энг муҳимларидан бири - инсонпарварлик. У - инсоннинг юксак ижтимоий вазифасини белгилайдиган ва барқарор этадиган гоялар, қарашлар ва эътиқодлар мажмуи, шахс эрки, кадр-қиммати, унинг баҳтли бўлиш хукуқини талаб этиш имконининг мавжудлигига енгилмас ишонч. Инсонпарварлик тамойилини, Оврўпо Уйғониш мутафаккирлари дастлаб илгари сурғанлар, деган фикр мавжуд.

Инсонпарварлик - умуминсоний қадриятлар сирасига киради. Уни шўролар давридаги синфиийлик нуқтаи назаридан сохталаشتариш пролетар диктатураси ва тоталитар социалистик тузум ҳамда улар ижодкорларининг инсонпарварлиги ҳақидаги афсоналар жуда қисқа умр кўрди. Социализм мағкурачиларининг бу борадаги сайъ-ҳаракатлари ўша даврларда ёқ ноилмийлиги, ёлғонга суғорилганлиги билан кишиларнинг ғашини келтирган эди. Бундай инсонпарварликни ҳалқ қабул қилмайди. Чунки у айнан ўта мавҳум «ҳалқ» тушунчасига қаратилган, ваҳоланки инсонпарварлик марказида муайян шахс турмоғи лозим. Ҳар бир шахс инсоний хукуқларини таъминлаш учун курашиш - инсонпарварликнинг асосий вазифаси. Бу борада умумбашарий маънавий қадриятларни устувор деб билган бизнинг давлатимиз ҳам мамлакат ичкарисида, ҳам дунё миқёсида кўзга кўринарли ишлар қилмоқда.

Агар инсонпарварлик тамойили шахснинг барча инсоний ҳақ-хукуқлари ҳимоясида турса, яъни анча кенг қамровли ва умумий интилиш бўлса, эркпарварлик тамойили унинг маълум маънода муайянлашган бир қисми ҳисобланади. Эркпарварлик инсоннинг энг олий ҳукуқи - эркин, озод яшаш ҳукуқини ҳимоя қилиши билан муҳимдир. Зеро, эрксиз инсон - асир, эрксиз миллат - қул, эрксиз мамлакат-мустамлака. Эркпарварлик, аввало, ўз миллати, ўз Ватани эрки учун, қолаверса, бошқа миллатлар ва ватанлар эрки учун курашни ҳаётининг мақсади қилиб қўйган инсонлар тамойилидир. Айни пайтда, бу тамойил кенг ижтимоий сиёсий маънода ҳам қўлланилади. Буни эркпарвар давлатлар фаолиятида кўриш мумкин.

Одатда, эркпарвар шахслар муайян даврнинг қаҳрамонларига айланадилар. Зеро, улар ўзгалар эрки учун ўз эркини, ўз ҳаётини қурбон қилишдан ҳам чўчимайдилар. Бунинг ёркин мисоли буюк инглиз мумтоз шоири Жорж Байрон сиймосидир. У инглиз бўлатуриб, ўз Ватани Англияда Ирландия озодлиги, ирландлар эрки учун курашди: кўпчиликнинг ҳайрати ва нафратига учради, Ватанин тарк этишга мажбур бўлди. Ўз юртида эрк учун курашиш баҳтидан маҳрум бўлган шоир ўзга ватанлар эрки учун курашга отланди, Италияни Австрия истибдодидан озод қилиш ҳаракатининг раҳбарларидан бирига айланди. Бу ҳақда у шундай деб ёзган эди:

Эрк учун Ватанда қиломасанг жанг,
Сен қўшни ватанлар эрки деб кураш;
Юону Румонинг туғин тут таранг,
Бошингни тика бил эрк учун саркаш!
Эзгулик йўлида бўлсанг қаҳрамон,
Сен инсон эрки деб курашсанг азот,
Бир, куни, сиртмоқдан гар қолсанг омон,
Жўмард деб алқагай сени одамзот!

Италиядаги озодлик ҳаракати мағлубиятга учрагач, у қадим Юнонистонни Туркия зулмидан озод қилиш учун курашди. У Юнонистонда, ботқоқлик ёнидаги Миссолунги шаҳрида оғир безгакдан вафот этди. Унинг ўлими ҳам истибоддога қарши шиорга айланди: қўзғолончилар: «Байрон учун!» деган жанговар ҳайқириқ билан жангга отилдилар. Беназир, Юнонистоннинг озод қилинган қисми генерал-губернатори, эркесвар қўмондон ва улуғ инсон хотирасига юон ҳалқи йигирма бир кун қора қийиб, мотам тутди. Ҳамма черковларда Байрон ҳаққига ибодат қилинди. Дарҳақиқат, эркпарварлик тамойилини ҳаётининг маъноси деб билган инсонларнинг маънавий умри боқий, улар келажак авлодлар учун идеал бўлиб қоладилар.

Энг маълум ва машхур тамойил, бу - ватанпарварлик. У инсоннинг ўз Ватанига муҳаббатини, уни асраб-авайлашга бўлган иштиёқини англатувчи ахлоқий тушунча. Уни кўпинча Ватан душманларига қарши маънавий-мағкуравий қурол сифатидагина талқин этадилар.

Аслида эса, бу тамойилнинг қамрови анча кенг - у инсонпарваликнинг нисбатан муайянлашган шакли. У, энг аввало, ўз ватандошлари эркини асраш учун кураш, инсон озодлиги йўлидаги хатти-ҳаракатлардир. Ватан ҳимояси, бу - инсон ҳимояси, миллат ҳимояси. Лекин бу ҳимоя, юқорида айтганимиздек, фақат жанг майдонида эмас, балки барча соҳаларда намоён бўлади. Ҳар бир соҳада Ватан эришган муваффакиятлардан қувонч, муваффакитясилизлардан қайғу хиссини туюш, Ватан билан ғуурланиш, унинг ҳар бир қарич ери, биносининг ҳар бир ғиштига, қадимий обидаларига, илм-фан ва санъатдаги ютуқларига меҳр билан қураш, уларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш - булар ҳаммаси ватанпарварлиkdir.

Хозирги пайтда ёшларимизда ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш, уларни Ватан маъносини теран англаб етишга ўргатиш, ватанпарварлик - юксак ахлоқий тамойил эканини тушунириш фанизмнинг долзарб вазифаси хисобланади.

Яна бир муҳим ахлоқий тамойил, бу - миллатпарварлик. У маълум маънода, ватанпарварлик тамойилининг янада муайянлашган шакли. Зеро миллатни севиш кенг маънода Ватанни севиш дегани. Ватансиз миллатнинг бўлиши ёки расмана эркин ва баҳтли яшаши мумкин эмас.

Лекин миллатпарварликни миллатчилик билан қориштириб юбормаслик лозим. Миллатчилик ўз миллатини ажратиб олиб, унга буюклик мақомини беришга интилиш бўлса, миллатпарварлик, бошқаларни камситмаган ҳолда, ўз миллати равнақи учун курашиш, бу йўлда, лозим бўлса, ўз ҳаётини ҳам фидо қилиш демакдир. У инсонпарварлик билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Чунки ўз миллатини чин дилдан севмаган одам ҳеч қачон бошка миллатларни сева олмайди.

Асл миллатпарвар - миллий ўзлигини англаб етган инсон. У ўз миллати билан фахрланади, ўз миллати билан бутун жаҳоннинг фахрланишини истайди. Чунончи, Навоий дўппи билан тўн кийган ўзбекни ҳар қандай шоҳ жамолидан афзал қўради:

Шоҳу тожу хильятеким, мен томоша қилғали
Ўзбаким бошида қалпок, эгнида шардоғи бас.

Лекин Навоий шу фахрланиши, ғуурланиши баробарида ўзгаларга кибр билан қараган эмас, аксинча, ўзга тил вакили бўлмиш Жомийга бағоят хурмат-иззат кўрсатиб, унга, пиrim, деб қўл берган.

Асл миллатпарвар инсонларнинг умри миллатнинг умри каби мангудир. Миллат йўлида ўз жонини тиккан Мунаввар қори, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон сингари минглаб фидоийларни ҳам ҳалқимиз ҳеч қачон унутмайди.

Шунингдек, тинчликпарварлик, жўмардлик сингари ахлоқий тамойиллар ҳам инсоният ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Чунончи, тинчликпарварлик урушнинг, қон тўкишнинг ҳар қандай кўринишини инкор этади. Баъзи улуғ давлатчилик ва буюк миллатчилик рухи хукмрон бўлган жамиятларда тинчликпарварлар қувғин қилинади, турмаларга ташланади. Лекин улар ўз тамойилларидан ҳеч қачон қайтмайдилар. Улар инсониятни барча баҳсли масалаларини тинч йўл билан ҳал қилишга чақирадилар, Ер юзида тинчлик ўрнатиш учун тинимсиз кураш олиб борадилар. Жўмардлик тамойили эса Шарқда қадимдан мавжуд. Оврўпода уни альтруизм номи билан Огюст Конт илмий муомалага киригтан. У кишида ўз қавмдошига ачиниш ҳиссидан, унга баҳт ва фаровонлик тилаш туйғусидан келиб чиқади, моҳиятнан беминнат хайрияга асосланади.

Бундан ташқари, бизнинг миллий ахлоқшунослигимизда ўзбекчилик, меҳмондўстлик каби тамойиллар мавжуд. Улар миллатимизнинг энг яхши анъаналарига садоқат туйғусидан келиб чиқади ва ўзбек кишисига хос бағри кенглик, дўстга, меҳмонга борини бағишлишдек фидойилик хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради. Айни пайтда, бу тамойилларни сустеъмол қилиши ҳоллари ҳам ҳозирги пайтда тез-тез учраб туради. Шунга қарамай, ўзбекчилик ва меҳмондўстлик тамойиллари халқимизнинг ўзига хослигини таъкидлади. Жаҳоннинг жуда кўп ҳалқлари бу тамойиллар эгаси бўлмиш ўзбек миллатига доимо эҳтиром, ҳавас ва ҳайрат билан миннатдорчилик билдирадилар.

Инсон ҳаётида ахлоқий меъёрлар ҳам катта аҳамиятга эга. Улар тамойилларга нисбатан анча содда, умумлашмаган, тор қамровли. Уларни кундалик ҳаётимиизда маълум ахлоқий тамойилларнинг амалга ошиш мурватлари ҳам дейиш мумкин, улар ахлоқий талабларнинг энг оддий шакли сифатида рўёбга чиқади. Ҳалоллик, ростгўйлик, хушмуомалалик, боодоблик, камтарлик сингари меъёрлар айниқса, диққатга сазовор. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳалолликни унинг дастлабки тор диний мазмунида-қайси таом ҳаром-у, қайсиниси ҳалол, деган маънода тушунмаслик лозим. У аллақачон умуминсоний маъно касб этган меъёрга айланган. Ҳалоллик, ростгўйлик виждан тушунчаси билан боғлиқ, инсоннинг ўзгага муносабати ўзига муносабатидек соф бўлишини талаб этувчи маъёрлардир.

Ўнлаб меъёрлар орасида бу иккисига тўхталишимизнинг сабаби шундаки, мустамлакачилик даврида, айниқса, шўролар ҳукумронлик қилган чоракам бир аср вақт мобайнида ёлғон, алдов, нопоклик, ҳаромхўрлик, мунофиқлик сингари иллатлар халқимизга шу қадар усталик билан сингдирилдики, ҳозирги пайтда кўпчилик одамлар ҳалоллик ва ростгўйлик устидан ҳатто куладиган бўлиб қолганлар. Сўз билан иш бирлиги йўқолган, қоғоздаги чиройли гаплар ҳаётга тўғри келмайди. Лекин буларнинг ҳаммаси афсуски, одатий холдек қабул қилинади. Шу боис мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ бу иллатларга қарши кураш бошланди. Ҳозирги кунда давлатимиз миллий маънавий қадриятларни тиклашни, одамларни ҳалол, инсофли, адолатли бўлишга чақиришни ўз ички сиёсатининг муҳим қисми деб билган ҳолда иш тутмокда. Зоро кўз ўнгимизда ёлғон, алдов, иккюзламачилик нималигини деярли билмайдиган жамиятлар, миллатлар гуллаб-яшнамоқда. Япония, Олмония, Франция, АҚШ, Буюк Британия сингари мамлакатлар шулар жумласидан.

Шундай қилиб, қисқача бўлса-да, ахлоқшунослик мезоний тушунчалари, ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар нима эканини, уларнинг шахс ҳамда жамият ахлоқий ҳаётида нақадар муҳим ўрин тутишини кўриб чиқдик.

8- мавзу: Ахлоқий маданият ва қасбий одоб

Режа:

- 1. Ахлоқий маданият моҳияти**
- 2. Ахлоқий маданият структураси**
- 3. Қасбий одоб ва унинг моҳияти**

Давлат ва фуқаролик жамиятидаги ахлоқий юксаклик даражасини улар фуқаролари ахлоқий маданияти белгилайди. Ахлоқий маданият шахснинг жамият ахлоқий тажрибаларини эгаллаши ва бу тажрибалардан бошқа одамлар билан бўлган муносабатларида фойдаланиши, ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориши сингари жиҳатларни ўз ичига олади. қисқаси, у шахс ахлоқий тараққиётининг белгиси ҳисобланади. Зоро ахлоқий маданият ахлоқий тафаккур маданиятининг қатор унсурларини ўз ичига олган тузилмадир. У шахснинг ўзгалар билан ўзаро муносабатларида намоён бўлади.

Ахлоқий маданиятнинг энг муҳим унсурларидан бири-муомала одоби. У моҳиятан ўзаро ҳамкорликнинг шаклларидан бири. Инсон зоти бир-бири билан ҳамкорлик қилмасдан, ўзаро тажриба алмашмасдан, бир-бирига таъсир кўрсатмасдан расмона яшashi мумкин эмас. Муомала одам учун эҳтиёж, зарурат, соғлом киши усиз руҳан қийналади, кайфияти тушиб боради. Бу ўринда буюк инглиз ёзувчиси Даниэл Дефо қаламига мансуб машхур «Робинзон Крузонинг

саргузаштлари» асарини эслашнинг ўзиёқ кифоя: Жумабойни топиб олган Робинзоннинг нақадар қувонишига ҳам сабаб ана шунда.

Муомала одоби бошқа кишилар қадр-қимматини, иззатини жойига қўйишни, анъанавий ахлоқий меъёрий талабларни бажаришни тақозо этади. Шунинг баробарида, у инсондаги яхши жиҳатларни намоён этиши, кўзга кўрсатиши билан ҳам ажralиб туради. Унинг энг ёрқин, энг сермазмун ва энг ифодали намоён бўлиши сўз, нутқ воситасида рўй беради. Сўзлаш ва тинглай билиш, сұхбатлашиш маданияти муомаланинг мухим жиҳатларини ташкил этади. Шу боис муомала одоби ўзини, энг аввало, ширинсуҳанлик, камсукумлик, босиқлик, хушфеъллилик сингари ахлоқий меъёрларда намоён қиласди.

Муомала одобининг яна бир «кўзгуси» бу -инсоний қараш, нигоҳ. Маълумки, одамнинг қарашида, юз ифодасида, қўл ҳаракатларида унинг қай сабабларданdir тилга чиқмаган, сўзга айланмаган хиссиёти, талаблари ўз аксини топади. Чунончи, сұхбатдошининг гапини охиригача эшитмай, қўл силтаб кетиш - муомаладаги маданиятсизликни англатади. Баъзан қараб қўйишнинг ўзи сўздан ҳам кучлироқ таъсир кўрсатади. Дейлик, бир қурувчи уста ўз шогирдининг хатти-ҳаракатларидан норозилигини билдириш учун бош чайқаб, жилмайиб қўйиши мумкин. Иккинчи уста эса, бир лаҳза ўқрайиб қараш билан муносабатини ифодалайди. Биринчи уста юз ифодаси ва хатти-ҳаракати билан; «Оббо шоввоз-ей, сал шошилибсан-да, ха, майли, зарари йўқ, шунақаси ҳам бўлади», деган маънени англатса, иккинчи устанинг қарашидан; «Яна ишни расво қилибсан-ку, падарлаънат, қачон одам бўласан?!», деган сўзларни укиш мумкин. Шубҳасиз, биринчи уста муомалада одобга риоя қилган бўлса, иккинчиси унинг акси - шогирдининг эмас, ўзининг одобсизлигини кўрсатмоқда.

Умуман олганда, муомала одоби кишиларнинг насиҳат ва одоб ўргатишсиз бир-бирига таъсири, тарбия ва ўз-ўзини тарбия воситаси сифатида дикқатга сазовор. Шу сабабли ёшларимизда муомала одобини шакллантириш ҳозирги кунда жамиятимиз олдида турган мухим вазифалардан. Бунда ота-онанинг, маҳалла-қўйининг таъсири катта. Ундан фойдалана билаш керак. Зеро ахлоқий комилликка эришиш муомала одобини эгаллашдан бошланади.

Ахлоқий маданият яққол кўзга ташланадиган муносабатлар кўринишидан бири, бу - этикет. У кўпроқ инсоннинг ташқи маданиятини, ўзаро муносабатлардаги ўзни тутиш қонун-қоидаларининг бажарилишини бошқаради. Агар муомала одобида инсон ўз муносабатларига ижодий ёндошса, яъни бир ҳолатда бир неча муомала қилиш имконига эга бўлса, этикет муайян ҳолат учун фақат бир хил қоидалаштириб қўйилган хатти-ҳаракатни тақозо этади.

Этикетнинг қамрови кенг, у, маълум маънода, халқаро миқёсда қабул қилинган муомала қонун-қоидаларини ўз ичига олади. Масалан, сиёсий арбоб этикети, меҳмондорчилик этикети ва ҳ. к. Этикетга риоя қилишнинг мумтоз намунасини биз тез-тез телевизор экрани орқали қўриб турдимиз. Президентимиз Ислом Каримовга ҳорижий мамлакатлар элчиларининг ишонч ёрликларини топшириш маросимларини эсланг. Унда фақат бир хил ҳолат, халқаро миқёсда ўрнатилган қоида хукмрон. Уни Президентнинг ҳам, элчиларнинг ҳам бузишга ҳаққи йўқ. Ёки жуда оддий, кичкина бир мисол: дастурхонда тановул пайти, пичоқни ўнг қўлда ушлаш замонавий меҳмондорчилик этикетининг қатъий қоидаларидан бири саналади - уни бузиш атрофдагиларда ҳайрат ва истеҳзо уйғотади. Шу боис этикетни одат тусига айлантирилган, қатъийлаштирилган муомала одоби дейиш ҳам мумкин.

Этикет - такаллуфнинг майда-чуйда жиҳатларигача ишлаб чиқилган одоб қоидалари сифатида ижобий, кишининг кўзини қувонтирадиган муомала ҳодисаси. Лекин, айни пайтда, у асл ахлоқий асосини йўқотган мажбурий мулозамат тарзида ҳам намоён бўлади: этикет қоидаларини бажараётган киши аслида ўз хоҳиш-ихтиёрига қарши иш қўраётган бўлиши ҳам мумкин. Бу жиҳатдан у мунофиқликнинг бир кўринишига айланади. Масалан, сиз эрталаб ишга шошилиб, дарвозадан чиқдингиз, дейлик. Рўпарамизда танишингиз ёки қўшнингиз учрайди. Сиз кўришиб, ҳол-ахвол сўрашиб уни: «қани уйга кирамиз, чой қиламиз, бир ҳангомалашамиз», деб ичкарига таклиф қиласиз. Лекин, аслида, сиз унинг уйга киришини асло истамайсиз, вақтингиз йўқ, ҳатто, шу учрашганда кетган вақтингизни ўйлаб, питирлаб турибсиз. Демак, сиз ўз истагингизга қарши, этикет-мулозамат юзасидан ёлғон гапларни айтасиз, ҳунук эшитилса ҳам на чора - мунофиқлик қиласиз. Шунга қарамай, умуман олганда, этикет шахсни муайян

тартиб-қоидага, қандай ички рухий шароитда бўлмасин, босиқликка, мулойимликка ва сабротоқатга ўргатиши билан аҳамиятлидир.

Ахлоқий маданият касбий одобда ҳам яққол кўзга ташланади. Чунки инсон вояга етиб, бир касбнинг бошини тутгач, ўз касби доирасида одамлар билан мунтазам муносабатда бўлади. Бу муносабат, бир томондан, ҳамкасабалар даврасида рўй берса, иккинчи жиҳатдан, у касб талабига биноан учрашадиган турли тоифадаги одамлар билан юзага келади. Айни пайтда, касбий одоб ахлоқий маданиятнинг энг юксак шаклларидан бири, унинг жамият ахлоқий ҳаётидаги ўрни юксак. Шу боис касбий одобга бафуржароқ тўхталиш жоиз.

Хар бир жамиятда муайян гурухлар борки, эгаллаган касблари уларни бошқа жамиятдошларига нисбатан имтиёзли даражага олиб чиқади. Кўпчилик жамият аъзоларининг ҳаёт-мамотлари, соғлиги, маънавий соғломлиги, хуқуқий ҳимояси, илмий салоҳиятининг намоён бўлиши каби омиллар ўшандай имтиёзли касб эгаларининг ўз касбий бурч масъулиятини қай даражада ҳис этишларига, ҳалоллик ва виждан юзасидан иш кўришларига боғлиқлиги ҳаммага маълум. Чунончи, табобат ходимини, жарроҳни олайлик. Дейлик, у хар бир операция кунида бир неча кишини ҳаётга қайтаради; юзлаб одамлар унинг ёрдамига муҳтож, унга умид ва ишонч илинжи билан қарайдилар. Борди-ю, шахсий манфаат йўлида жарроҳ ўз bemoriga хиёнат қилсанчи, яъни, уни қасдан ҳалок этса-чи? Ким уни шундай қилмаслигини кафолатлади? Ёки журналистни олайлик. У шахсий манфаати йўлида, касбининг камёблигидан фойдаланиб, бегуноҳ кишиларни маънавий азобга қўйиши, атайин жамият олдида шарманда қилиши ва шунинг хисобига ўзининг баъзи бир муаммоларини ҳал қилиб олиши мумкин эмасми? Мумкин. Зеро, то ҳақиқат юзага чиққунча, ноҳақ танқидга учраган шахснинг адои тамом бўлиши ҳеч гап эмас. Хўш, журналистнинг шундай қилмаслигини ким кафолатлади? Шу боис бошқаларнинг қўлидан келмайдиган ишларни бажара оладиганлар фаолиятида ўзбошимчалик, манфаатпарастлик, ҳудбинлик ва касбни сустеъмол қилиш сингари иллатларга йўл қўймаслик учун, шунингдек, улар ахлоқий даражасини юксак босқичда туришини таъминлаш мақсадида кўп ҳолларда ўзаро қоидалар мажмуи яратилган. Бу қоидалар мажмуи, одатда, қасамёд ёки меъёрлар кўринишини олган. Уни бузиш ўта одобсизлик ва ахлоқсизлик, ҳатто жамиятга хиёнат тарзида баҳоланади. Бундай қасамёллар жуда узоқ тарихга эга. Мисол тариқасида ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган қадимги Юнон Ҳакими ҳиппократ (милодгача V-IV асрлар) томонидан қисқа ва лўнда шаклда тузилган, табобат ходимлари касбий одоби, қонун-қодалари жамланган машҳур «Ҳиппократ қасами»ни келтириш мумкин.

Тарихда ўз душманини даволаган табиблар ҳам кўп учрайди. Чунончи, қадимги хинд эпоси «Рамаяна»да (II-аср) беҳуш ётган Лакшман бошида турган девлар шоҳининг хос табиби кечинмалари шу жиҳатдан муҳим. Табиб олдида икки йўл бор эди: бири - салтанат душманини муҳтож bemor сифатида даволаш, иккинчи йўл даволашдан бош тортиш билан уни ўлимга маҳкум этиш. Табиб узоқ мулоҳазадан сўнг, табиблик одоби қоидаларига бўйсунишни - Лакшманни даволашни афзал кўради. Зеро касбий одоб қонун-қоидалари талабига кўра, bemor тўшаги устидаги табиб учун дўст ёки душман деган тушунчалар ўз маъносини йўқотади, унинг қошида фақат тиббий ёрдамга интизор, шафқатга муҳтож, заиф инсон ётади. Даволаниб ҳаётга қайтган Лакшман девлар мамлакатининг тенгсиз буюк жангчиси ва салтанат валиаҳди Индиржидни жангда ҳалок этади ҳамда табиб фуқаро бўлган Ланка давлатининг таназзулига йўл очади. Лекин, китобхон табибли хиёнаткор ёки сотқин демайди, аксинча, унинг маънавий жасаратига, ҳалоллигига, касбий бурчига содиклигига ҳайрат билан тасаннолар ўқийди. Ёки машҳур рус олими академик Андрей Сахаровнинг тақдирини олайлик. Буюк назариётчи, физик, термоядро соҳасида тенги йўқ мутахассис, водород бомбасининг асосий кашфиётчisi, Ватан мудофаасини мустаҳкамлашдаги хизматлари учун ўнлаб орден ва медаллар соҳиби, икки марта Социалистик Мехнат қаҳрамони, обрўли, бадавлат бу инсонга нима етишмасди? Нега у ҳаммасидан кечишига - оммавий қирғин қуролларини, жумладан, ўзи яратган водород бомбаси синовларига очик баёнотлар билан қарши чиқишига аҳд килди. Натижада қатағонларга асосланган Шўролар тузуми уни илмий жамоатчиликдан ажратиб, пойтахтдан олисдаги Россия шаҳарларидан бирига бадарға қилди, унинг номини матбуотда ёки китобларда қайд этилишини таъкидлади. Ваҳоланки, у ҳаммадан иззатлироқ яшай олиши мумкин эди. Сахаров юксак ахлоқ

йўлини танлади - олимлик бурчи, одоби талабларини бажаришни ҳар қандай бойлик, иззатикромдан баланд қўйди. Буюк олим ўз кашфиёти инсоннинг энг олий ҳукуки бўлмиш - яшаш ҳукуқига раҳна солиши мумкинлиги ва қисман солаётгани учун уни амалда қўлланилишига қарши курашди. У шўролар мафкурасининг ўзини Ватан мудафааси қувватини сусайтиришга ҳаракат қилган салкам хиёнаткор фуқаро деб эълон этишига, бошига беҳисоб тухматлар, таънадашномлар ёғдиришига сабот билан чидади, аҳдидан қайтмади, ёвузлик салтанати қўлида ўз олимлик истеъодининг қўғирчоқ бўлишига, ҳарбий мурватга айланишига йўл қўймади. Охироқибатда у инсон ҳуқуқларининг жаҳон тан олган энг буюк ҳимоячиларидан бири сифатида бутун инсоният таҳсинига сазовор бўлди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Булардан ташқари, муаллимлик одоби, ҳуқуқ-тартибот ҳодимлари одоби, муҳандис одоби сингари бирқанча касбий одоб турлари борки, улар ҳам жамиятда ахлоқий муносабатлар силсиласида муҳим аҳамиятга эга. Шуни ҳам айтиш керакки, барча касбий одоб қонун-қоидаларининг таъсир доираси, миқёси бир хил эмас. Баъзи бир касбий одобнинг бузилиши оддий одобсизлик доирасидан чиқиб, ахлоқсизликка айланиб кетади. Масалан, раҳбарлик одобидаги баъзи нуқталарга тухталайлик. Раҳбар қуи лавозимдагиларга менсимай, қўпол муносабатда бўлиши, ўзига ишониб топширилган ҳудуд ёки ташкилотдаги оддий одамлар арzdодига, орзу-истакларига тўраларча совуқкон қараши одобсизликка кирса, унинг шахсий бойлик орттириши йўлида коррупция воситасида мамлакат, вилоят ёки ташкилот манфаатларини қурбон қилиши ахлоқсизлик, на факат раҳбарлик касбига балки Ватанга ҳам хиёнат тарзида баҳоланиши мумкин. Баъзан касбий одобни касбий ахлоқ деб аталиши ҳам шундан.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, касбий одоб муаммоси, баъзилар ўйлаганидек, ахлоқшуносликнинг майда масалаларидан эмас. Уни ҳар томонлама ўрганиш касбий эркинлик ва касбий бурч муносабатини тадқиқ этиш XXI аср ахлоқшунослигига муҳим ўрин эгалляяжак. Зоро касбий одоб шахс ва жамият ахлоқий ҳаётида ўзини амалий ахлоқ тарзида намоён этувчи маънавий ҳодиса сифатида баҳоланиши лозим.

9-мавзу: Шахс ахлоқий тарбияси

Режа:

1. Ахлоқий тарбия ва унинг инсонни шахс сифатида камолотга этишидаги ўрни
2. Экологик тарбиянинг ахлоқий асослари
3. Замонавий ахлоқий тарбиянинг асосий воситалари

Инсоннинг ахлоқий ҳаёти унинг ахлоқий тарбияси билан чамбарчас боғлиқ. Зоро ахлоқий тарбия инсоннинг шахс бўлиб этишувини таъминлайдиган узлуксиз жараёнларидан бири. Унда индивид ахлоқий қадриятларни англаб етади, ўзида ахлоқий фазилатларни баркарор этади, ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар асосида яшашга ўрганади. Ахлоқий тарбия инсоният тарихи мобайнида икки муҳим масалага жавоб излайди: булардан бири-қандай яшамоқ керак, иккинчиси - нима қилмоғ-у, нима қилмаслик лозим. Ана шу саволларга жавоб излаш жараёни ахлоқий тарбиянинг амалий кўренишидир.

Тарбия она қорнидан бошланади деган гап бор. Унинг асл маънosi, аввало, ота-онанинг ўзи ахлоқий тарбия кўрган бўлиши керак дегани. Зоро куш инида кўрганини қиласди: ота-она оиласда юксак ахлоқ намунасини қўрсатиши лозим.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, ахлоқийлик инсонда факат ахлоқий тарбия воситасидагина вужудга келади, деган моддиятчилик қарашлари кўп йиллар мобайнида

хукмронлик қилиб келди. Тўғри, ахлоқий тарбиянинг аҳамияти ниҳоятда катта. Лекин ахлоқийлик инсонга унинг инсонийлик белгиларидан энг муҳими сифатида ато этилган илоҳий неъмат. Шу маънавий неъмат - асосни ахлоқий тарбия ёрдамида такомиллаштирамиз. Акс ҳолда маймун ва итлардан ҳам ахлоқий мавжудот тарбиялаб етказишими мумкин бўлур эди.

Шундай қилиб, ахлоқий тарбия инсон фарзандини такомилга, комилликка етказиш йўлларидан бири. Унинг воситалари кўп. Уларнинг бир қисми анъанавий тарбия воситалари бўлса, яна бир қисми замонавий воситалар. Одатда, ҳар икки турдаги воситалардан фойдаланилади. Чунончи, мактабгача бўлган ахлоқий тарбияда эртак ва ривоятлар воситасидаги анъанавий тарбия билан ўйинчоқлар ва ўйинлар воситасидаги замонавий тарбия муваффақиятли қўлланилади; бунда боланинг қизғанчиқлик, ғирромлик қиласлика, ҳалол бўлишга ўйинлар ёрдамида даъват этилади. Болалар ахлоқий тарбиясида телевидение, радио, кўғирчоқ театри, кино санъати катта роль ўйнайди.

Умуман, ахлоқий тарбиянинг энг кучли воситаси-санъат. Бу восита аҳолининг барча табакасини, турли ёшдаги шахсларни қамраб олади. Айниқса, санъатнинг бадиий адабиёт тури кенг қамровли. Эртакдан тортиб, романгача бўлган жанрларда чоп этилган асарлар шахснинг ахлоқий шаклланишида улкан хизмат кўрсатадилар. Улар орқали китобхон тарбияланувчи сифатида эзгулик ва ёвузлик нималигини бадиий идрок этади; идеал танлашда ҳам уларнинг аҳамияти катта. Бундан ташқари, бадиий адабиётнинг бевосита ахлоқий тарбияга мўлжалланган ҳикоятлар, ривоятлар ва насиҳатлар мажмуалари борки, биз уларни, юқорида кўрганимиздек, пандномалар деб атаймиз: «Калила ва Димна», «қобуснома», «Гулистон», «Зарбулмасал» сингари бундай мумтоз асарлар анъанавий ахлоқий тарбия воситаси сифатида неча асрлардан буён қанчадан-қанча авлодларга хизмат қилиб келди, бундан буён ҳам шундай бўлиб қолажак.

Ахлоқий тарбиянинг барча замонлар учун долзарб бўлган йўли бу - намунавийлик тамойили. Оилада, аввало, юқорида айтилганидек, ота-она болага ахлоқий намуна бўлиши керак. Мактабда ва олий ўқув юртида муаллимларнинг таълим бериш усуllibаридан тортиб, то «майда-чўйда» хатти-ҳаракатларигача ўз шогирдлари томонидан шахсий намуна тарзида қабул қилинишини назардан қочирмаслик лозим. Устоз-шогирдлик муносабатларидаги муомала одоби, ҳалоллик, ростгўйлик ёшлар ахлоқий тарбиясининг шаклланишини таъминловчи омиллардандир.

Хозирги пайтда ахлоқий тарбиянинг энг кучли замонавий воситаси сифатида телевидениени келтириш мумкин. У деярли барча санъат турларида яратилган асарларни экранлаштириш ва экранда кўрсатиш имконига эга. Бундан ташқари, унда маҳсус ахлоқий тарбияга бағишлиланган мунтазам кўрсатувлар ҳам бериб борилади. Ўзбек тилидаги «Оталар сўзи-ақлнинг кўзи», «Ривоят», «Оқшом эртаклари» сингари кўрсатувлар бунга мисол бўла олади. Шу боис телевидение ҳеч қачон енгилтаклики тарғиб этувчи қўшиқлар, салкам порнографик рекламалар, инсон қалбини қатттиқлаштирадиган «ўлдир-ўлдир»лардан иборат видеофильмлар корхонаси бўлиб қолмаслиги керак.

Ахлоқий тарбиянинг ақлий-маънавий ва жисмоний тарбия билан қўшиб олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Ўшанда жамиятимиз ҳар жихатдан камол топган фуқаролик жамиятига айланади. Мамлакатимизда бунинг учун барча хукукий-ижтимоий шарт-шароитлар яратилган.

10-мавзу: Эстетика фанининг предмети, мақсад ва вазифалари

Режа:

1. Эстетика фанининг тадқиқот доираси ва мақсади
2. Эстетиканинг фалсафий фан сифатидаги моҳияти
3. Эстетиканинг бошқа фанлар билан ўзаро муносабати
4. Эстетиканинг амалий аҳамияти ва вазифалари

Эстетика ёхуд эстетика энг қадимги фанлардан бири. Унинг тарихи икки ярим-уч минг йиллик вақтни ўз ичига олади. Бироқ у ўзининг ҳозирги номини XVIII асрда олган. Унгача бу фанинг асосий муаммоси бўлмиш гўзаллик ва санъат ҳақидаги мулоҳазалар ҳар хил санъат

турларига бағишланған рисолаларда, фалсафа ҳамда илохиёт борасидаги асарларда ўз аксини топған эди. «Эстетика» атамасини биринчи бўлиб буюк олмон файласуфи Александр Баумгартен (1714—1762) илмий муомалага киритган. Бунда у бошқа бир улуғ олмон файласуфи Лейбниц (1646-1716) таълимотидан келиб чиқкан ҳолда муносабат билдирган эди. Лейбниц инсон маънавий оламини уч соҳага – ақл, ихтиёр, хиссиётга бўлади ва уларнинг ҳар бирини алоҳида фалсафий жиҳатдан ўрганиш лозимлигини таъкидлайди. Баумгартенгача ақлни ўрганадиган фан–мантиқ, ихтиёрни ўрганувчи фан эса-ахлоқшунослик (этика)ни фалсафада кўпдан буён ўз ўрни бор эди. Бироқ хиссиётни ўрганадиган фан фалсафий мақомдаги ўз номига эга эмасди. Баумгартеннинг бу борадаги хизмати шундаки, у «хис қилиш», «сезиш», «хис этиладиган» сингари маъноларни англатувчи юончча *aisthetikos*—“ойэстетикос” сўзидан «эстетика» (олмонча «estetik»- «эштетик») иборасини олиб, ана шу бўшлиқни тўлдирди. Баумгартен Эстетикани хиссий идрок этиш назарияси сифатида илгари сурди. Лекин, кўп ўтмай, у гоҳ «гўзаллик фалсафаси», гоҳ «санъат фалсафаси» сифатида талқин этила бошланди. Эстетика фанининг энг буюк назариётчиларидан бири Гегель эса ўз маърузаларининг кириш қисмида ёзади: «Эстетика» деган ном муваффақиятсиз чиққани ва юзаки экани сабабли бошқа атама қўллашга уринишлар бўлди. Сўзнинг ўз-ўзича бизни қизиқтирмаслигини назарда тутиб, биз «эстетика» номини сақлаб қолишга тайёрмиз, бунинг устига, у одатий нутққа сингишиб кетган. Шунга қарамай, бизнинг фанимиз мазмунига жавоб берадиган ибора, бу—“санъат фалсафаси” ёки яна ҳам аникроқ қилиб айтганда—“бадиий ижод фалсафаси”.

Гегельнинг «эстетика» атамасидан кўнгли тўлмаганлигига жиддий сабаблар бор. Булардан бири–юқорида унинг ўзи айтиб ўтган фикрлари бўлса, иккинчиси–мазкур сўзнинг барча хис-туйғуларга тааллуклилиги. Ваҳоланки, фанимиз фақат эстетикали хис туйғулар ва уларнинг зиддини назарда тутади. Айниқса, мана шу иккинчи сабабга кўра, «эстетика» атамасининг талабга жавоб бериши шубҳали. Бунинг устига аллақачон фанимизнинг тадқиқот доираси санъат ҳудудидан чиқиб, инсон ҳаётининг деярли барча соҳаларига ёйилиб кетган. Шу боис биз «Эстетика» атамасини илмий муомалага киритишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Зеро мазкур атамага асос бўлган «нафис», «нафислик», «эстетика» сўzlари ўз қамрови билан фанимиз талабига тўла жавоб бера олади. «Нафис» сўзи «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да гўзал, нозик, латиф, ёқимли, бадиий жиҳатдан жуда юксак маъноларида изоҳланади. Бундан ташқари «эстетика» («эштетик») сўзи олмонлардаги ёки руслардаги каби бизда кенг ёйилиб, ҳалқимиз нутқига сингишиб кетган эмас.

Энди фанимизнинг моҳиятини англатадиган «санъат фалсафаси» ва «гўзаллик фалсафаси» ибораларига тўхталашиб. Эстетика тарихида биринчи ибора тарафдорлари кўпчиликни ташкил этади. Лекин, юқорида айтиб ўтганимиздек, санъат фанимизнинг ягона тадқиқот обьекти эмас. Ҳозирги пайтда техника эстетикашунослиги ва унинг амалиётдаги соҳаси дизайн, атроф-мухитни гўзalлаштириш, табиатдаги эстетика борасидаги муаммолар билан ҳам бизнинг фанимиз шуғулланади. Шу боис унинг қамровини санъатнинг ўзи билангина чегаралаб қўйишга ҳаққимиз йўқ. Зеро бугунги кунда инсон ўзини ўраб турган барча нарса-ҳодисаларнинг гўзал бўлишини, ҳар қадамда эстетикани хис этишни истайди: биз тақиб юрган соат, биз кийган кийим, биз ҳайдаётган машина, биз учадиган тайёра, биз яшаётган уй, биз меҳнат қиладиган ишхона, биз юргизаётган дастгоҳ, биз ёзаётган қалам, биз дам оладиган томошабоғлар–ҳаммасидан нафис бир рух уфуриб туриши лозим.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқсан, демак, «гўзаллик фалсафаси» деган ибора фанимизга кўпроқ мос келади. Негаки, фанимиз фақат санъатдаги гўзалликни эмас, балки инсондаги, жамият ва табиатдаги гўзалликни ҳам ўрганади. Шунингдек, гўзалликдан бошқа улуғворлик, фожиавийлик, кулгилилик, мўъжизавийлик, уйғунлик, нозиклик сингари кўпдан-кўп тушунчалар мавжудки, уларни тадқиқ этиш ҳам Эстетика фанининг зиммасида. Лекин, бу ўринда, шуни унутмаслик керакки, мазкур тушунчаларнинг ҳар бирида гўзаллик, бир томондан, унсур сифатида иштирок этса, иккинчи томондан, уларнинг ўзи гўзалликка нисбатан унсур вазифасини ўтайди. Ана шу хусусиятларнинг воқеликда намоён бўлишини биз эстетика деб атаемиз.

Шундай қилиб, эстетика санъатни тўла қамраб олади ва унинг ич-ичига кириб боради: бадий асарнинг яратилиш арафасидаги шарт-шароитлардан тортиб, то у бунёдга келиб, асл эгаси-идрок этувчига етиб боргунигача бўлган ва ундан кейинги жараёнларни тадқиқ этади ҳамда улардан назарий хulosалар чиқаради. Зотан «Санъат фалсафаси» иборасининг сири ана шунда.

Эстетика-фалсафий фанлар таркибиға кирувчи маҳсус соҳа. Фалсафани эса, ўзингизга маълумки, фанлар подшоси деб аташади. Дарҳақиқат, у фанлар подшоси сифатида барча табиий ва ижтимоий илмлар эришган ютуқларни ўз қамровига олиб, улардан умумий хulosалар чиқариб, шулар асосида инсониятни ҳақиқат томон етаклайди. Шу боис тафаккурни фалсафанинг тадқиқот обьекти деб аташ мақсадга мувофиқ бўлади. Эстетика-фалсафий фан сифатида, барча санъатшунослик фанлари эришган ютуқлардан умумий хulosалар чиқариб, шу хulosалар асосида инсонни гўзаллик орқали ҳақиқатга етиштиришга хизмат қилади. Бундан ташқари Эстетика ишлаб чиқсан қонун-коидалар барча санъатшунослик фанлари учун умумийлик хусусиятига эга. Масалан, услугуб, ритм, композиция в. ҳ. борасидаги қонуниятлар барча санъат турларига тааллуқли. Ҳеч бир алоҳида санъат тури ҳақидаги фан бундай имтиёзга эга эмас. Масалан, адабиётшунослик ишлаб чиқсан қофия назариясини мусиқа ёки меъморлик санъатига тадбиқ этиб бўлмайди.

Эстетиканинг фалсафий моҳиятини яна унинг санъат асарига ёндошуvida кўриш мумкин. Маълумки ҳар бир санъатшунослик илми ўз тадқиқот обьектига уч томонлама-назарий, тарихий, танқидий жиҳатдан ёндошади. Масалан, адабиётшуносликни олайлик. Адабиёт назарияси фақат адабиётгагина хос бўлган бадий қонуниятларни, бадий қиёфа яратиш усули ва воситаларини ўрганади. Адабиёт тарихи муайян тарихий-бадий жараёнлар орқали бадий адабиётнинг ривожланиш қонуниятларини очиб беради. Адабий танқид эса адабий-бадий ижоднинг замонавий жараёнларини тадқиқ этади ва ҳар бир янги асарни баҳолайди, асар ижодкорининг ижодий ривожланишини кузатиб боради. Мусиқада ҳам, тасвирий санъатда ҳам ва ҳ. к санъат турларида шундай. Эстетикада эса тадқиқот обьектига ёндошув уч эмас, биргина-назарий жиҳатдан амалга оширилади: тарих ҳам, танқид ҳам назарияга бўйсундирилади. Тўғри, эстетика тарихи деган ибора ва шу номда курслар ўқитилади. Лекин бу ном, ибора-шартли тарзда кўлланилади. Ваҳолангки, у фаннинг тарихи эмас, балки тарихан даврларга бўлинган эстетика назарияларининг таҳлилидир.

Маълумки, санъат асарининг мавжуд бўлиши учун тўрт шарт-унсур албатта зарур. Булар: ижодкор-бадий асар-бадий асарни идрок этувчи-воситачи. Юқоридаги мисол нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак: ёзувчи-роман-китобхон-танқидчи. Адабиётшунослик буларнинг ҳар бирини одатда алоҳида-алоҳида ўрганади. Дейлик, ёзувчи Одил Ёкубов ижодий фаолияти ҳақида адабий портрет-алоҳида, унинг «Улуғбек хазинаси» романи тўғрисида тадқиқий мақола алоҳида, замонавий китобхоннинг диди, савияси ва талабларига бағишлиланган мулоҳаза-мақола алоҳида, «Улуғбек хазинаси» романига тақриз эса алоҳида ёзилиши мумкин. Эстетика фани ҳаммасини бирйўла, муайян тизим сифатида тадқиқ этади ва бу тадқиқот умумлаштирувчилик, назарийлик хусусиятига эга бўлади. Шундай қилиб, эстетиканинг фалсафий моҳиятини кўриб ўтдик. Энди унинг бошқа фанлар билан ўзаро муносабатларига тўхталамиз.

Эстетика қадим-қадимлардан кўпгина фанлар билан мустаҳкам алоқада ривожланиб келган. Шулардан бири бўлган фалсафа ҳақида, улар орасидаги боғлиқлик тўғрисида юқорида айтиб ўтдик. Эстетика учун яна бир алоқадор, «қадрдон» фан ахлоқшуносликдир. Бу иккала фан шу қадар бир-бирига яқинки, ҳатто баъзи даврларда улар етарли даражада ўзаро чегараланмаган. Чунки инсоннинг хатти-ҳаракати ва нияти кўпинча ҳам ахлоқийликка, ҳам эстетикага тегишли бўлади. Яъни муайян ижобий фаолият ҳам эзгулик, ҳам эстетика хусусиятларини ўзида бирваракай мужассам қилади. Шу сабабли «Авесто», «Библия» ва «Куръон» каби муқаддас китобларда, Сукрот, Афлотун, Форобий сингари қадимги файласуфлар таълимотларида ахлоқийликни-ички гўзаллик, эстетикани-ташқи гўзаллик тарзида талкин этгандар. Бундан ташқари, кўриб ўтганимиздек, санъат Эстетиканинг асосий тадқиқот обьектларидан ҳисобланади. Ҳар бир санъат асарида эса ахлоқнинг долзарб муаммолари кўтарилади ва ижодкор энг юксак ахлоқий даражани бадий қиёфалар орқали инъикос

эттиради. Бу инъикос бевосита ижобий қаҳрамонлар қиёфасида амалга ошса, билвосита салбий воқеа-ходисаларга муаллиф нуқтаи назари орқали рўй бериши мумкин. Яъни бирор бир бадий асарда ижобий қаҳрамонлар, умуман, бўлмайди, лекин ундаги воқеа-ходисаларга ижодкор ўз замонаси эришган ахлоқий юксакликдан туриб баҳо беради. Шу боис мутлақо ахлоқсиз тарздаги бадий асарнинг бўлиши мумкин эмас. Демак, Эстетика ўрганаётган ҳар бир бадий асар маълум маънода ахлоқшунослик нуқтаи назаридан ҳам тадқиқ этилаётган бўлади. Бироқ, бундай яқинлик, юқорида айтганимиздек, асло айнанликни англатмайди. Бу иккала фаннинг тадқиқот обьектлари орасидаги фарқни биринчи бўлиб буюк Арасту назарий жиҳатдан исботлаб берган эди; у, эзгулик фақат ҳаракатда, гўзаллик эса, ҳаракатсиз ҳам намоён бўлади, деган фикрни билдиради. Дарҳақиқат, ахлоқийлик фақат инсоннинг хатти-ҳаракати, қилмиши орқали юзага келади; одам токи ҳаракатсиз экан, биз унинг на яхшилигини, на ёмонлигини биламиз; муаяйн хатти-ҳаракат содир қилинганидан кейингина биз уни ё эзгулик, ё ёвузлик, ё яхшилик, ё ёмонлик сифатида баҳолаймиз. Гўзаллик эса, ўзини ҳаракатсиз ҳам намоён этаверади. Олайлик, Кўкалдош мадрасаси. У ҳеч қачон ҳаракат қилмайди, лекин гўзаллик сифатида мавжуд, ҳаракатсизлигидан унинг гўзаллигига путур етмайди. Бундан ташқари, ахлоқнинг қонун-қоидалари, насиҳатлар, ҳикматлар умумийликка, барчага бир хилда тааллуқлик хусусиятига эга. Эстетика эса муайянликни, аниқликни ёқтиради. Масалан, ахлоқшуносликдаги «яхши одам» тушунчаси ҳаммага-аёлга ҳам, эркакка ҳам, ёшу-қарига ҳам тегишли бўлиши мумкин. Эстетикада эса, «гўзал одам» тушунчаси йўқ; ё «гўзал йигит», ё «гўзал қиз» деган тушунчаларгина мавжуд. Шунингдек, гўзаллик бир вужудда ҳам фақат ўз ўрнини талаб қиласиган «ўта инжиқлик» хусусиятига эга. Шу жойда олмон эстетикашуни Фехнер қўллаган мисолни келтириш ўринлидир. Унинг фикрича қиз боланинг юзидағи қизиллик унинг гўзаллигидан далолат беради. Бироқ, қизиллик унинг бурун устига кўчсан-хунукликка айланади. Демак, ахлоқ учун-умумийлик, эстетика учун эса-муайянлик, мавжудлик шарти ҳисобланади. Эстетика руҳшунослик (психология) билан ҳам мустаҳкам алоқада. Маълумки, инсоннинг руҳий ҳаётини ўрганар экан, руҳшунослик, ҳиссиётлар масаласига катта ўрин беради. Гўзалликни, санъат асарини яратиш ва идрок этиш ҳам, маълум маънода ҳиссиётлар билан боғлиқ. Масалан, оддий ҳарсанг тош кишида алоҳида бир ҳиссий таассурот уйғотмайди. Лекин тошга ҳайкалтарош қўл урганидан сўнг, ундан ҳаёт нафаси, инсоний ҳиссиётлар уфуриб туради. Гап бунда тошга одам қиёфаси берилганида эмас, балки шу қиёфага бир лаҳзалик инсоний туйғуларнинг жамланганидадир; бошқачароқ қилиб айтганда, ижодкор тошга ўзи томошабинга етказишини мақсад қилиб қўйган ҳиссиётларнинг суратини чизади ва оддий тошни ҳақиқий санъат асарига айлантиради. Агар ижодкор-ҳайкалтарош ана шу ҳиссиётларни ўзи мўлжаллаган даражада томошабинга етказа олса ва томошабинда ўша ҳиссиётларга ё айнан, ё монанд туйғулар уйғота олса, мазкур ҳайкал ҳақиқий санъат асари ҳисобланади. Эстетика ҳайкалтарошдан ҳайкалга, ҳайкалдан томошабинга ўша ҳиссиётларнинг қай даражада ўтган-ўтмаганлигини, яъни, бадий қиёфа қанчалик пухта яратилганлигини ўрганади ва шу асосда асарни баҳолайди. Руҳшунослик эса ана шу ҳиссиётларнинг ўзини ўрганади. Бундан ташқари руҳшунослик асар гоясидан тортиб, то бадий асар-эстетикали қадрият вужудга келгунга қадар бўлган ижодкорнинг ҳиссиётлар оламини ўрганади. Албатта, бу ўрганишлар алоҳида-aloҳида, муҳтор холда эмас, балки иккала фаннинг бир-бири билан ҳамкорлиги, бирининг иккинчиси ҳудудига ўтиб туриши воситасида рўй беради. Шу боис руҳшуносликка ҳам, Эстетикака ҳам тенг алоқадор бўлган санъат руҳшунослиги ва бадий ижод руҳшунослиги деб аталган йўналишлар мавжуд.

Шунингдек, Эстетиканинг социология (ижтимоийшунослик) билан алоқадорлиги ҳам муҳим. Маълумки, ҳар бир санъат асари алоҳида инсон шахсига эътибор қилгани холда, жамиятни ижтимоий муносабатлар тизими сифатида бадий тадқиқ қиласиди. Ҳатто инсон ва жамият бевосита акс этмаган манзара жанридаги асарда ҳам, ижтимоийлик жамият аъзоси-муаллиф қарашларининг билвосита инъикоси бўлмиш услубда ўзини кўрсатади. Зоро асар муаллифи ҳеч қачон ўзи мансуб жамиятдан четда «томушабин» бўлиб туролмайди. Чунончи, йирик асарлар социологик тадқиқотлар учун ўзига хос материал бўлиб ҳизмат қиласиди. Бундан ташқари, социология жамият билан санъатнинг ўзаро алоқаларини, санъатнинг ижтимоий

вазифаларини ўрганади; санъаткорнинг жамиятдаги ўрни, мавқеи, ўқувчи ва томошабинларнинг ижтимоий демографик ҳолатларини тадқиқ этади; шахс ижтимоийлашувидаги санъаткор ва санъат асарининг аҳамиятини таҳлил қиласи. Бу муаммоларни атрофлича ўрганиш учун маҳсус санъат социологияси соҳаси ҳам мавжуд. У ҳам ижтимоийшуносликка, ҳам Эстетикака бирдай тегишилдири. Айни замонда, муайян санъат асарлари, жанрлари ва турларининг жамиятдаги мавқеини аниқлаб берувчи маҳсус социологик сўров усуслари ҳам мавжудки, улар шубҳасиз, санъат тараққиётига, Эстетиканинг санъат соҳасида тўғри йўналиш танлашига кўмаклашади.

Эстетиканинг диншунослик билан алоқаси алоҳида диққатга сазовор. Чунки дин ва санъат доимо бир-бирини тўлдириб келади ва кўп ҳолларда бири бошқаси учун яшаш шарти бўлиб майдонга чиқади. Бунинг устига, ҳар бир умумжаҳоний диннинг «ўз тасарруфидаги» санъат турлари бор: буддавийчилик учун-ҳайкалтарошлиқ, насронийлик учун-тасвирий санъат, мусулмончилик учун-бадиий адабиёт. Шунингдек, барча умумжаҳоний динлар ўз ибодатхоналарини тақазо этади. Ибодатхоналарнинг эса меъморлик санъати билан боғлиқлиги ҳаммамизга маълум. Умуман олганда, динлар деярли барча санъат турлари билан алоқадорликда иш кўради. Асрлар мобайнида, ана шу алоқалар натижаси ўлароқ, санъат асарининг ўзига хос кўриниши-диний-бадиий асар вужудга келди. «Абу Муслим жангномаси», Шоҳизинда меъморлик мажмуидаги иншоотлар, Кёлн жомеси, Рембрандтнинг «Муқаддас оила» асари, Хинди-Хитой минтақасидаги Будда ибодатхоналари ана шундай диний-бадиий асарлардир. Уларда диний ғоялар бадиият орқали ифода топган. Эстетика бундай асарларни тадқиқ этар экан, албатта, диншунослик билан ҳамкорлик қилмай иложи йўқ: у ўша диний ғояларнинг моҳиятини, ҳар бир умумжаҳоний диннинг санъат олдига кўйган талабларини яхши билмоғи ва ҳисобга олмоғи лозим.

Эстетиканинг педагогика билан алоқасини биз тарбия муаммоларини ҳал қилишда кўрамиз. Чунки педагогика ҳам маълум маънода эстетика тарбияси билан шуғулланади. Лекин бу тарбия алоҳида-алоҳида, мустақил қисмларга бўлинган ҳолда, турли ёш ва соҳалар учун маҳсус белгиланган тарбия тарзида, яъни муайян, аниқ чегараларда олиб борилади. Масалан, мактабгача тарбия, ўқувчилар тарбияси, спортчилар тарбияси в.х. Педагогика ана шу соҳа ва ёшлар бўйича олиб борилаётган эстетикиали тарбия муаммоларини ўрганади. Эстетика эса эстетика тарбиясининг умумий қонун-қоидаларини ишлаб чиқади, яъни, инсон туғилганидан бошлаб то ўлгунигача босиб ўтадиган босқичлар учун умумий бўлган тарбия фалсафаси сифатида иш кўради. Демак, рус эстетикашуни М. Каган айтганидек, педагогика тарбия борасида тактик табиатга эга бўлса, Эстетика унинг стратегиясидир.

Шунингдек, Эстетика семиотика-белгилар ва белгилар тизими ҳақидаги фан билан ҳам алоқадор. Чунки санъат асари белгилар орқали намоён бўлади. Масалан, ҳарфлар, ноталар в.х. Бошқачароқ қилиб айтганда, билиш ва баҳолаш фаолияти натижаларини, яъни семантик ва прагматик аҳборотни ўзида мужассам қилган санъат асари ўша аҳборотни етказиб беришга ҳам мўлжалланган. Ана шу санъатнинг белги билан боғлиқ томонини, коммуникатив-воситачилик жиҳатини семиотика ўрганади. Айни пайтда, фанимизда тузилмали-семиотик Эстетика деб аталган назария ҳам мавжуд. Унда санъат маҳсус тил ёки белгилар тизими, алоҳида санъат асари эса ана шу тизим белгиси ёки ўша тизим белгиларининг изчиллиги сифатида олиб қаралади. Зеро бунда белги санъат асарини идрок этувчига етказиб берувчи ҳодиса тарзида ўрганилади.

Бундан ташқари, Эстетика кибернетика, экология ва юқорида айтиб ўтганимиздек, барча санъатшунослик фанлари билан ҳам яқин алоқадорликда иш олиб боради. Ҳар бир фаннинг инсон ва жамият ҳаётида ўзига хос амалий аҳамияти бор. Эстетика ҳам бундан мустасно эмас. Фанимиз, аввало, кундалик ҳаётимизда эстетика тарбиясини тўғри йўлга қўйиш борасида катта аҳамиятга эга. Эркин, демократик жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси гўзалликни чукур хис этадиган, уни асрайдиган нафис дид эгалари бўлишлари лозим; ҳақиқий бадиий асар билан савияси паст асарни фарқлай билишлари, «оммавийчилик санъати»ни рад кила олишлари лозим. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, Эстетика жамиятнинг барча аъзолари учун муҳим аҳамиятга эга.

Эстетиканинг, айниқса, бадиий асар ижодкорлари учун амалий аҳамияти катта. Чунончи, бирор бир санъат турида ижод қилаётган санъаткор биринчি галда, маълум маънода, ўз соҳасининг билимдони бўлиши керак. Дейлик, бастакор нотани билмасдан, мусиқали асар яратиш қонун-қоидаларини, шу жумладан, мусиқага ҳам тааллукли бўлган Эстетиканинг умумий қонуниятларидан беҳабар холда тузукроқ асар яратиши даргумон. Баъзиларда даҳо санъаткорлар қонун-қоидаларсиз ҳам ижод қиласверадилар, деган нотўғри тасаввур пайдо бўлган.

Бадиий асарни тадқиқ этувчи олимлар, танқидчилар-санъатшунослар ва адабиётшунослар учун ҳам Эстетикани билиш зарур. Дейлик, «соф театр» - факат саҳна санъатинигина яхши билган санъатшунос у қанчалик истеъдодли бўлмасин, юксак талаб даражасида тадқиқот олиб боролмайди, ҳатто эътиборга молик мақола ҳам ёза олмайди. Чунончи, у драматургиядан, мусиқадан, услугуб ва композиция қонун-қоидаларидан, бир сўз билан айтганда, Эстетика қонуниятларидан ҳабардор эмас. Натижада унинг тадқиқоти, мақоласи ёки тақризи бирёқлама, фалсафий умумлашмалардан холи, жўн ва саёз жумлалар ийиндисидан иборат бўлиб қолади.

Эстетиканинг санъатни халқ орасида ёядиган, тарғиб этадиган ташкилотлар раҳбарлари учун аҳамияти, айниқса, муҳим. Бордию маънавият ва мафкура соҳаларига матасадди раҳбарлар Эстетикадан беҳабар бўлсалар, Худо урди деяверинг. Ўша вилоят, туман, шаҳар ёки ташкилотларда юзаки қараганда кулгили, латифанамо, аслида эса санъат учун фожиали ҳолатлар юзага келади.

Дизайничи-инженерлар, атроф-муҳитни ободонлаштириш билан шуғулланадиган мутахассислар фаолиятига эстетика илмининг сезиларли таъсири мавжуд. Шунингдек, корхона раҳбарлари, цех бошликлари мазкур корхона ёки цехда дастгоҳлар дизайнidan тортиб, деворлар ранглари-ю, «ички гулзор»ларнинг жойлаштирилишигача эстетика қонун-қоидалари асосида бўлишини таъминлашлари лозим Зоро ўшандагина иш жойида меҳнат унумдорлигининг ошиши табиий. Бунинг учун эса мазкур раҳбарлар Эстетикадан албатта ҳабардор бўлишлари шарт.

Умуман олганда, Эстетика ҳамма учун ҳам зарур. Чунки инсон зоти бари-бир, ҳаётда тез-тез санъат асарини идрок этувчи сифатида майдонга чиқади. Дейлик, сиз Самарқандга «саёҳат қилиб келгани» бордингиз. Агар Эстетикадан беҳабар бўлсангиз, Гўри Мир мақбарасиниг гумбазига, Регистондаги мадрасалар ёнида қад кўтарган минораларга, пештоқларидаги кўхна арабий ёзувларга қизиқиб қараймиз, чиройли экан деб мамнунийт ҳосил қиласиз. Борди-ю, аксинча, эстетика илмидан ҳабардор бўлсангиз, у холда на фақат уларнинг чиройлилигини, балки гумбаз шунчаки гумбаз эмас, Худо гўзаллигининг рамзи эканини, «жамол» деб аталишини, миноралар-Тангри қудратининг тимсоли ўлароқ «жалол» дейилишини, пештоқлардаги гўзал ёзувлар-оятлар, Худонинг белгиси «сифат» деб номланишини эслайсиз ва олаётган таассуротингиз бир неча баробар кучаяди. Зоро Эстетика орқали биз фақатгина кўрганларимизнинг шаклий гўзаллигини эмас, балки айни пайтда шакл билан бирга унинг фалсафий моҳиятини ҳам идрок этамиз. Шу сабабли, фермерга ёки темир йўл ишчисига, ёки тижоратчи-тадбиркорга Эстетика ҳақида бош қотириб ўтириш зарур келибдими, деган гаплар хато ва заарлидир.

Юқорида кўриб ўтганларимиздан шу нарса маълум бўладики, бугунги кун Эстетика фани олдида улкан вазифалар турибди. Зотан биз кураётган фукаролик жамияти аъзоси ҳар жиҳатдан камол топган, юксак нафис дид эгаси бўлмоғи лозим. Қолаверса, хозирги машинасозликни, авиасозликни, умуман, саноатни замонавий дизайнисиз тасаввур этиш мутлақо мумкин эмас. Бунда бевосита техника эстетикашунослигининг аҳамияти катта. Бунлардан ташқари, айниқса ёшларнинг эстетика тарбиясига алоҳида эътибор бериш-замоннинг долзарб талаби бўлиб бормоқда. Шу боис «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш тамойилларидан бири: «Таълимнинг ижтимоийлашуви-таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш», деб аниқ белгилаб қўйилгани бежиз эмас.

11-мавзу: Эстетиканинг мезоний тушунчалари

Режа:

- 1. Эстетиканинг мезоний тушунчалари:**
 - а) гўзаллик**
 - б) улугворлик**
 - в) фожиалилилк ва қулгилилилк**
- 2. Эстетик фаолият ва эстетик онг тушунчалари**
- 3. Мезоний тушунчаларнинг инсон ҳаётидаги ўрни**

Гўзаллик- Эстетиканинг асосий тушунчаси. Зоро, гўзаллик- эстетика оламининг мағзи, бош хоссаси, моҳияти, асосини ташкил қиласи. Шунинг учун бўлса керак, эстетика, гўзаллик фалсафаси тарзида ҳам талқин этиб келинади. Гўзаллик муаммосига мурожаат этган барча мутафаккирлар гўзаллик ҳақида фикр юритиб ва уни тадқиқ қилиш ниҳоят даражада машаққатли масала эканлигини доимо таъкидлайди. Мазкур қийинчилик, биринчи навбатда, гўзаллик тушунчасининг ўзаро ҳеч бир умумийлиги бўлмаган турли-туман ҳодисаларнинг кенг доирасига тааллуқлилиги билан боғлиқдир. Гўзал бўлган, яъни бизда ижобий туйғу қўзғатган нарсани қўрсатиб бериш нисбатан анча осон. Лекин нима учун мазкур нарса гўзал эканлигини тушунтириб бериш анча мушкул. Худди шу тарзда гўзаллик муаммосига фалсафий ёндошиш тарихан шаклланган.

Гўзаллик - бу воқелик (табиат, жамият, санъат) ҳодисаси бўлиб, аниқ ҳиссий таъсир ўтказиш орқали инсонда жисмоний ва маънавий кучлар оқимининг кўпайишига, шодлик, завқланиш, тўла маънавий қониқиш ҳолати вужудга келишига имкон яратади. Гўзаллик доимо фойдалидир, лекин бу фойдалилик жамият тараққёти учун хизмат қилишга мўлжалланган бўлади. Ва ниҳоят, гўзаллик, Шиллернинг ўринли ибораси билан айтганда, инсон озодлигининг рамзи сифатида ифода топади. Мустақил Республика изда эркин маънавиятли шахс тарбияси мухим вазифага айланган тархий бир шароитда алоҳида аҳамият касб этади. Гўзаллик чексиз хилма-хилликка эга бўлади. Табиатдаги гўзаллик ижтимоий ҳаёт гўзаллигидан, фойдали амалий фаолиятидаги гўзаллик бадиий ижоддаги гўзаллиқдан фарқ қиласи. Лекин гўзаллик қанчалик ўзининг ранго-ранглиги билан ажralиб турмасин, уларнинг барчаси қандайдир умумий туб белгиларга эга бўлиб, мана шу умумий туб белгилар туфайли уларнинг барчасини маҳсус илмий-фалсафий истилоҳ-гўзаллик тушунчаси орқали талқин этиш имконияти мавжуд.

Санъатда илғор эстетик орзунинг бўлиши санъат гўзаллиги билан боғлиқ зарурий, лекин ягона бўлмаган омилдир. Санъат гўзаллиги унинг ҳаққонийлигидан ажralмаган ҳолда қарор топади. Бадиий ҳақиқатсиз санъатда гўзаллик бўлиши мумкин эмас. Ҳақиқат ва гўзаллик бирлиги санъат тараққиётининг қонуниятларидан биридир. Мазкур қоидани нозик фаҳмлаш, ифода қиласи экан, Шекспир ўзининг сонетларидан бирида: «Гўзаллик қимматли ҳақиқат билан якунланиб, юз чандон гўзаллик кашф этади», — деб ёзган эди. Гўзалликни ҳаёт ҳақиқатидан ажратиб ташлашга ҳар қандай уриниш санъатга ҳалокатли таъсир қилиб, унинг фаол, ўзгарувчан аҳамиятини пасайтиради. Санъатдаги гўзалликни ҳақли равишда шаклли ва мазмуний бирлиги билан боғлаб мушоҳада этадилар. Камолотга, гўзалликка интилиш кўп жиҳатлардан энг мувофиқ шаклини излаб топиш билан боғлиқ бўлиб, бу шакл яратилмиш нарсанинг мазмунига мос келишини тақозо этади. Гўзаллик конунлари бўйича яратиш мутаносиб шакл излаб топишни ўз ичига олади.

Шаклнинг мазмунга мос келиши санъатдаги гўзалликнинг мезони эканлиги ҳақидаги қоидага баъзи бир аниқликлар киритишимиш бу ерда ўринлидир. Масала қандай мазмун ҳақида гап бораётганлигидадир. Ёлғон, заарали, ғоявий бузук мазмун ўзига яраша ифода топади, лекин бунинг натижасида санъат асари гўзаллигининг мезонларидан бири сифатида қараш мумкин бўладики, агар гап ижтимоий аҳамиятли, ғоявий, илғор, ҳаёт ҳақиқатига эга мазмун ҳақида борса ҳамда унга мувофиқ, баркамол шаклда бу мазмун ифодаланса.

Юқорида баён қилинган фикр-мулоҳазалардан хулоса ясад шуни айтиш мумкинки, санъатдаги гўзалик, унинг камолот даражаси кўп томонли, мураккаб тизим бирлигини англатиб, унинг таркибий қисмлари сифатида тасвир обьектиning гўзалиги, эстетик орзунинг ҳаққонийлиги ва илғорлиги, воқеликни билишнинг ҳақиқий ва чуқур мазмундор эканлиги, бадиий маҳоратнинг юксаклиги намоён бўлади. Мазкур омиллар орасида эстетик орзу ўзининг ҳаққонийлиги, демократиклиги, инсонийлиги билан белгиловчи, система ташкил этувчи аҳамиятга моликдир.

Улуғворлик-эстетикали ва аҳлоқий мезонлар билан боғланиб, ниҳоят даражада яққол ва бевосита амал қиладиган эстетикали мезоний тушунчани ташкил этади. Улуғворлик кўлами гўзалик кўламидек чексиз ва бениҳоя. Улуғворлик табиатда, жамиятда, инсон ишларида, унинг фаолият маҳсулотларида жамлангандир. Улуғворлик белгисига эга бўлган барча нарсаларнинг, ҳодисаларнинг ҳаммасига ҳос бўлган умумийлик-уларнинг меъёрий баркамоллиги, шу қадарки, ундан ташқарида меъёр қонуни бузилиши мумкин.

Улуғворлик категорияси одамлар учун алоҳида аҳамиятли ҳодисалар сирасига киради. Бундай ҳодисалар моҳияттан шу қадар кенг кўламлики, улар ижтимиой тараққиётнинг маълум босқичида тўла ўзлаштирилиши мумкин бўлмайди, шунинг учун одамларни фаол ҳаракатга, ўzlаридаги ижодий имкониятларни ишга доимо рағбатлантиради.

Табиатда улуғворлик баланд тоғлар, қудратли шаршаралар, чексиз океанлар, мовий мавж ураётган дengизлар, тубсиз осмон ва х. к. тимсолида намоён бўлади. Бу ердаги умумийлик-улардаги кенгкўлам, улканлик, буюклиқ, туганмасликдир. Табиатдаги улуғворлик инсонда ўзидағи заифлик эмас, балки табиат билан қўшилиб кетишига интилиш хиссини уйғотади. Улуғворлик хисси ўз-ўзидан эстетикали мазмунга эга бўлмаган қувонч, ҳайратланиш, эҳтиром, тан бериш туйғуларини ўз ичига қамраб олади. Буларга баъзида қўркув ҳам қўшилади, лекин у инсонни камситмайди. Балки тўсиқларни енгиги ўтишга туртки беради.

Улуғворлик хисси умуминсоний, умумий белгилари билан бирга ижтимиой шартланган, аниқ-тарихий табиатга ҳам молик бўлади. Улуғворликка, ижтимиой ҳаётга, тарихий тараққиётга алоҳида таъсир ўтказувчи ҳодисалар ва жараёнлар ҳам киритилиши мумкин. Ижтимиой ҳаётда улуғворлик билан қаҳрамонлик, мардлик шу қадар коришиб кетадики, уларни алоҳида-алоҳида мушоҳада этиш улуғворликнинг асосий мазмунидан маҳрум қилиб қўйиш билан баробар бўлар эди. Қаҳрамонликда улуғворликка ҳос эстетик ва аҳлоқий бирлик айниқса тўла ва бевосита намоён бўлади. Ҳалқ фидоийлари, элу-юрг жонкуярларининг қиёфалари бир вақтнинг ўзида ҳам улуғвор, ҳам мардона намоён бўлади.

Ақлу қаҳрамонлик кўпчилик омма тушунчасида одатдан ташқари ноёб, нодир, кам учрайдиган ҳодисалар, лекин у қундалик ҳаётда, оддий шароитда энг содда, ҳамма амал қиладиган аҳлоқий қоидалар доирасида ҳам содир бўлиши мумкинлигининг ўзи улуғвор аҳамият касб этади. Бу хақда жаҳон санъати тарихида биринчи бўлиб, А.П. Чехов айтган ва ёзган эди. Чехов орзусидаги қаҳрамонлик, мардлик-улуғворликни қундалик ҳалол меҳнатда, аҳлоқий ақидаларга доимий тарзда амал қилишида ўз қадрини топади.

Улуғворлик меъморчилиқда алоҳида аҳамият касб этади. Миср пирамидалари, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидағи меъморчилик обидалари, юононларнинг Парфенони, римликларнинг Колизей, ўрта аср готик бош черковлари, рус черков меъморчилигининг энг яхши намуналари, Rossi, Растрелли каби меъморлар яратган гўзал бинолари, ўзларининг салобати, улуғворлиги билан кишини ҳайратда қолдиради.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, улуғворлик туйғусига фақат миқёс ўлчови билан эришилмайди. Агар айрим обидалар (Бобил минораси, Минораи Калон, Миср пирамидалари ва х. к.) ўзларининг миқёслари кўлами билан ҳайрон қолдирсалар, бошқалари эса ўзининг алоҳида нағислиги, нозик ифодаси, ҳамоҳанглиги, юксак руҳланганлиги, атроф-муҳит билан узвий қўшилиб кетганлиги билан алоҳида аҳамият касб этган. Гўри амир, Шоҳизинда, Иchan Қалъа, Регистон майдони, Мир Араб мадрасаси, Исмоил Сомоний мақбараси, Чор Минор, Бола ҳовуз масчити ва б. меъморчилик асарлари идрок этилганда инсонда ўзгача улуғворлик туйғуси вужудга келади.

Санъатда улуғворлик фожеалилил билан кўпинча ёнма-ён туради ва намоён бўлади, сирасини айтганда, бу икки эстетик категория ўртасида ўзига хос диалектик алоқадорлик мавжуд бўлиб, унда умумийлик ва фарқли томонлари ҳам бордир. Навоий ва Шекспир асарлари, шошмақом гўзал меъморчилик обидалари бир вактнинг ўзида ҳам улуғворлик, ҳам фожеалилил рухи билан суғорилгандир. Бундан, албатта фожеалилил-улуғворлик, улуғворлик-фожеалилилдири деган хулоса чиқариб бўлмайди. Масалан, Самарқанднинг Регистон майдонидаги мадрасалар, шубҳасиз, улуғвор бўлишлари билан бирга ҳеч қандай фожеали ҳис қўзғатмайдилар. Шекспирнинг Макбет хоним қиёфаси фожеали, лекин у ҳеч ҳам томошибинда улуғворлик туйғуси туғдирмайди. Санъатдаги улуғворлик бадиий мазмун ва шакл барча имкониятлари воситасида ифодаланади, лекин бунда ҳал қилувчи ролни ғоя ўйнайди. Мухим аҳамиятли ғоя юксак руҳланган, мукаммал шаклнинг зарурлигини юзага келтириб, санъат асарининг буюклик даражасини белгилаб беради. Бу ҳолат ҳаётий ҳақиқатни очишга эмас, унга хизмат қилишга даъват этади.

Фожеалилил муаммоси ҳар доим фалсафий ва эстетикали тафаккур эътиборини ўзига жалб қилиб келган. Фожеалилил табиати тўғрисида фикр-мулоҳаза билдирамаган бирор бир мутафаккирни топиш амри маҳол бўлса керак, чунки фожеалилилда воқеий ҳаётнинг энг муҳим, чукур зиддиятлари ва тўқнашувлари ҳаёт ва ўлим, озодлик ва зарурат, ақл ва туйғу, қонун ва бурч, шахсий ва ижтимоий томонлари намоён бўлади.

Кулгилилил инсоннинг дунё воқеа-ҳодисаларига ўзига хос муносабатларидан бири-дунёга кулгили нигоҳ билан қарашдир. Бундай қарашни мавжуд воқелик ва унинг беўхшов томонлари тўлдиради. Барча тадқиқотчилар бир овоздан кулгилилил категориясининг мураккаблиги ва уни тушунчалар системасини англаб, инъикос этиш жуда қийинлигидан нолийдилар ва огохлантирадилар. Масала шундаки, кулги қўзғайдиган ҳодисаларнинг бениҳоят кўплиги, энг муҳими, кулгилилил кўлами ҳамда чегарасининг ўта ҳаракатчан, қўнимсиз, ўзгарувчан бўлиши натижасида нима, қачон, қаерда, қандай шароитда кулги қўзғайдиу, нима, қачон, қаерда, қандай шароитда кулгини тўхтатади ёки умуман гулгига олиб келмайди деган саволга бир мазмунда жавоб топиб бўлмайди. Кулгилилил таърифига, илмий тушунчасига нисбатан ишлаб чиқилган нуқтаи назарлар, фикр-мулоҳазаларнинг ўта хилма-хиллиги, рангор-ранглиги шундан келиб чиққандир. Кулгилилилкка нисбатан мавжуд бўлган қарашларнинг хилма-хиллиги, табиийки, нафақат нарса, ҳодиса билан боғланибгина қолмай, балки унинг ижтимоий алоқадорлиги, гўзаллик ва кулгилилил тушунчаларининг у ёки бу талқини билан боғланганлигидир.

Кулгилилил тушунчаси талқинининг ҳар бири одатдагидек ўзининг аниқ, оқил мағзига эга бўлади, кулгилилилкка ҳақиқатда ҳам хос бўлган баъзи томонларини очиб беради, лекин шу билан бирга бир томонламалик касалига учраб, кулгилилилкнинг қандайдир бир томонинни бўрттириб, хаддан ташқари ошириб юборадида кейин уни кулгилилилкнинг мутлоқ қоидасига айлантиришади.

Кулгилилилк бошқа эстетикали ҳодисалар сингари фақат объектив томонга эга бўлмай, субъектив томонларни ҳам ўзида бирлаштиради. Кулгилилилкнинг субъектив томони-кенг маънодаги ҳазил (юмор) туйғусидир. (Мольер ҳазил туйғусини инсонни ҳайвондан ажратиб турдиган хусусияти деб атаган эди.) Кулгилилилкнинг субъектив томони бўлган ҳазил туйғуси шахснинг табиий ва эркин, бевосита идрок этиш натижасида хилма-хил кулгили беўхшовликларни кўриб, англаб, уларга кулги билан жавоб бериш қобилияти ифодасидир. Ҳазил туйғуси жуда мураккаб ақлий туйғу бўлиб, унда шахс ўзининг бутун борлифи билан намоён бўлади, унинг ҳис-туйғу ва ақл маданияти, орзу-умидлари матни ва табиати намойиш этилади. Халқ орасида кенг тарқалган: «Дўстларинг кимлигини менга айтсанг, сенинг кимлигингни мен айтиб бераман» нақлига қиёс қилиб, бу ерда биз ҳам: «Нима ҳақда кулаётганингни менга айтсанг, сенинг кимлигингни мен айтаман» дейишимиз мумкин бўлар эди.

Эстетикали англаш ижтимоий онгнинг маҳсус шакли сифатида эстетикали фаолият билан узвий боғлиқ бўлиб, эстетикали фаолият жараёнида шаклланади ва қарор топади. Эстетикали онг аслида эстетикали фаолият маҳсулидир.

Эстетикали онг бадий онг билан чамбарчас боғлиқ. Улар бир-бирига яқин түшүнчалар бўлсада, айнан бир маънени англатмайди. Эстетикали онг воқеликни бутун борлигича идрок этиб, қайта ишлаш жараёнида вужудга келса, бадий онг санъатни яратиш ва идрок этиш жараёнида намоён бўлади. Бадий онг бадий асарлар тизимида ифодаланса, эстетикали онгнинг акс этиш кўлами анча кенг бўлиб, у одамларнинг меҳнат фаолиятида, унинг натижаларида, моддий ва маънавий қадриятларда ўз ифодасини топади.

Эстетикали онгнинг ижтимоий онг шакли сифатидаги кўринишидан якка одам эстетикали онги кўриниши фарқ қиласди. Якка одам эстетикали онги-аниқ бир шаҳс онги, маънавий дунёсининг бир қисми бўлиб, кенг маънода у ҳам ижтимоий мазмун касб этади, яъни ижтимоий ҳаёт жараёнида шаклланиб, ривожланиб, жамият маҳсулига айланади.

Эстетикали онг билан якка одам эстетикали онги ўз субъектларига эгалик жиҳатидан ҳам фарқланадилар. Ижтимоий табақалар, қатламалар, гурухлар, миллатлар, элатлар, халқлар эстетикали онг субъекти сифатида намоён бўлса якка одам, эстетикали онгнинг субъекти - муайян бир шахсдир.

Эстетикали онг ва якка одам эстетикали онги ўз мазмунни жиҳатидан ҳам фарқланади. Жамият эстетикали онги ижтимоий ҳаётдаги эстетикани тўла қамраб олади. Якка одам эстетикали онги эса фақат битта шахс маънавий дунёсидаги эстетикали соҳани ўз ичига олади.. Якка шахс эстетикали онги ижтимоий эстетикали таркибида ҳаракат қиласди, яъни у билан ички боғлиқликка эга бўлади. Уларни бир-биридан фақат илмий-назарий таҳлил қилиш орқали айрим-айрим ҳолда олиб кўриш мумкин.

Энг яхши санъат асарлари илм-фан кишисида хаёл-фараз вужудга келтиради ва яхлит, эстетика ҳис-туйғусини уйғунлаштиради, ғайритабиий тафаккур қилиш қобилиягини оширади, эркин дунёқараш баҳш этади, юксак мулокот маданиятини шакллантиради, ҳозирги фан равнақи учун муҳим аҳамият касб этадиган қобилият-имкониятларини сафарбар қилишга ундейди.

12-мавзу: Санъатнинг келиб чиқиши ва тараққиёти, унинг кундалик ҳаётдаги аҳамияти

Режа:

- 1. Санъатнинг нафосатли моҳияти**
- 2. Бадий ижод жараёни**
- 3. Санъатнинг кундалик ҳаётдаги аҳамияти**

Санъат кенг маъноли тушунчадир. Зеро, санъат инсон меҳнати, ақл-идроки, шуури билан яратилган, вужудга келган, ижод қилинган нарсалардир. Санъат инсон фаолиятининг ижодкорлик турини англатиб, ҳар бир санъат асарида шахснинг ўзига хос истеъоди намоён бўлади. Ва ниҳоят, санъат инсоннинг маҳорати билан чамбарчас боғлиқдир. Санъат, кенг маънода, бадий қадриятлар, уларни яратиш (бадий ижод қилиш) ва истеъмол (бадий идрок этиш) жараёнларини ҳам қамраб олади. санъат ҳозирги даврга қадар инсоният тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Ўзбекистон худудида, Испания, Саҳрои Кабир ва бошқа бир қатор қадимий ўлкаларда учрайдиган қояларга ўйиб туширилган ҳайвонларнинг тасвиirlари ҳозирги давр нуқтаи назаридан ҳам нафосатли қийматга эга. Бу ёдгорликлар бадий фаолият куртаклари эндиғина кўриниб келаётган инсон нафосатли фаолиятининг натижалари эди.

Санъат тарихий тараққиёт жараёнида ҳамиша ижтимоий эҳтижларни қондириб келган. Санъат ижтимоий ҳаётнинг мураккаб, ранго-ранг муносабатлари билан алоқадор бўлиб, у бир вақтнинг ўзида ҳам меҳнатнинг алоҳида тури, ҳам ижтимоий ишлаб чиқаришнинг маҳсус соҳаси, ҳам ижтимоий онгнинг бир шакли, ҳам ўзига хос билим соҳаси, ҳам ижодий фаолиятнинг бир кўриниши сифатида амал қиласди. Санъат ижтимоий ҳаётнинг мустақил бир соҳаси бўлиб, ўзига хос қонуниятлари вазифаларига кўра у алоҳида жамият бирлигини ифодалайди. Санъат жамиятнинг барча томонларига таъсир ўтказади, ижтимоий онгнинг барча шакллари билан алоқага киришади, ҳаётнинг турли жабҳаларида одамлар фаолият олиб боришиларини рағбатлантиради.

Санъат билан ижтимоий ҳаётни боғлаб турадиган жуда кўп воситачи ҳалқалар мавжуд. Ҳар қандай бадий ҳодиса-муайян асар, услубий ўёналиш бўлсин, улар вужудга келиши ва ривожланишида диний, аҳлоқий амалларнинг таъсир кучи даражаси билан белгиланадилар, баҳоланадилар, ўлчанадилар.

Санъат тараққиётининг нисбий мустақиллиги шу билан изоҳланадики, жамият бадий равнақининг даражаси ҳамма вакт ҳам унинг иқтисодий тараққиёти даражасига мос келавермайди. Санъатнинг тараққиёти ёки таназзули, унинг у ёки бу тури, кўринишининг ёрқин ифода топиши аниқ ижтимоий муносабатлар табиатига, муайян гурухий кучлар нисбатига, мафкуравий ҳаёт хусусиятларига, жамиятда шахс эгаллаб турган мақомига, албатта, боғлиқдир. Масалан, қадимги дунё санъатининг равнақи бир қатор шарт-шароитлар ва омилларнинг бир-бирига мос келиши ва ўта қулай вазиятнинг вужудга келиши орқасида қарор топди. Санъатнинг жамият ҳаётида нисбий мустақил амал қилиши ворисийлик қонуниятининг намоён бўлиши билан ҳам боғлиқ. Ворисийлик факат санъатга хос булган ҳодиса эмас. У ижтимоий онгнинг ҳамма шаклларига тааллуқлидир. Ворисийлик жамият моддий асоси билан боғлиқ бўлган сиёсий ва хукуқий онг соҳаларида кўпроқ намоён бўлади.

Ворисийлик маънавий ҳаётнинг ҳаётнинг барча жабҳаларида мавжуд. Аммо, ҳаётнинг барча томонларини қамраб олувчи иқтисодий заминдан анча йирок бўлган санъатда ворисийлик ёрқин, тўла, ҳар томонлама тарзда намоён бўлади. Санъатнинг ҳамма қирралари- мавзу ўёналиши, ғоявий-руҳий қоида ва оҳанглари, ижодий ақидалари, услуби, тур ва шаклларининг ифодали воситалари ворисийликдан айниқса бўртиб кўринади.

Шундай қилиб, санъат нафакат инсоннинг ўзини, балки унинг идрок этиши мумкин бўлган барча нарсаларни, воқеа-ҳодисаларни акс эттириб, ҳиссий туйғу келтириб чиқаради. санъат инсонни бевосита акс эттирмасада, биро нарсага инсон муносабатини фаол ифодалайди, бирор нарсани инсон мезони билан баҳолайди. Баҳолашда эса ҳамиша инсон моҳиятини

англашга қаратилған билиш ҳолати мавжуддир. Санъат нарсаларда, табиат ҳодисаларида инсон учун аҳамиятли бўлган маъно излайди, қидириб топади ва ишга солади. Санъат воқеликнинг ҳар қандай ҳодисасида ижтимоий маъно пайдо қиласди.

Санъат ва ахлоқнинг бош мавзуи инсондир. Санъат инсоннинг мақсад-манфаатлари, фикр-мулоҳазалари, ҳис-туйғулари, ички кечинмалари нуқтаи назаридан акс эттиrsa, ахлоқ инсон ижтимоий алоқа лари ва муносабатларининг мағзига сингиб кетади. Ҳаётда, майян жамиятда ахлоқ-одобга алоқадор бўлмаган бирор воқеа-ҳодиса содир бўлмайди. Одамларнинг ўзаро муносабатлари ва муомалалари ахлоқнинг бевосита обьекти бўлиб хизмат қиласди. Санъат қадим даврлардан бери дин билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Қадимдан санъат ва дин ақидавий бир бутунликни ташкил этган эди. Санъат ва дин ижтимоий онгнинг маънавий амалий шакллари қаторига мансуб бўлиб, уларнинг иккаласиҳам иқтисодий замин устидаги ғоявий усткурманинг «юқори қавати»дан ўрин эгаллади.

Санъат ва дин заминида ётган ҳис-туйғу бир хил маънога эга эмас. Масалан, санъатда ҳам, динда ҳам хаёл суриш мавжуд бўлиб, бадий хаёл суриш диний хаёлдан тубдан фарқ қиласди. Дин воқеликка мавҳум, қиёсий тарзда хаёл қиласа, санъатда хаёл воқеликка нисбатан рамз-тимсоллар воситасида қаратилған бўлади.

Санъатнинг ижтимоий мазмуни халқчиллик тушунчаси орқали намоён бўлади. Бу тушунча ҳозирги шароитда муҳим аҳамиятга молик бўлиб бормоқда. Умуминсоний ва миллий манфаатлар ҳамда қадриятларга амал қилиш санъат халқчиллигини таъминлайди.

Нафосат назариясида халқчиллик муаммоси муҳим ўрин тутади. Санъатда халқчиллик унинг ворисийлик, тарихийлик, миллийлик ва умуминсоний тушунчалари билан назарий ва амалий жиҳатдан чирмасиб кетган.

Оғзаки ва ёзма адабиётнинг фарқи уларни идрок этишда ҳам кўринади. Оғзаки адабиётни идрок этиш одатда жамоавий тарзда содир бўлса, ёзма адабиёт идроки якка, шахсийдир. Бадий адабиёт санъат тури сифатида ўзининг ички тизимиға, ўзига хос тур, хил, кўринишига, услугига эга. Масалан, қадимги Юнонистон бадий маданияти тарихида бадий адабиёт доираси унинг уч катта адабий тури-хили-эпик, лирик, драматик кўринишларини қамраб олган эди. Эпик тур, аввало, воқеаларни бадий ўзлаштириш билан, лирик тур-кайфият ёки руҳий ҳолат билан, драматик тур-харакат билан боғлиқ амал қилган эди. Бу уч тур-хилнинг барча белгилари бадий акс эттириш учун зарур бўлган воқелик билан чамбарчас боғлиқ.

Бадий адабиётнинг эпик турида воқелик кенг ва кўп томонли ҳолда қамраб олинади, инсон хулқ-атворини шакллантирадиган ва уни ҳаракат қилишга ундейдиган шарт-шароитлар билан узвий боғлиқ тарзда баён қилинади. Унда ташки олам қонуни хукмонлик қиласди, тасвиrlанаётган воқеликка, нарсаларга муаллиф муносабати, одатда, баён қилиш услуги асар тартиби ичига яширинган бўлади. Эпик асар ҳамма вақт эркин ёзма баён (иншо) усулида ифодаланади, унда кўпроқ тасвиrlаш устунлик қиласди. Эпик асар мазмуни тасвирий қисмлар, қаҳрамонларнинг фикр-мулоҳазалари ва кечинмалари тасвири орқали намоён бўлади.

Эпик адабиётда воқелик тасвирининг кенглиги, муфассаллиги, ҳаёт манзараларини яхлит яратишга интилиш, воқеалар тасвирини баён қилиш тарзи бу турнинг баъзи шаклий белгиларини ҳам изоҳлади. Тасвиrnинг баён тарзи, унинг батафсиллиги қисмларининг нисбий мустақиллиги, ҳаракат содир бўлишининг секин-асталиги, асар бадий тизимининг эркин таркиб топиши, ҳаракатнинг тугал эмаслиги қаби белгилар шулар жумласидандир. Эпик асарлар ўз мазмуни ва шаклий белгилари жиҳатидан насрий ифодага мойил бўлиб, унда тўла ва жозибали бўй кўрсагади. Эпик адабиёт кўпроқ насрий баёнга мўлжалланган ҳолда, лирик адабиёт асосан назм орқали баён этилади. Агар эпик асарларда воқеликнинг кенг манзараси-ташки олам руҳи хукмон бўлса, лирик адабиётда кўпроқ инсон ички ҳолати ифодаланади. Арасту таъкидлаганидек, лирик адабиёт муаллифи ўзи яратган асари билан яхлит бирликни ташкил қиласди ва бунда ўзлигини ҳам сақлаб қолади. Баъзан лирикада тасвиr томонлар заиф ҳолда акс этиб, кўпроқ муаллиф фикр ва туйғулари ифодаланади. Бу унинг воқеликни акс эттиришнинг муҳим шакли бўлиб қолишига ҳалал бермайди. Лирик адабиётда ташки дунё бевосита эмас, билвосита, яъни фикр ва туйғулар орқали акс эттирилади. Шоирнинг шахсий фикр ва туйғулари ўзи яшаб турган даврнинг илғор фикр ва туйғуларига ҳамоҳанг тарзда умумхалқ, умуминсоний аҳамият касб этади. Бунга

Яссавий, Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб, Турди, Махтумқули, Муқимий, Фурқат, Чўлпон, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов лирикаси ёрқин мисол бўлади. Лирикада фикр билан туйғу чирманиб, тулашиб кетади. Унда сезги билан безанганди, ҳис-туйғулар билан тўлиб тошган фикр бевосита кечинмалар шаклида намоён бўлади. Лирика олам ва инсон ҳакида энг мураккаб, энг теран фикрларни ифодалаш қудратига эга. Лирика бевосита тасвир услубидан фойдаланмаслиги жиҳатидан мусиқа ва рақсга яқин бўлсада, ўзининг сўз билан қатъий бирлиги туфайли у инсон маънавий ҳаётининг ҳамма қирраларини ифодалаш имкониятига эгадир. Бадиий адабиётнинг кўпгина асарлари бир вақтнинг ўзида ҳамэпик, ҳам лирик тур белгиларига эга бўлади. Масалан, ўзбек адабиётида Чўлпон ва Усмон Носир, Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов лирикасида бадиий услугуб хилма-хиллигидан қатий назар, улар ижодида лирик ва эпик томонлар қоришмасимавжудлигини кўрамиз. Уларнинг ҳам лирик, ҳам эпик асарлар яратишига мойилликлари мантикий тарзда бу шоирлар ижодида драматургик турни пайдо қилди.

Бадиий адабиётнинг драматургия тури, аввало, саҳналаштиришига мўлжалланган асарлар бўлиб, уни ҳам адабиёт тури, ҳам театр қисми деб атайдилар. Бу тур ҳаётнинг драматик лаҳзалари ва томонларини янада тўлароқ акс эттириш талаб-эҳтиёжларидан келиб чиқсан бўлиб, ҳар қандай драматик асар асосини зиддият (конфликт) ташкил қиласди. Драма асарларида кундалик ҳаётнинг туб ўзгаришларга мойиллигидан далолат берувчи томонларини тўлақонли очиб беришда мавзу асосий ўрин эгаллади.

Драматик асарларда ўз олдиларига аниқ-равшан мақсад ва вазифалар қўйган иродали кишилар юзма-юз келиб тўқнашадилар. Тўқнашув қудрати эса кўп жиҳатдан ирова намоён бўлиши ва унинг ифода кучига боғлиқ бўлади. Драматик тўқнашув хусусияти ўз навбатида драматик ҳаракат хусусиятини белгилаб беради. Драматик ҳаракатда эса инсон руҳий таҳлили, унинг фикр-туйғуси, инсоний сифатлари намоён бўлади. Драматик асарларда ҳаёт уйғунлиги тўла намоён бўлар экан, драматик ҳаракат мумкин қадар фаолликка, бир мақсадга йўналганликка, тамошабинга бевосита таъсир ўтказишга интилади. Бу эса сухбат (диалог) орқали амалга ошади. Сухбат жараёнида ҳар бир сўз, воқеа-ходиса, ҳар бир ҳатти-ҳаракат, ибора бошқа одам (сухбатдош) га фаол тасир ўтказиш сифатида ўрин эгаллади. Бадиий адабиётнинг турлари ўз навбатида бир неча хил ва кўринишларга бўлинади. Улар эпик турда ҳалқ эпоси; эпик достон, роман-эпопея, роман, кисса; лирик турда-қасида, туюқ, рубоий, ғазал, мустаҳзод, шеър; драматик турда-фожеа (трагедия), комедия, драма кабилардир. Уларнинг ҳар бирини жанр деб аташ ҳам қабул қилинган бўлиб, мазмун умумийлиги, ҳаётий ҳодисалар танлови, ғоявий-эстетик баҳоланганилиги, ҳис-туйғули таъсир кучи билан изоҳланади. Ҳар бир жанр ўзига хос белгилари, бадиий воситалар мажмуининг нисбий қарор топганлиги билан бир-биридан фарқ қиласди. Бадиий адабиёт санъатнинг барча турларига таъсир ўтказиб келди ва ҳозир ҳам ўтказмоқда. Бадиий адабиёт таъсиридан ҳоли бўлган бадиий ижод соҳаси йўқ бўлиб, унда илк бор қаламга олинган мавзу, ғоя, оҳанг, қиёфа, хулқ-атвор кейинроқ санъатнинг бошқа турларига ҳам кўчиши мумкин. Санъатнинг театр ва кино каби қоришма турларига ҳам бадиий адабиёт илк асос вазифасини бажаради. Ниҳоят, санъат тараққиётининг ҳозирги босқичига хос бўлган бадиий қоришма вужудга келишида ҳам адабиёт асосий уйғунлаштирувчи ва жамловчи омиллардан бири бўлиб ҳизмат қилмоқда.

Тасвирий санъат тизимиға мусаввирлик, ҳайкалтарошлиқ, чизиқли расм (графика) мансуб бўлиб, уларнинг вужудга келиши инсоният тарихининг энг қадимги даврларига бориб тақалади. Қадимги дунё мусаввирлари ўзларининг манфаат ва эҳтиёжларига мос бўлган тимсоллар яратганлар. Қояларда тасвиrlанган жониворлар воқелик ҳодисалари, ҳаёт манзаралари ўрнини босарди. Дастраслабки тасвирида ёқ эстетик зарралар мавжуд бўлса ҳам, улар фойдали-амалий мақсадларга бўйсундирилган тарзда ифодалаган эди. Санъатнинг эндиғина юзага келаётган шаклларида соғлом ҳис-туйғулар, идрок ёрқинлиги ва тиниқлиги, кузатиш зийраклиги намоён бўларди. Бунда инсоннинг ўз атрофидаги оламни қиёфали яратишига бўлган кучли интилиши бошланғич шаклларда намоён бўлаётган эди. Тасвирий санъат фойдали-амалий мақсадлар ҳукмронлигидан тобора «фориғланиб» бадиий фаолиятнинг ихтисослаштирилган шаклига айланиб борди, бу жараён эса кўп асрларга чўзилиб кетди.

Санъат инсон фаолиятининг эстетик бўлмаган соҳалари билан чамбарчас боғлиқлиги қадимги дунё, ўрта асрлар, Уйғониш даври давомида сезилиб туради. Тасвирий санъат ўзининг нафосатли хислатларига ва эстетик нафосатли мақомига эга бўлиб боргани сари унинг айрим турлари ва жанрлари ажralиб чиқа бошлади. Унинг мусаввирлик, ҳайкалтарошлиқ, чизиқли расм каби турлари ва жанрлари секин-аста мустақил тасвир кўламига ва тасвирий-ифодавий воситаларига эга бўла бошлади. Тасвирий санъатнинг мусаввирлик, ҳайкалтарошлиқ, чизиқли расм турлари бир-бири билан боғлик бўлиб, бу боғлиқлик баъзан ошкора, очиқ тарзда амал қиласди. Тасвирий санъат турларининг бир-биридан фарқ қилиши-уларнинг ҳар бири воқелик манзарасини акс эттириши билан белгиланади, лекин пировардида улар бир тизимга бирлашадилар. Мусаввирлик, ҳайкалтарошлиқ, чизиқли расмнинг ифода воситалари хилма-хил бўлиб тасвирланаётган ва ифодаланаётган нарсалар ўртасидаги чегаралар шартлилик ҳамда нисбийликка эгадир. Ҳар бир санъат турида тасвир билан ифода чирманиб кетган бўлади. Ифодалилик, яъни санъаткорнинг воқеликка муносабати тасвирий санъатнинг ҳам муҳим хусусиятидир. Мусаввирлик, ҳайкалтарошлиқ, чизиқли расмнинг умумий хусусияти улар барчасининг тасвир орқали ифода этишидадир. Мусаввирлик, ҳайкалтарошлиқ, чизиқли расм санъатнинг фазоли хиллари бўлиб, улар воқеликни фазоли инъикос эттиради. Уларда тасвирланаётган ҳодисалар мўътадиллик усусятига эга бўлиб, битта воқеа ёки унинг бир лаҳзасини танлаб тасвирлаш орқали ҳаракатдаги ва ривожланишдаги ҳаётнинг бутун мураккаблиги ва бойлигини кўрсатиш қурдатига эга. Улар фазовий ҳодисаларни бевосита, вақт ўлчовидагиларни эса билвосита томошабинда ўй-хаёллар ва тасаввурлар хосил қилиш орқали намоён қиласди. Тасвирий санъат турлари ҳаётда бевосита жисмий ифодаси бўлмаган туйғули ва ақлий жараёнларни акс эттиришда адабиёт ва мусиқа турларига ён берган ҳолда, ҳаёт муқимлиги ва мўътадиллигини, ундаги ўлмас ва барқарор қадриятларни очиб беришда бошқа санъат турларидан устунлик қиласди. Мусаввир кўз кўриб турган моддий ижодий тасаввурнида қайта ишлаб, текисликда тасвирлайди. Бўёқлар, чизиклар ва улар аралашмасидан фойдаланиб, дунёning барча манзараларини акс эттиради, унинг марказида эса инсон туради. Мусаввирликда инсон қиёфаси тўғридан-тўғри ҳамда унинг атрофидаги моддий дунёга муносабати ифодаланади.

Мусаввирликда дунёning кўриниб турган ранго-ранг бойлигини алоҳида сезирлик ва эркинлик билан акс эттирилади. Агар ҳайкалтарошлиқда ҳодисаларнинг нисбий мўътадиллиги ва муайянлиги акс этса, мусаввирлик оламнинг ўзгаришларини, ҳаёт оқимини тасвирлайди. Мусаввирликда кўз илғайдиган қиёфалар ўзига хос санъат «тили»-ранг ёрдамида яратилади. Мусаввир ранг орқали бўёқлари мутаносиблигини, унинг моддий моҳиятини, одамлар ҳистийғусини, ирода кучини, ҳатти-ҳаракатларини хилма-хил кўринишларда ифодалайди. Тасвирий санъатда нур-соя воситасини воқеликдаги нур ва соя уйғунлиги вужудга келтиради. Тус, ранг воқеликдаги барча нарсалар ва ҳодисаларга хос. Мусаввир дунёning нур-соя бойлигини айнан кўчирмайди, балки уни синчковлик билан танлаб ажратади, нур-соя воситасида одамлар ва нарсалар ҳажмлигини, табиат гўзаллигини, ҳаво тиниклигини тасвирлаб, воқеликда нур ва соя товланишининг энг нозик кирраларини намойиш қиласди. Нур-соя дунёning кўз илғаётган нарсалар рангларини бадиий яратибгина қолмай, у мусаввир бадиий режаси мазмунини, унинг воқеликка бўлган муносабатини ҳам ифодалайди. Мусаввирликнинг илк асоси-расмдир. Расм суратнинг ўзига хос умуртқасини, синч-устунини англашиб, жисм шаклини, атроф чизикларини, бадиий тизимини белгилайди, жиҳозлар ва одамлар ҳар бирининг ўз ўринларини, асосий белгиларини кўрсатиб беради. Бир қатор буюк мусаввирлар ўз асарларини дастлабки кўмир ва қалам билан туширилган расмларсиз яратганликлари расмнинг мусаввирлик санъатидаги аҳамиятини камситмайди. Улар мазкур асарларни яратиш жараённида мўйқаламларини шу қадар юксак маҳорат билан ишга солғанларки, бир вақтнинг ўзида ҳам расм солғанлар, ҳам сурат яратганлар.

Мусаввирлик воситалари тизимида бадиий тузилма (композиция) катта аҳамият касб этади, мусаввир ёзувчига ўхшаб воқеаларни кетма-кет акс эттирумайди, балки тасвирланаётган воқеанинг муайян бир лаҳзасини ажратиб олиб, ҳар бирининг ўз ўрнини, асосий белгиларини кўрсатиб беради. Мусаввирликда бадиий тузилма (композиция) фазоли табиатга молик бўлса ҳам,

томушабин ҳиссини уйғотади. Мусаввир бадий тузилма ва вазн орқали ўз асарининг вақтли доирасини кенгайтиради. Мусаввирликнинг нақошлиқ, ёдгорлик ва дастгохлик кўринишлари мавжуд. Нақошлиқ аслида меъморчилик билан боғланган бўлиб, деворий суратларда, биринчи навбатда, сувоқ устига туширилган расмда ифода топади. Бу дастгохлик кўринишидан аввал вужудга келган бўлиб, рассомчиликда узоқ вақт етакчилик қилган. Умумлаштириш даражаси ўта лўндалиқ, шаклийлик услуби нақошлиқ санъати рамзий «тили»нинг белгиларирид.

Дастгохлик мусаввирлик асослари музейларда, кўргазмаларда намойиш этилади. У ўзининг кўп қиррали кўринишлари (мавзули сурат, расм, манзара, натюроморт) орқали воқелик томонларини ёритиб беради. Чизиқли расмни тадқиқотчилар мусаввирликнинг бир кўриниши сифатида таҳлил қиласидилар. Узоқ йиллар давомида чизиқли расм рассомчилик ва ҳайкалтарошлиқ билан таркибий бирликда ривожланиб келди. Чизиқли расм ўзининг тежамли ва лўнда воситалари орқали воқелик ҳақида кўп нарса билдираётгандек бўлади. Чизиқли расм умумий мавзу атрофида бирлашган бир қатор расмлар яратиш имкониятлари ҳамда веқелик ҳодисаларини кенг қамраб олиш жиҳатидан бадий адабиётга яқин туради.

Чизиқли расм ҳаёт ҳодисаларини тезроқ акс эттириши билан оммавийлик хусусиятига эга. Уни кўргазмаларда намойиш қилиш билан бирга кўп нусҳаларда кўпайтириб тарқатиш мумкин. Чизиқли расм улкан ижтимоий аҳамият касб этади. Айниқса, халқ ва юрт тақдирида бурилиш нуқталари, оғир кунлар (уруш, оғат в.х) бўлганда одамларни жипслаштириш ва сафарбар қилиш қудратига эга бўлади.

Амалий чизиқли расм бадий ижод турлари билан боғлиқ ҳолда саноат чизма расмлари (маҳсулот белгиси-этикетка, почта маркалари, алломат-белги рамзи-эмблемалар; кўкракка тақиладиган белги-значоклар, давлат нишонлари ва б.) китобларга туширилган расмлар кўринишида ҳам амал қиласиди.

Тасвирий санъатнинг энг муҳим турларидан бири-ҳайкалтарошлиқдир. У жонли мавжудотлар, воқеа-ҳодисаларни ҳажмли шаклларда акс эттиради. Мармартош, оддий тош, ҳарсанг тош, ёғоч, металл, гипс ва бошқалар ҳайкалтарошлиқдаги моддий ашёлар бўлиб хизмат қиласиди. Қадимги ҳайкалтарошлиқ асарлари нарсалар ранги билан мос бўёкларда бўяларди. Кейинчалик ҳайкалтарошлиқ мустақил санъат тури сифатида рангдан халос бўлди. Ранг ишлатилган тақдирида ҳам у тасвирланётган нарса рангидан тубдан фарқ қиласиди. Ҳайкалтарошлиқда ҳажм асосий тасвирий-ифодали восита, ранг эса ёрдамчи восита вазифасини бажаради.

Ҳайкалтарошлиқда асосан инсон қисман жониворлар акс эттирилади. Унда инсон ҳажмли, майнин-эгилувчан, қиёфа ва фазоли шакллар воситасида тасвирланади. Ҳайкал шундай томошали идрок этишга мўлжалланганки, мушоҳада этаётган томошабин унинг ҳамма томонини кўра олади. Шу боис ҳайкалтарошлиқда асосий бадий воситалар ҳажм, акс-соя (силуэт), вазн-оҳанг, майнин-эгилувчанлик белгилари шундай жойлаштириладики, унинг барча томонлари кўриниб туради, акс-соя эса фазода яққол гавдаланади.

Бадий суратга олиш (фотография) тасвирий санъатнинг энг ёш туридир. Суратга олиш техникаси билан боғлиқ ҳолда, нарсаларни икки ўлчамли текислиқда суратга олишнинг техник воситаси сифатида бошланиб, кейин санъат турига ўсиб чиқди. Фото санъати аввал сурат кўринишида рассомчилик ва чизиқли расм таъсири остида қарор топиб, кейин фотографиянинг кино санъати билан бирга ривожланди. Суратга олиш кўп жиҳатдан кино санъатининг равнақ топишига асос бўлди ва шундан фото маҳсус санъат турига айланди.

Бадий суратга олиш тасвирий санъатнинг тур ва кўринишиларига, айниқса, мусаввирлика катта таъсир қиласиди. Бир томондан унинг ўзи ривожланади, иккинчи томондан, яъни, усулларни «кўчириб» ўтказади. Ҳозирги кунда фото санъати бадий маданиятининг ажralmas қисмига айланиб қолди. Жамоа бадий қиёфасини яратишда ҳам бекиёс аҳамият касб этмоқда.

Ифодали санъат турлари тизимиға безакли амалий, меъморчилик ва мусика санъати турлари киради. Юзаки қараганда бир-биридан узоқ бу турларни уларга хос бўлган қиёфаларни вақтли мезонда намоён бўлиши ҳамда воқеликни англаш жараённида ҳодисаларнинг ҳис-

туйғуларсиз ифодаланиши бирлаштиради. Бу ижод турлари ўзининг ғоявий-нафосатли бурч-вазифаларини асосан ифодали воситалар орқали амалга оширади.

Безакли-амалий санъат тури тасвири санъат турларига яқинроқ туради. Унда ҳам равшан ифодаланувчи томонлар мавжуд. Лекин унинг тасвирий санъат асарларидан фарқланувчи бир талай жиҳатлари ҳам бор. Безакли-амалий санъат амалий мақсадларга мўлжалланган бўлади. Уларнинг бадиий қиймати фойдали-амалий қийматидан келиб чиқади. Бу санъат тури инсон фаолиятининг бадиий ва бадиий бўлмаган соҳалари оралиғидан жой олади.

Безак нақш билан чамбарчас боғлиқ. Нақш нарса-буюмнинг бадиий шаклга айланишидир. Нақш моддий ашёлар билан, яъни нарса-буюм билан мустаҳкам ва бевосита боғлиқ эмас. Битта нақш хилма-хил нарса-буюмларни безаб турганлигини ҳар қадамда учратиш мумкин. Кўпинча нақш геометрик ва тасвирий томонлар вазнли алмашиниб туришига чекилган безак кўринишида намоён бўлади. Нақшда вазн, тент томонлилик, мутаносиблик ҳисси кучли намоён бўлади ва қарор топади. Унда ҳодисаларнинг бевосита туйғули қиёфасидан мавҳумотга йўғрилган ҳис-туйғулар қарор топади. Нақшда тасвирий томон бўлиши мумкин («ўсимлик» ёки «жонивор» нақшлар), аммо у ёрдамчи вазифани адо этади. Нақш қувонч ва қайгу, осойишталик ва безовталик каби энг умумий туйғу ва кайфият ҳолатларни ифодалайди.

Тарихий тараққиётнинг турли даврларида у ёки бу ғоявий-туйғули оҳанглар нақшда устивор даражада намоён бўлади. Халқ ҳаёти ва унинг руҳий ҳолати хусусиятлари геометрик, ўсимлик ёки жониворлар мутаносибликларида бажарилган етакчи нақш оҳангларида ифода топади. Техника эстетикасининг амалий кўриниши бўлган «дизайн»нинг вужудга келиши, техника лойиҳаларининг майший нарса-буюмлар соҳасига ҳам тадбиқ этилиши натижасида техника ва безакли амалий санъат бирлиги шаклланди ва ўзаро таъсир ўтказиш жараёнлари йўлга қўйилди.

Одамларни нафосатли тарбиялашда ҳам безакли-амалий санъатнинг аҳамияти бекиёсdir. У ўзининг амалий-фойдали томонлари билан миллионларга доимий равища нафосатли таъсир ўтказиб туради.

Санъат турлари орасида меъморчилик алоҳида ўрин эгаллайди. Меъморчилик инсон яшаш мухитини уюштиришда, унинг ҳаёт фаолиятида улкан аҳамият касб этади. Унда санъат ва бошқа фаолият соҳалари ўртасидаги чекланганлик йўқ. У икки томолама бўлиб, ҳам моддий, ҳам маънавий маданиятга тааллуқлидир.

Меъморчиликнинг бадиий томони амалий томонига бўйсундирилган бўлади. Меъморчиликда бадиий (қиёфали ифода) аввало, бинолар ёки улар мажмуининг ижтимоий аҳамиятлигига кўринади. Бу ҳол унинг бадиий имкониятларини янада оширади ва меъморчилик хусусиятларини белгилаб беради.

Бошқа санъат турларида бўлганидек, меъморчиликда ҳам билиш ўзига хос тарзда намоён бўлади. Алоҳида иншоот ёки мажмуа тарзидаги меъморчилик асарлари тарихий давр яхлит қиёфасини вужудга келтиради. У ўз давриниг энг умумий ва ўзига хос фикр ва туйғуларини умумлашган ва мужассамлашган тарзда ифодалайди. Меъморчилик асарлари воқеликни бевосита тасвир этмайди, балки инсон кечинмаларини акс эттиради. Донишманлар меъморчиликни «қотишма» мусиқа ёки «тошдаги достон» деб таърифлаганлар. Булар меъморчилик тўла тавсифини англатмасада, унинг табиатини белгилайди. Меъморчилик мусиқага ўхшаб давр қиёфасини ижтимоий-ифодали кўринишида яратади. Агар мусиқада қиёфа эшлиши орқали идрок этишга мўлжалланган бўлса, меъморчилик кўришга мўлжаллангандир.

Меморчилик асарларини идрок этиш орқали одамлар турмуш тарзини, майший ҳаёти ва ҳаёт фаолияти хусусиятларини, ижтимоий тузум табиатини, эстетик орзуни, у ёки бу давр ижтимоий руҳи ва мафкурасини инъикос этамиз. Меъморчилик ҳосил қиласиган билимлар мажмуининг аҳамияти шундаки, одамларда у яратилган маданий мухити, ҳаёт тарзи, фикр ва туйғулари тўғрисида тасаввур пайдо бўлади.

Меъморчилик бинолари ва иншоотларини кўрар эканмиз, гўё тарихнинг «тош варакларини» кўздан кечиргандай бўламиз, бошқа оламга кириб, уни ўз яхлитлигича англаймиз. Энг мухими, улар инсон билан мутаносиблиқда ифодаланганини кўрамиз. Меморчилик ўзининг

ҳажмлари ва чизиқлари «тили» билан давр ва инсон ҳақида бошқа санъат турларидан кўра кўпроқ ҳикоя қилгандай бўлади.

Шундай қилиб, меъморчилик ҳам бошқа санъат турлари каби воқеликни юксак бадиий даражада акс эттиради, ўз мажмуи билан ўз даврининг умумлашган, кенг қамровли ва ялит қиёфасини намоён қиласди.

Ҳозирги меъморчилик айрим бинолар ва ҳатто улар мажмуини яратишга эмас, балки меъморчилик ижодининг олий қўриниши бўлган шахар бунёд этишга мўлжалланган. Тошкент, Нукус, Самарқанд, Кўқон, Андижон, Навоий, Гулистон, Наманган, Қарши, Жиззах шаҳарларидаги меъморчиликнинг энг яхши намуналари эркин режалаштиришга, яратилган табиий муҳитни ўзлаштиришга қаратилган бўлиб, енгил, эркин тарздаги ҳаёт шароитларининг хилма-хил ва доимий ўзгарувчанлигига узвий мослаша бориши билан изоҳланади.

Мусиқа санъатнинг ифодали тури тизимиға киради. Мусиқа ҳам воқеа-ходисаларни ифодали акс эттиради. Аммо у меъморчиликдаги каби фазо ва моддий ашё ўлчовлари билан белгиланмайди. Мусиқа кўриш орқали эмас, балки эшитиш воситасида идрок қилинади. Мусиқа мавзуи ўз хусусиятига эга бўлиб, инсон ва воқеликдаги барча томонларни қамраб ололмагани учун энг аввало инсон ички маънавий дунёсини, унинг туйғу ва кайфиятини ифодалайди. Мусиқада тасвирий томон бўлиши шарт эмас. Мусиқа мусаввирлик ва ҳайкалтарошлиқдан фарқли тарзда дунё ҳақида тасаввурлар эмас, балки туйғулар ва кайфиятлар ҳосил қиласди. Мусиқа воқеликнинг ҳис-туйғули қиёфасини яратади. Мусиқада туйғулар ҳаётий туйғуларнинг айнан ўзи бўлмай, улар танлаб олинган, тасодифий лаҳзалардан тозаланган, муайян орзулар нуқтаи назаридан англанган бўлади. Мусиқа инсон ҳиссиётлари ҳолатининг барча ранго-ранг товланишларини акс эттиришга қодир. У энг мураккаб туйғулар, энг нозик кечинмалар ва кайфият ҳолатларини ҳам ифода эта олади. Мусиқа вақт мезонига амал қилиб, кечинмаларнинг ўзгариб туришлари, авжланиши ва пасайиши жарайнларини қамраб олади.

Мусиқа мураккаб ижтимоий туйғуларни, энг аввало, ҳаётдаги нутқ оҳанглари ёки ҳаракат вазнлари акс этадиган аҳлоқий (севги, нафрат, фуур, қўрқув) эстетик (санъат ёки табиат нафосати, улуқворлик, фожеали, кулгили) туйғуларни ифодалайди.

Мусиқа кайфият ҳолатини ифодалашда имкониятга эга. Инсон кайфияти мураккаб ҳиссиёт бўлиб, у ҳеч нарса билан боғланмаган. Кайфият умумлашган хусусиятга эга бўлиб, ундан иккиламчи томонлар чиқариб ташланади ва инсоннинг воқеликка бўлган туйғу муносабатини белгилайдиган энг муҳим томонлари ажратиб олинади. Мусиқанинг куч-қудрати шундаки, у шодланиш, қайғуриш, хаёл суриш, бардамлик, тушкунлик ва шунга ўхшаш инсон руҳий ҳолатларини хусусий ва умумий тарзда ўзаро боғлиқликда, бир-бирига сингиб кетишида намойиш қила олади. Ўзбек миллий мусиқанинг дурдонаси бўлган «Шошмақом» дастасида ҳалқнинг мураккаб тарихи, кечинмалари, завқ-шавқи, қайғу-ҳасратлари, орзу-умидлари шу қадар теран, чуқур, нафис жозибали, эҳтиросли ифода топганки, гўё ширин хаёллар дунёси бағрига кириб кетасан киши.

Мусиқа ҳам бошқа санъат турлари каби ижтимоий ҳодисадир. Аммо унинг ижтимоий мазмуни никобланган тарзда бўлиб, у ҳалқ ва майший ҳаёт мусиқа намуналарида ёки мусиқа ижодининг сўз билан боғлиқ шаклларида очикроқ қўринади. Мусиқа ҳаётнинг барча томонларини акс эттира олади. У бир вақтнинг ўзида ҳам эпик, ҳам лирик, ҳам драматик оҳангларда жаранглайверади, унинг ифодали табиатига кўра, кўпроқ лирикага мойил, лирика эса мусиқанинг эстетик асосини ташкил этади.

Ифодали санъат тизимида рақс санъати ҳам муҳим ўрин тутади. Рақс қадим замонларда вужудга келган бўлиб, даставвал у майший турмуш билан боғланган ов, жанг, эътиқод тимсоллари эди. Рақс қадимги одамларни бирлаштиришга, уюштиришга ҳисса қўшган бўлиб, унинг бу хусусиятлари ҳозирги кунда ҳам ҳалқ рақсларида сақланиб қолган.

Рақс ихтисослашган бадиий фаолиятнинг нозик ва мураккаб қўринишига, касб-корига айланган бугунги кунда у санъат турлари билан ҳакорликда амал қиласди. Рақс мусиқасиз намоён бўла олмайди. Мусиқа рақс тўқимасидан жой олиб, унинг ҳис-туйғуга таъсир этиш тизимини белгилаб беради. Рақс санъати театр билан ҳам чамбарчас боғлиқ, у томошали театр санъатининг муҳим белгиларини ўзида мужассамлаштирган ҳолда бадиий қиёфалар яратади.

Рақс учун инсон танасининг майин-эгилувчанлиги асосий омилдир. Рақсни инсон танасининг мусиқавий ифодали ҳаракатлари санъати, дейиш мумкин. Зеро, инсон танасининг рақс воситасида нафис-майин ҳаракатини ифодалаш имконияти унинг бадиий қиёфаси, «тили» асосидир. Мусиқа-тovушлар оҳангдорлиги бўлса, ракс-оҳангдор ва қоидалашган ҳаракатдир. У оҳангли ва қоидали ҳаракатлар воситаси орқали инсон ички дунёсини, унинг энг нозик ва чуқур кечинмаларини акс эттиради. Рақсда ифода устун даражада намоён бўлади. Тасвирий томон унга бўйсунади. Тасвир рақсда имо-ишора (пантомима) кўринишида акс этади. Имо-ишора санъати мустақил мақомга ҳам эга бўлиб, рақс тўқимасига узвий боғланади. Рақсда имо-ишоранинг ортиқча ўрин олиши рақснинг эстетик имкониятларини, баъзан рақс қиёфалилигини пасайтиради.

Хозирги замон рақси бир неча кўринишларга эга; халқ ва базм рақслари, саҳна рақслари, акробатик, вазнли, имо-ишорали рақслар ва бошқалар. Халқ рақслари бир вактнинг ўзида ҳам санъат тури, ҳам фаолият тури тарзида намоён бўладилар. Саҳна рақсларида баъзан тасвирий томон ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Оврупо рақс санъатининг олий кўриниши балет рақси ҳисобланади. Балетда рақс театр ва драматургия (либретто) билан таркибий бирликни ташкил қиласди. Балет ьир вактда ҳам рақс тури, ҳам саҳна асаридир. Балет бадиий қоришманинг энг мураккаб хили ҳисобланади ва унда мусиқа ҳамда рақс кучи мужассамлашган бўлади.

Томоша-қоришма санъат турлари тизимига театр, очик саҳна, (эстарада), цирк, кино, «ойнаи жаҳон» (телевидение) киради. Бадиий маданиятнинг бу соҳалари ўртасида муайян фарқлар бўлишига қарамай, уларга хос бўлган умумий белгилари жиҳатининг меморчилик ва рассомчиликдаги қоришма хусусиятларидан фарқ қиласди. Меъморчилик, мусаввирлик, ҳайкалтарошлиқда қоришма ўрни қанчалик катта аҳамият касб этмасин, уларнинг ҳар бири алоҳида мустақил санъат тури сифатида намоён бўла олади. Томоша-қоришма санъат туралрида эса таркибий қоришманинг барча кўринишлари бирлашмаса (масалан, кинода театр, мусиқа, тасвирий санъат қатнашмаса) уларнинг бирортаси мавжуд бўлолмайди. Театр, очик саҳна, цирк, кино «ойнаи жаҳон» кўринишларини қоришмалилик билан бирга «ўйин» ҳам бирлаштириб туради. Бу санъат турларининг одамларни бирлаштириш, уларни фаол ҳамкорлик ва ижодкорликка тортиш қобилияти уларни ахлоқий-эстетик таъсир ўтказишнинг энг қудратли воситасига айлантиради. Техника, алоқа воситалари, техник жиҳозлар тараққиётининг ҳозирги босқичи туфайли томошали-қоришма санъат турларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Театр санъати фазо ва вақт белгиларига эга. Спектаклда жуда кўп фазоли томонлар мавжуд. Ундаги буюм-жиҳозлар мұхити, саҳна безаклари, кийим-кечак ва ниҳоят, актёрнинг ўзи муайян фазоли хусусиятга эга. Спектаклда вақт мезони ҳам мұхим ўрин тутади. Саҳна асари доимо бирор вақт оралиғида содир бўладиган алоҳида ҳаракатни намойиш этади. Ўзида фазоли ва вақт мезонларини мужассамлаштирилган театр фазо ва вақт узвий бирлиги амал қиласдиган санъат кўринишидир. Театрнинг фазо ва вақт томонларини актёр бирлаштириб туради. актёрдан алоҳида истеъод, хотира, эҳтирос, маъноли тасаввур хаёли, ифода кучи талаби каби маҳорат талаб этилади. Актёр маҳорати театр санъатининг барча шакллари учун мұхим хусусиятдир. Актёр маҳорати театр санъатининг туб ва нодир хусусиятидир. Театр санъатининг бошқа қисмлари актёр ижодига хизмат қиласди. Актёр саҳнада бир вақтнинг ўзида ҳам ижодкор, ҳам қиёфа (образ) яратувчи, ҳам ижрочи бўла олади.

Хозирги бадиий маданият тизимида кино мұхим ўрин тутади. Бир вақтлар кўча майдонларида моҳирлик билан намойиш қилинган ўйин-кулги ва кўз бойлағич кўринишларидан бошлаб, ҳозирда мураккаб ҳаётий зиддиятлар ва муносабатларни акс эттираётган кино санъати XX аср фан-техника тараққиёти мўжизасига айланди. Кино фақат илмий-техник тараққиёт меваси бўлибгина қолмай, балки фан-техника намоён бўлишининг шаклларидан биридир. Кино санъати кинематографик техника намоён бўлиш шаклларидан биридир. Кино санъатининг техник асосини суратга тушириш (фотография) ва кинокамера ташкил этади. Улар ҳаётнинг хилма-хил кўринишларини бадиий ўзлаштириш орқали кино асарининг вазифасини адо этади. Кинонинг техник воситалари (оддий кинокамера, ҳаракатланувчи кинокамера, овоз, ранг, фазоли овоз, кенг экран, ўта сезгир киноплёнка, ҳажимли тасвир) майший ҳаёт соҳаларининг чуқур қатламларини акс эттириш имкониятига эгадир.

Кино бошқа санъат турлари, хиллари, кўринишлари ифода воситаларидан қоришма ҳосил қиласди. Кинода адабиёт асари-киносценарийга, театр-киноактёр санъатига, мусика-фильмнинг вазн-оҳангига айланади, мусаввирлик-фильм тасвирий ечимиға асос бўлади ва х. Шу тариқа кино қиёфаси ўзида бошқа санъат хоссаларини жамлаб, уларнинг муҳим хусусиятларини янги сифат даражасига кўтаради.

Кино санъатига адабиёт таъсири жуда кучли. Етук адабий манба етук кинофильм яратиш гаровидир. Кинофильм драматик асарга нисбатан қилинганда романга яқин туради. Киносценарий асосини драмтик тўқнашувлар ва зиддиятлар ташкил этсада, кино романга қиёс қилинганда воқеликни кенг қамровли акс эттириши жиҳатидан эпик адабиётга яқинлашади. Кино санъатида фазо ва ҳаракат эркин ифодаланади, қиёфалар узоқ муддатда ривожланади, воқеа ва инсон ички дунёси табиий қўшилиб кетади. Ана шу хусусиятлари билан адабиётнинг роман жанрини эслатади. Сценарий янги адабий ижод маҳсули ҳисобланади.

Кино санъати тасвирий санъатнинг мусаввирлик, ҳайкалтарошлиқ, меъморчилик турларидан ҳам кенг фойдаланади. Фильм ҳаракатни текисликда ифодалайди, у ҳаракатдаги тасвир санъати сифатида ҳамфазо, ҳам изознига эгадир. Ҳозирги кино санъати бир қатор ифода воситалари орқали вужудга келади. Масалан, кинода ёруғлик муаллифнинг воқеликка муносабатини намоён қиласди, кайфият вужудга келтиради, ҳодиса ички ҳолати ҳақида тасаввур ҳосил қиласди, қаҳрамон руҳий ҳолати ва туйғуларини ифодалайди. Кино санъатида ранг тобора катта аҳамият касб этмоқда. Рангли фильм мавзуи, мазмуни, бадиий режаси таъсирчан қувватга эга бўлиб, бир неча ранг ва ок-кора тасвирнинг ўзига хос томонлари бор. Ҳозир рангли кино асосий ўрин эгаллаб олганлигини эслатиб ўтиш зарур. Кино овоз билан тирик. Овозли кино инсон билиш имкониятларини кенгайтиради. Кино ва театр санъатда овоз-сўз бир хил макомга эга эмас. Театрда сўз энг муҳим ифода воситаси бўлса, кинода сўз ёрдамчи хусусиятга эга. Кино учун томошали ҳаракат энг муҳим хусусиятидир.

Кинода қаҳрамоннинг нигоҳи, йирик тасвирда кўрсатилган аёлнинг сезилар-сезилмас елка қисиши, ёки бармоқларинг титраб туриши, ички кечинмаларини ҳар қандай сўз-иборалар орқали ифодалашдан кўра, тасвир орқали кўрсатиш афзалдир. Кинода сўз ҳаракатни такрорлаб турса, кўрсатиш мумкин бўлган ҳолатларни ҳикоя қилса, фильмнинг зерикарли ва ўта чўзилган бўлиши табиийдир.

Кино ва театр бир-бирига жуда яқин бўлиб, иккаласи ҳам адабиёт заминида вужудга келади. Шу маънода уларни «иккиламчи» (адабиёт бирламчи) санъат тури, дейиш мумкин. Қоришималик кинога ҳам, театрга ҳам хос. Иккаласи ҳам фазо ва вақт мезонига бўйсунади ва актёр ўйини билан боғлиқ.

Кино ўз мавзуига, ифода воситаларига эга бўлиб, унинг асосий ўзагини кинематографик ҳаракат ташкил қиласди. Бу ҳаракат кинокадр ичидаги ва кадрлар бирикмаси (монтаж) орқали ҳосил қилинган ҳаракат мажмуи ҳисобланади.

Кинокадр бирикмаси кинематографик ифода воситалари орасида муҳим ўрин тутади. Фильм яратувчиси унинг ёрдамида томошабин фикр, туйғу ва ўй-хаёлларини бир нуқтада ўюшибиди ҳамда кинематографик вақтни зичлаштириш ёки чўзиш имкониятига эга бўлади.

Кинокадр бирикмаси (монтаж) кино санъати ривожининг турли даврларида турлича аҳамият касб этган. Бир вақтлар овозсиз кинода унинг роли мутлоқлаштирилган эди. Бу ҳолат овозли кинода ҳам давом этиб, у баъзан актёр ўрин ва айрим кадрлар мазмуни аҳамияти тушириб юборишга олиб келган эди.

Кино санъатининг ифода воситаларидан яна бири-ҳаракатдаги кинокамерадир. У фильм яратувчиси қўлида ҳаракатни механик тарзда плёнкага туширадиган техник ускунагина бўлиб қолмай, балки энг муҳим ижод қуроли ҳамдир. Ҳаракатдаги кинокамера кино санъати имкониятларини оширади, инсон ҳаёти сиру-асрорларини, хулқ-авторининг яширин томонларини очиб беришга омилкор восита сифатида хизмат қиласди.

Ҳаракатдаги кинокамера томошабин ва санъаткор ўртасидаги муносабатларни тубдан ўзгартириди; энг аввало улар ўртасидаги масофа қисқарди, томошабин ҳис-туйғуси ўсади, у воқеа-ходисаларнинг иштирокчисига айланди, бир жойда тургани ҳолда кинокамера билан бирга ҳаракатга кирадиган бўлди. Айни маҳалда оператор қўлидаги кинокамера фильм ижодкорлари

фикр-туйғуларини акс эттирувчи, уларни томошабинга етказувчи нозик ижод жиҳозига ҳам айланди.

Кино санъати киноактёр олдига ҳам ўзига хос талаблар қўяди. Театр актёри томошабин ва саҳна оралиғидаги масофани ҳисобга олиб овозга «зўр» беради, имо-ишоралар, ҳатти-харакатни ишга солади. Кинофильмда эса буларнинг ҳаммаси аҳамиятсиз бўлиб, кинокамера олдида киноактёр кўпроқ ўзини табий, самимий, эркин, оддий, вазмин, бемалол тутади. Бу билан киноактёр ўзининг жозибадор ва эҳтирослигини йўқотмайди.

Кино жамоавий ижод маҳсулни бўлиб, унда сценарий муаллифи, режиссёр, оператор, мусаввир, бастакор, «кадр бирикмасини» яратувчи (монтажчи) ва бошқалар меҳнати ишлаб чиқариш жамоаси меҳнати билан қўшилгандан сўнг кинематография маҳсулоти яратилади. Ҳозирги замон кинематографияси нафақат санъат, балки кўп соҳали, замонавий техника билан жиҳозланган ишлаб чиқариш соҳаси ҳамдир. Кинода режиссёр кинематографик жараён барча қатнашчиларини бирлаштириб туради. Кино санъати ривожи тарихини кўп жиҳатдан режиссёр фаолияти тарихи дейиш мумкин.

Кино санъат тизимида устун ва заиф томонларга эга. Масалан, ҳаракатчанлик унинг ҳам устун, ҳам заиф томонидир, чунки кинони бир дақиқа ҳам тўхтатиб қўйиб бўлмайди. Кино воқеликни кенг қамраб олишда театрдан устун. Айни пайтда кино томошабин кўз ўнгидан содир бўладиган актёр ижоди каби театр саҳнаси нодирлигидан маҳрум. Кинода томошабин содир бўлиб ўтган бадиий жараён техника воситасида тақрорланаётганининг гувоҳи бўлади, холос.

Бадиий қиёфанинг асосий тавсифи уни ҳаракатга келтирадиган санъаткор ғоя-режасининг туғилиши, унинг асар тизимидан ўрин олиш ва ниҳоят томошабин, ўқувчи, эшитувчи, тингловчи идроки билан боғлиқ жараёнлар тавсифи билан тўлдирилиши лозим. Мазкур босқичларнинг ҳар бири муайян вақтда амалга ошади. Бу босқичлар орасида санъаткор ғоя-режаси ва унинг сифати кўп жиҳатдан асарнинг истиқбол тақдирини белгилаб беради. Бадиий режа ўзида воқеликнинг ички ва ташқи, якка ва умумий томонларини сингдирган бўлади. Бадиий режа-ғоя санъаткор миясида аввал бошданоқ мавҳум тушунча тарзида эмас, балки жонли таассуротлар, воқеа-ходисалар билан боғлиқ ҳолда вужудга келади. Фикр-муддаони амалга ошириш ғоя-режанинг ўзиданоқ бошланади.

Тадқиқотчилар фикрича катта истеъдод соҳиблари, жумладан, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳхор, Ойбек одатда ўз асарлари илк режаларини тузиб чиқар эканлар, уларда бўлажак асар тўқимасини асоси, воқеалар ривожи, айрим қисмларнинг ифода режасини олдиндан белгилаб қўйганлар. Санъаткорнинг илк режаси уни ҳайратлантирган воқеа-ходисалар билан тасодифан тўқнашиши натижасида вужудга келтириши мумкин. Аммо бу ходисалар бир санъаткорни чуқур таъсирантириб, бошқасини бепарво қолдириши зарурият (қонуният) тарзида намоён бўлади.

Бадиий ғоя-режа санъаткорни ижодга чорлайдиган ички изчил турткидир. У ўзининг ҳомаки чизиқларда ва ибораларда вужудга келаётганинг қарамай санъаткор ижоди давомида йўналтириб туради. Санъаткорнинг воқелик тўғрисидаги билимлари, тасаввuri таъсири остида бадиий режа мазмуни ҳам ўзгариб боради. Санъаткорлар ижодий жараёнида вужудга келган сон-саноқсиз адабий асар ҳомаки ёзмалари, ҳомаки расмлар, бастакор мусиқа асарларининг ҳомаки қисмлари шундай далолат беради.

Бадиий режа санъаткор шахсий ҳис-туйғулари билан суғорилган тақдирдагина уни ижодни давом эттиришга ундейди. Санъаткор кечинмалари ва туйғулари акси сифатида руҳий ҳолат бадиий ижоднинг асосий белгисидир. Улуғ истеъдод соҳиблари ўзларини ниҳоятда тўлқинлантирган нарса ва ҳодисаларни танлаб, бадиий ижодларига мавзу қила оладилар.

Санъаткор ҳис-туйғулари ўзи яратадиган қаҳрамонлари қиёфасига кириб, улар ҳаёти билан яшайди, ўзи йиғлаб уларни йиғлатади, ўзи кулиб уларни кулдиради. Уларни эзгулик ва мардликка ундан, ўзи уларга интилади...

Бадиий режанинг вужудга келиши жараёнида тасаввурлар улкан аҳамият касб этади. Улар фақат бадиий тафаккур ҳосиласи бўлмай, балки билиш фаолиятининг зарурий бўлаги ҳамдир. Тасаввурларда жонли мушоҳада билан бирга мавҳум, мантиқий тафаккур ҳам чирмashiб кетади. Тасаввурлар жонли мушоҳада тарзида нарсалар ва ҳодисалар акси, мавҳум

тафаккур тарзида эса умумлаштириш усули орқали намоён бўлади. Тасаввурлар ҳиссиётли ва мавхум ҳодисалар оралиғидан ўрин олади, уларда нафақат воқелик, балки унга бўлган муносабат ҳам акс этади. Инсон нимани улоқтириб ташлайди, нимани илгарига суради-буларнинг барчаси тасаввурларда намоён бўлади. Шундай қилиб, тасаввурлар бадий қиёфа яратишга ёрдам беради. Шуни айтиш жоизки, санъаткорнинг бадий қиёфалар яратиш қобилияти унинг тасаввурлар ҳосил қилиш қобилиятидан келиб чиқади.

Бадий тасаввурда режалангандар қиёфалар доимо санъаткор эстетик орзусига, унинг гўзаллик ва мукаммаллик ҳақидаги ўй-фикрларига мутаносиб бўлади. Бадий ижод жараёнида тасаввур келажакни орзу-умидлар орқали олдиндан пайқаш вазифасини адо этади. Бадий тасаввур таркибида инсоннинг орзу-умидлари, интилишлари ва эҳтиёжлари мавжуд бўлади. Шу боис тасаввур ижод учун рағбатлантирувчи, бирлаштирувчи куч бўлиб хизмат қиласи.

Санъатда воқелик бадий тўқимасиз, тўқима эса воқеий ҳодисаларсиз акс этмайди. Воқелик хаёл-тасаввур ҳосил қиласи. Бу хаёл-тасаввурларга ўй-хаёл нафаси «жон» киритади. Пухта ўйланган, ойлаб, йиллаб мияда қиёмига етган тасаввурлар маҳсулининг маънодорлигини кучайтиради. Санъаткор тасаввур ёрдамида онгидаги ҳаёт тафсилотларини, қаҳрамон хулқатвори икир-чикирларини, унинг ташки кўринишини ва бошқа хусусиятларини қайта тиклаб олиши мумкин.

Санъаткор қаҳрамон ҳаёти билан боғлиқ мухим бир жиҳатни қайта яратиш учун ҳам ҳаётининг барча майда-чуйда тафсилотларини тўла тасаввур қилиши даркор. Масалан, ёзувчи ўз қаҳрамонини меҳнат жараёнида ифодалаш учун унинг кундалик турмушдаги, оилавий ва шахсий ҳаётдаги хулқатворини барча икир-чикирлари билан тасаввур қила олиши ёки аксинча, қаҳрамоннинг шахсий ҳаётини ишонарли тасвирлаш учун санъаткор унинг меҳнат жараёнидаги хулқатворини тўла тасаввур этиши лозим бўлади. Санъаткор тасаввури ишончли бўлиши учун унинг тажрибаси, ҳаётни яхши билиши лозим бўлади. Ёзувчи кундалик ҳаёт муаммоларини ўрганишдан чекинса, ҳоҳламаса, тасаввури сўниб бораверади ёки бемаъни, куруқ хомхаёлга айланиб қолади.

Ижодкор руҳий ҳаётининг мухим бўллаги бўлган тасаввур ва фахм фаросат ўзаро боғланган бўлиб, улар иштирокисиз ижодий фаолиятнинг бирор соҳасида самарага эришиш қийин. Кенг маънодаги фахм-фаросат ҳаёт ҳақиқатини бевосита идрок этиш қобилиятидир. Одатда фахм-фаросатни ҳис-туйғу ва ақлий бўлакларга бўлиб мушоҳада қиласидар. Ҳис-туйғули фахм-фаросат ҳақиқатни ташки, масалан, кўриш ёрдамида англашни, ақлий фахм-фаросат эса ҳақиқатни ақл ёрдамида англашни билдиради.

Санъаткорнинг ўткир фахм-фаросати унинг бадий истеъоддиллиги белгисидир. Санъаткор ўткир фахм-фаросат ва қувват-ҳофизаси ёрдамида бадий қиёфа, баъзан бутун бир тарихий даврни қайта яратади, баъзан эса ўз тажрибасида кўрилмаган, аммо ҳаётда мавжуд бўлган нарсаларни топишга муваффақ бўлади.

Санъаткорнинг ҳаётний, ҳис-туйғули ва ақлий тажрибаси қанчалик бой ва хилмачил бўлса, унинг фахм-фаросати ҳам шунчалик самарали ва мазмундор бўлади. Санъаткор воқеа-ҳодисаларни яхши билиши бой таассуротларга эга бўлиши фахм-фаросат амалиётига катта йўл очади. Ҳаётдаги «тўсатдан», «қутилмаган» ҳақиқатни фахм-фаросат билан очиши аслида санъаткор руҳий қатламларида яшириниб ётган ахборот ва маълумотларини бирлаштириб, шу заҳотиёқ ишга солиш қобилиятининг маҳсали тарзида намоён бўлади.

Санъаткор ўзининг фикр-мулоҳазалари, ҳис-туйғулари, кечинмалари бошқаларнинг ҳам фикри, туйғуси, кечинмасига айланиб кетишига, ўзи кўрганини бошқалар ҳам кўришига, ўз маънавий мулки бошқаларнинг ҳам маънавий мулки бўлиб қолишига интилади. Пираворд натижасида санъаткор ўзининг бадий режасини асар бадий тўқимасига кўчирилишига эришади. Бадий асарнинг вужудга келиши билан бадий ижод жараёни тугалланади ва бадий қиёфа ҳаётининг янги босқичи-бадий идрок жараёни бошланади. Шундан эътиборан бадий қиёфага «жон» киради ва у ҳаракатга келади. Агар у идрок этилмаса, у моддий нарса ҳолатида қолиб кетаверади.

Буюк мутафаккирлар

1. **Дигнага ва Дхармакирти** – қадимги хинд мантиқшунослари. Улар тушунча, ҳукм, айниқса хулоса чиқариш билан боғлиқ масалаларни кенг ва чуқур таҳлил қилган. Дигнага хулоса чиқаришда мантиқий асосга хос бўлган уч хусусиятни кўрсатиб ўтади: мантиқий асос хулоса чиқариш обьекти билан боғлиқ бўлади, бир турдаги обьектлар билан боғлиқ бўлади, ҳар турдаги обьектлар билан боғлиқ бўлмайди. Бу хулоса чиқаришнинг асосий шартлари бўлиб, уларнинг бузилиши мантиқий хатоларга олиб келади. Дхармакирти хулоса чиқаришнинг «ўзи учун» ва «бошқалар учун» турларини, шунингдек, муҳокамада учрайдиган мантиқий хатоларни батафсил ўрганганди.
2. **Демокрит** (эр. ав. 460-370) – қадимги юонон файласуфи. Унинг мантиқий таълимотида фикрнинг чинлиги масаласи мухим ўрин тутади. У кўпроқ индукция ва аналогияни ўрганишга эътибор беради, ҳақиқатни билиш учун якка буюмларни кузатиш, ҳис қилиш орқали умумлаштириш зарур, деб таъкидлайди. Ҳукмни субъект ва предикатнинг ўзаро алоқасидан иборат, деб таърифлайди. У етарли асос қонунини онтологик асосда тушунтиради. Демокритнинг мантиқий таълимоти кейинчалик Аристотель ва Ф. Бэкон таълимотларига сезиларли таъсир кўрсатган.
3. **Сукрот** (эр. ав. 469-399) – қадимги юонон мантиқшуноси. Унинг таълимотига кўра буюмларнинг моҳиятини билиб бўлмайди. Инсон, аввало, ўз-ўзини билиши керак. Билим умумийлик тўғрисидаги тушунчадир. Ҳақиқатни аниқлаш учун ўзига хос усул даркор. Бу усул воситасида ўрганилаётган буюм ҳақида умумий тушунча ҳосил қилинади ва шу тушунчага асосланиб буюм ҳақида фикр юритилади. Ҳақиқатни аниқлаш учун муҳолиф фикридаги зиддиятлар ўрганилади. Предмет ҳақидаги тушунчалар зиддиятли бўлса, демак билим юзаки бўлади. Сукрот ҳақиқатни аниқлашда индукция ва дефинициядан фойдаланишни тавсия этади.
4. **Платон** (эр. ав. 427-347) – қадимги юонон мантиқшуноси, Сукротнинг шогирди. У устозининг умумий тушунчалар буюмларнинг моҳиятини ифодалайди, деган фикрини давом эттиради. У умумий тушунчаларни буюмлардан ва инсонлардан ажralган мутлақ ғоялар сифатида талқин қиласи, уларни бирламчи деб билади. У ҳукмни тафаккурнинг асосий элементи деб ҳисоблайди. Ҳукм эга ва кесимнинг бирлигидан иборат бўлиб, тасдиқ ёки инкор маънени билдиради. Агар ҳукмда бирлашиши мумкин бўлмаган тушунчалар бирлаштирилса, у хато бўлади.
5. **Аристотел** – қадимги юонон мантиқшуноси. Унинг «Категориялар», «Талқин ҳақида», «Биринчи Аналитика», «Иккинчи аналитика», «Софистик раддиялар ҳақида», «Топика» номли асарлари бевосита мантиқ масалаларига бағишлилангандир. Унинг «Риторика», «Поэтика» асарлари ҳам мантиқий таълимотининг мухим таркибий қисмлари ҳисобланади. «Метафизика», «Рух ҳақида» асарларида эса мантиқ масалалари маълум даражада баён қилинган. Аристотель мантиқни «маълум билимлардан номаълум билимларни аниқловчи», «чин фикрни хато фикрдан ажратувчи» фан сифатида таърифлайди. Мантиқнинг вазифаси чин фикрни, ҳақиқатни аниқлашдир, деб таъкидлайди. Мутафаккир ҳақиқатнинг мавжудлигини, обьектив ҳарактерини эътироф этган ҳолда, «билимларимизнинг вокеликка мос келиши - ҳақиқатдир», деб кўрсатади. У ҳақиқатни аниқлашда нозидлик ва учинчиси истисно қонунларига амал қилиш зарурлигини таъкидлайди. Аристотель бу қонунларни ҳам онтологик, ҳам гносеологик нуқтаи назардан таърифлайди. Бир вақтда, бир хил муносабатда айнан бир предметга нисбатан ўзаро бир-бирини истисно фикрларни билдириш мумкин эмаслигини, чунки бу фикрлардан бири чин, бошқаси хато бўлиши ёки ҳар иккиси хато бўлиши мумкинлигини асослаб беради, ўзаро икки зид фикрнинг бири чин, бошқаси хато бўлганда, учинчи фикрга ўрин йўқ, эканлигини таъкидлайди. Аристотель асарларида тўғри тафаккурнинг айният ва етарли асос

- қонунлари махсус тарзда кўриб чиқилмаган. Лекин мутафаккир асарларининг таҳлили уларда бу қонунларга хос талабларнинг баён қилингандигини кўрсатади.
6. **Эпикур** (эр. ав. 341-270) – қадимги юон мутафаккири. У фалсафада биринчи ўринга билиш назарияси ва мантиқни қўйган, иккинчи ўринда - физика, учинчи ўринда - ахлоқ бўлган. У туғма ғоялар йўқ, билимларимизнинг манбаи - сезгилардир, сезгиларимиз ёлғон маълумот бермайди, факат хулоса чиқаришдагина инсон хатога йўл қўйиши мумкин, деб таъкидлайди. Эпикур хулоса чиқаришда кўпроқ аналогия ва индукцияга аҳамият берган.
7. **Абу Юсуф Ёкуб ибн Исҳоқ ал-Киндий** (тахм. 800 Басра - 870 Бағдод) - араб файласуфи ва олими. У қадимги грек, ҳинд ва форсларнинг фалсафий-мантиқий меросини яхши билган, араб тилида фалсафий атамаларни ишлаб чиқишида фаол қатнашган ва ўз даврида биринчи бўлиб фанларни таснифлашга уринган. Ал-Киндийнинг дунёқарашида мантиқ илмига оид масалалар алоҳида ўрин эгаллади. У қадимги юон мутафаккирлари асарларини таржима қилиб, уларга шарҳлар ёзган. Ўрта асрларда ёзилган «ал-Фихрист» номли библиографик асарда (муаллифи ибн ан-Надим, 995 й. вафот этган) ал-Киндийнинг «Аристотелнинг ўнта категориялари ҳақида», «Категориялар» даги Аристотелнинг мақсади ҳақида» номли асарлари тўғрисида маълумот берилади. Ан-Надимнинг таъкидлашича, ал-Киндий «Иккинчи Аналитика» га оид икки трактат ёзган: «Мантиқий исботлашга доир қисқача рисола» ва «Исботлаш ҳақида рисола». Шунингдек, ал-Киндий «Софистларнинг адаштиришларига қарши огохлантириш» номли рисоласида Аристотелнинг «Софистика» сига бўлган муносабатини баён қиласди. Ал-Киндийнинг «Шеър санъати ҳақида» номли асари Аристотелнинг «Поэтика»сига комментария сифатида ёзилган. У Аристотелнинг «Иккинчи аналитика» сини Евклид геометрияси билан солиштириш ғоясини илгари суради. Мантиқий исботлашни тушуниш ва ундан фойдаланиш учун геометрияни ўрганиш зарур, деб ҳисоблади. Унингча, факат шундагина Аристотелнинг яратган қоидаларини тушуниш мумкин. Ал-Киндий бирорта буюмни исботлашни унинг мавжудлигига, борлигига ишонмасдан туриб бошлаш мумкин эмас, дейди. Унинг фикрича, исботлашнинг мақсади буюмни ташкил этувчи шаклни ўрганишдан иборатдир.
8. **Ал-Форобий** (873-950) - мантиқ масалаларини кенг ва изчил тадқиқ этган Ўрта Осиё мутафаккири. У Сирдарё бўйидаги ўтрор шаҳар қалъасида, туркий ҳарбий оилада дунёга келди. Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида билим олди. У қадимги грек, ҳинд фалсафасини чукур ўрганди, илмнинг турли соҳаларига оид 160 дан ортиқ турли ҳажмдаги рисолалар ёзиб қолдирди, умрининг сўнгги йилларини Дамашқда ўтказди. Форобий асарларининг катта қисми фалсафа ва мантиқ илмига оидdir. Форобийда мантиқий билимлар системаси «Исогувчи» (Кириш), «Мақулот» (Категория), «Ибора» (Хукм), «Қиёс» (Силлогизм, Биринчи Аналитика), «Бурхон», (Исботлаш, «Иккинчи Аналитика»), Жадал (Диалектика), «Сафсата» (Софистик раддия), «Хитоба» (Риторика), «Шеър» (Поэтика) асарларини ўз ичига олади. Шунингдек, Форобий «Мантиқ илмига кириш», «Ақл ҳақида», «Шартли хукмлар», «Силлогизм» каби асарларида мантиқ масалаларини ишлаб чиқди. «Илмлар таснифи» асарида ҳам мантиқ илмининг предмети, тузилиши, илмлар системасида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритади. Мутафаккирнинг таъкидлашича, мантиқ санъати интеллектнинг мукаммаллашувига олиб келувчи ва инсонни ҳақиқат томон ўйналирувчи қонунларнинг мажмуасини ўрганади. Бу қонунлар инсонларни билиш жараёнидаги турли хато ва адашишлардан сақлайди. Инсон бу қонунлар ёрдамида билимларини текшириб, уларнинг чин ёки хатолигини аниqlаш имконига эга бўлади.
9. **Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий** (Х аср) – Ўрта Осиёлик мутафаккир. У мантиқ илмининг ривожига катта хисса қўшган олим ҳисобланади. Унинг «Мафотиҳ-ал-улум» (Илмлар калитлари) асаридаги фанлар классификациясида мантиқ илмига алоҳида ўрин берилиши фикримизнинг далилидир. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий илмларни «араб» ва «арабча бўлмаган» ларга ажратади. Арабча бўлмаган илмлар қаторига фалсафа, мантиқ,

тиббиёт, арифметика, хандаса, илму-нужум, мусиқа, механика, кимёлар киради. Хоразмий мантиқ илмига оид масалаларни түккиз бобда баён қиласы. Бобларнинг номланиши Форобий ва Ибн Синоларники кабидир. У мантикий таълимот «Исағучи»ни баён этишдан, ўрганишдан бошланиши керак, «Исағувчи» - бу кириш, (юонон тилида эйсагоге) деб аталади, деб ёзади. Хоразмий Аристотель ғоясини давом эттириб, аниқ нарсаларнинг хоссаларини белгилаш учун «индивидуал» тушунчасини киритади. Хоразмий «Соф биродарлар» нинг мантиққа оид ғояларини ривожлантириб ва уни Арасту фалсафаси руҳига яқинлаштириб, индивид масаласини биринчи ўринга олиб чиқади.

10. **Абу Али ибн Сино** (980-1037) - ўз даврининг дунёга машҳур қомусий олими. У Бухоро яқинидаги Афшона шахрида туғилди. У Бухорода таҳсил олиб, шу ерда олим, табиб сифатида шұхрат қозонди, маълум бир вакт Хоразмда яшади. Ибн Сино 31 ёшида Хоразмни тарқ этди, 1037 йили Исфаҳонда вафот этди. Ибн Сино 400 дан ортиқ асарлар муаллифидир. Бу асарлар илмнинг турли соҳалариға оид бўлиб, улардан 150 дан ортиги фалсафа ва мантиқ масалаларига бағищланган. Булар орасида фалсафа ва мантиқ фанининг барча масалаларини изчил равишда ўз ичига олган асари - «Китоб-аш-шифо» дир. «Китоб-аш-шифо» нинг мантиқга оид қисми 9 бўлакдан иборат бўлиб, уларнинг номланиши ва тартиби Форобийники кабидир. Мутафаккирнинг бу асари мантиқ соҳасидаги барча илмлар асосида вужудга келган бўлиб, унда мантиққа оид масалалар тўлиқ қамраб олинган. Ибн Синонинг «Ишорат ва танbihot», «Ан-Нажот», «Донишнома» асарларида ҳам фалсафа ва мантиққа оид масалалар баён этилади. Мутафаккир мантиқ илмини барча илмларнинг муқаддимаси, уларни эгаллашнинг зарур шарти сифатида талқин этади. Ибн Сино «Донишнома» асарида қабул қилинган тартибни бузган ҳолда, аввал мантиқ асосларини, иккинчи ўринда метафизикани, сўнг бошқа фанларни баён қиласы.
11. **Р. Декарт** (1606-1650) - машҳур файласуф, йирик математик ва мантиқшунос олимдир. Мантиқ илмининг ривожланишида, илмий услугуб билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда Декартнинг хизматлари алоҳида аҳамиятга эга. Унинг фалсафий қарашлари «Фалсафа муқаддимаси» асарида ўз ифодасини топган. Мантикий қарашлари эса, унинг «Услуб ҳақида мулоҳазалар» рисоласида баён этилган. Айниқса «Услубнинг асосий қоидалари» деб аталувчи қисми мантиқ фани ривожи учун аҳамиятли бўлган. Унда билишнинг илмий услубини характерлайдиган асосий қоидалари ишлаб чиқилган. Интуиция деганда Декарт хаёлий нарсани эмас, балки соғлом ақлда туғиладиган барқарор ва аниқ тасаввурни тушунган. Интуиция ёрдамида ҳар қандай киши ўзининг мавжуд эканлигини, нималарни ўйлаётганини, учбурчак уч томонга эга эканлигини ва бошқаларни аниқлаши мумкин. Интуиция билан бирга биз дедукциядан ҳам фойдаланамиз. Декарт фикрича, дедукция дейилганда аввал билинган нарсалар асосида билишни таъминлайдиган жараённи тушуниш керак. Дедукция ёрдамида фикрнинг мунтазам ҳаракати билан холоса ҳосил қилинади. Дедукцияда ҳаракат ва муайян узлуксизлик мавжуд бўлиб, бу нарса интуицияда йўқдир. Нарсалар интуиция ва дедукция йўли билан билиниши мумкин.
12. **Френсис Бэкон** (1561-1626) - машҳур инглиз файласуфи ва табиётшунос олимидир. У икки қисмдан иборат «Фанларнинг буюк уйғониши» асарини ёзган. Биринчи қисми «Фанларнинг афзалликлари», иккинчи қисми «Янги Органон» деб аталади. Мантиққа оид фикрлари «Янги Органон»да ўз ифодасини топган. Бэкон янги мантиқ яратишини мақсад қилиб қўяди. У Аристотелнинг «Органон» ини танқид қилиб, «Янги органон» асарини ёзди. Шу билан ўз мантикий таълимотини Аристотель мантиғига қарши қўймоқчи бўлди. Хусусан, Бэкон Аристотель силлогистикасига ўз индукциясини қарши қўйди, ўзининг илмий индукция назариясини яратди. Бэконнинг фикрича, силлогизм гаплардан, гаплар сўзлардан тузилади, сўзлар буюмларни билдиради. Сўзда ифодаланган тасаввур хато бўлса, силлогизм бузилади. Бэкон индукцияни холоса чиқаришнинг асосий шакли, деб билди. Фақат оммабоп индукцияни тан олмади, уни танқид қиласи.

- методларини чукур ўрганди. Булардан ташқари индукциянинг ёрдамчи усулларини кашф этди: якка мисоллар, адашган мисоллар, кўрсатувчи ҳолатлар ва бошқалар.
13. **Томас Гоббс** (1588-1679) – машхур мутафаккир. Унинг асосий фалсафий асари «Фалсафа асослари» деб аталади. У уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмининг биринчи боби «Мантиқ»дир. Мантиқда Гоббс Бэкон йўлини давом эттириди. У тушунчаларни таърифлашга катта аҳамият берди. Гоббснинг фикрича, таърифлаш бир сўздан иборат бўлмаслиги керак; ном таърифлашда қайтарилмаслиги лозим. Гоббснинг фикрича, ҳукмлар номларнинг бирикувидан иборат. Ҳукм чин ёки хато бўлиши мумкин. У биринчи ўринга шартли ҳукмларни қўяди, чунки улар сабабий боғланишни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Гоббс тил ва тафаккур бирлигини тан олади. Номлар тушунчалар билан, гаплар ҳукмлар билан тенглаштирилади. Гоббс мантиғида рационализм устун туради. Унда дедукция, индукция, анализ ва синтез бир хил ўрин тутади.
14. **Г.В. Лейбниц** (1646-1716) йирик немис олими. У XVII аср охири XVIII аср бошларида яшаб ижод қилган. Фалсафий қарашлари «Инсон ақли ҳақидаги тажрибалар» асарида ўз ифодасини топган. «Монадология» асарида фалсафий ва мантиқий қарашларини қисқа шаклда баён этган. Лейбниц ҳозирда символик мантиқ номи билан юритиладиган мантиққа асос солди, тафаккурнинг турли жараёнларини, жумладан тафаккур шакллари ва қонунларини ифодалашда математик усуллардан фойдаланиш йўлларини таклиф қилди. 1666 йилда Лейбниц «Комбинация қилиш санъати ҳақида» номи билан асар ёзган бўлиб, символик мантиқнинг туғилиши шу йил ва шу асар билан бошланади. Лейбниц мантиқ фанининг предмети ва вазифаси ҳақида тўхталиб, унинг вазифаси тафаккурнинг формал алоқаларини тасвирлаш, унинг предмети билимнинг мазмунини ўрганишdir, дейди. У мантиқ илмининг амалий аҳамиятини юқори баҳолайди.
15. **Христиан Вольф** (1676-1754) немис файласуфи, математиги ва мантиқшунос олимидир. Вольфнинг мантиқий таълимотида ақл масаласи энг асосий хисобланади. Ақлий билиш хulosса чиқаришга асосланади. Унинг фикрича, билим априор ёки апостериор йўл билан ҳосил қилинади. Апостериор билим - тажрибага асосланган билимдир. Аввалдан билиб олинган таърифлар ва ҳолатлар априор билим бўлиб, улар хulosса асосларини ташкил этади. Унинг таъкидлашича, мантиқ ҳақиқатни билиш ва хатоларга йўл қўймаслик учун билиш қобилиятларини қўллашга ўргатувчи фандир. Вольф мантиқни назарий ва амалий қисмга ажратади. Назарий мантиқ тушунча, ҳукм ва хulosса чиқаришни ўрганади. Амалий мантиқ баҳс, мунозара жараёнида, мutoала қилганда, фикрни баён қилганда, умуман амалий ҳаётда ҳақиқатни аниқлашга ўргатади. У ҳақиқатга қуидагича таъриф беради: фикрнинг обьект билан ёки тасаввур қилинган буюм билан ўзаро мослиги ҳақиқатдир. X. Вольфнинг қарашлари Германияда мантиққа оид илмларнинг кейинги ривожи учун катта аҳамиятга эга бўлди. **Баумейстер** (1709-1785), **Мейер** (1718-1777) ва **Л. Эйлер** (1707-1783) каби мантиқшуносларга унинг foялари сезиларли таъсир кўрсатган.
16. **М.В. Ломоносов** (1711-1765) - мантиқ билан жиддий шуғулланган биринчи рус олими. У билимларнинг манбаи обьектив воқеликдир, билимнинг ягона воситаси эса, тажриба, эксперимент, деб билган. Формал мантиқнинг тўрт асосий қонунини муваффақиятли муҳокама юритишнинг элементар принциплари деб атаган. У мантиқ илмига қуидаги янги фикрларни киритган: 1. Ҳукмларни умумий ва якка турларга ажратган. Жузъий ҳукмни инкор этган. 2. Силлогизмнинг Darapti (AAI), Felapton (ЕАО), Bramalip (AAI) ва Fesapo (ЕАО) модусларини инкор этган. (Математик мантиқда ҳам силлогизмнинг бу модуслари инкор этилади). У хulosса чиқаришни силлогистик ва силлогистик бўлмаган турларга ажратишга қарши бўлган. Ломоносовнинг «Нотиқлиқдан қисқача қўлланма (1748)» номли асари Россияда узоқ вақт давомида мантиқдан дарслик бўлиб хизмат қилган.
17. **Николай Алексеевич Васильев** (1880-1940) «Жузъий ҳукмлар тўғрисида, қарама-қаршиликларнинг учбуручаги ҳақида ва 4-си истисно қонуни ҳақида» (1910); «Хаёлий мантиқ» (1912), «Логика ва металогика» асарларнинг муаллифидир. У ўз таълимотида формал аналогияни Л. Лобачевскийнинг ноевклид геометрияси билан бирлаштирган. Унинг бу

- таълимоти чексиз кўпликлар учун учинчиси истисно қонунининг қўлланилмаслиги ҳақида дастлабки фикрлардан бўлган.
18. **Платон Сергеевич Порецкий** (1846-1907) – Рус математиги ва мантиқшуноси. У математик мантиқнинг ривожланишига муҳим ҳисса қўшган. Порецкийнинг мантиқий системасида асосларнинг берилган системасидан холосани келтириб чиқариш ва холоса сифатида олиниши мумкин бўлмаган асосларни топиш масалалари ишлаб чиқилган.
 19. **Джон Фредерик Вильям Гершел** (1792-1871) инглиз математиги ва мантиқшуноси бўлган. У «Табиётшуносликни ўрганишга кириш» (1832) асарида Миллдан 11 йил аввал илмий индуктив методларнинг асосий мазмунини ёритиб берган. Гершел фикрича, ҳодисалар ўртасидаги сабабий алоқадорликни аниқлаш барча фанларнинг асосий вазифасидир. У сабабий алоқадорликни аниқлашнинг қоидаларини ишлаб чиқкан.
 20. **Джон Стюарт Милль** (1806-1873) инглиз файласуфи ва мантиқшуноси. «Силлогистик ва индуктив мантиқ системаси» (1843) асарининг муаллифи. У ҳам Беркли, Юм ва Кант каби ҳодисаларнинг чин моҳиятини билиш мумкинлигини инкор этган. Инсон фақат сезгилар воситаси орқали ҳодисаларни билади, холос, сезгилардан ташқарида ҳеч қандай буюм мавжуд бўлмайди, деб ҳисоблаган.
 21. **И. Кант** (1724-1804) – буюк немис файласуфи. Мантиқ ривожида у яратган мантиқий системалар муҳим ўрин тутади. Кантнинг мантиқий қарашлари унинг «Соф ақл танқиди», «Пролегоменлар», «Мулоҳаза юритиш қобилияти танқиди», «Мантиқ» (шогирдининг Кант фикрларини йиғиб тузган тўплами) каби асарларида баён этилган. Кант мантиқ фанинг мавжуд анъаналарини ҳисобга олган, Аристотелнинг мантиқий таълимотига суюнган, шунингдек, Янги даврда бошланган мантиқ илмини ислоҳ қилиш, давр рухига мос бўлган янги мантиқий системани яратиш йўлидаги бўлган уринишларни қўллаб-қўвватлаган ҳамда ўзининг дунёқарашининг, методологиясининг бош принципларидан келиб чиқсан ҳолда мантиқий таълимотини яратди.
 22. **В.Ф. Гегель** (1770-1831) немис фалсафасининг ёрқин вакили. Гегелнинг мантиқий қарашлари унинг «Мантиқ фани», «Фалсафий фанлар энциклопедияси» китобларида баён қилинган. Гегель диалектик мантиқнинг формал мантиқ ўрганувчи универсал тафаккур шакларидан ташқари яна бир қанча муҳим шакларини: категориялар, ғоялар, қонунларни ва шу кабиларни ўрганишини таъкидлайди. Унинг муҳим принциплари сифатида зиддият, абстраклийлардан конкретликка қараб бориш, тарихийлик ва мантиқийлик бирлиги кабиларни асослайди. Гегель фикрича, диалектик мантиқнинг асосий вазифаси ҳақиқатни аниқлаш, унга эришиш йўлларини ўрганишdir. Муҳокамани тўғри қуриш унинг ёрдамчи воситаси бўлиб хизмат қиласи. Мутафаккир ҳақиқатни жараён сифатида олиб қарайди, уни диалектик метод принциплари асосида тушунтиришга ҳаракат қиласи.
 23. **Ибн Руш** – машшоиййунлик оқимининг машхур ва сўнгги вакили, Оврўпода «Авверроизм» деган йўналишнинг асосчisi, қурдобалик (испаниялик) мутафаккир (лотинча Аввероэс) ҳам ахлоқшунослик илми тараққиётига улкан ҳисса қўшган аллома. Унинг фикрига кўра, эзгулик ва ёвузлик, улар табиий ёки ижтимоий хусусиятга эга бўлишидан қатъий назар, ўз ҳолича мавжуддир. Табиий эзгуликнинг манбаи Оллоҳ, лекин эзгулик ёвузлик билан ёнма-ён келади. Чунончи, олов фойда келтириши баробарида, ҳайвонлар ва ўт-ўланларни ҳалок этиш хусусиятига эга. Гарчанд оловни Худо яратган бўлса ҳам, унинг бу хусусиятини ўзгартира олмайди, худди шунингдек, рангни яратган Худо унга эшитишимиз мумкин бўладиган хусусият ато эта олмайди. Ибн Рушд бутун ислом олами учун доимо муҳим бўлиб келган ихтиёр эркинлиги муаммосига ҳам катта аҳамият берган.
 24. **Имом Газзолий** (1058-1111) Тасаввуф ахлоқшунослигига хужжат ул-ислом номини олган. Унинг ахлоқий қарашлари, асосан, ҳар жиҳатдан буюк асар бўлиш “Иҳёи улум аддин” деб аталган тўрт жилдлик китобида ўз аксини топган.

25. **Шайх Азизиддин Насафий** (ХІІІ аср I-ярми XIVаср бошлари) тасаввуф ахлоқшунослигининг улкан намоёндаси, буюк юртдошимиз. Унинг “Зубдат ул-ҳақойик” (“ҳақиқатлар қаймоғи”, “Инсони комил” (“комил инсон”)каби асрларида ахлоқий муаммолар кўтарилиган.
26. **Алишер Навоий** (1441-1501) улуғ ўзбек шоири. Суфийликнинг Нақшбандия сулукига мансуб бўлиб, тасаввуф сифатида ҳам ахлоқшунослик назарияси ва амлиёти тараққиётiga улкан хисса қушган мутафаккирдир. “Махбуб ул-қулуб” асарида бутун мусулмон шарқи ахлоқ илмининг назарий муаммолари кўрсатилади.
27. **Хусайн Вониз** (1440-1505) сиймоси алоҳида Кошифий дикқатга сазовордир. Ахлоқшуносликка доир энг машхур асари “Ахлоқи Мұхсиний”дир. Бу асарда ахлоқ шуносликнинг жуда кўп тушунчаларига шарх беради ахлоқий маданият муаммоларини ҳам тадқиқ этади.
28. **Жалолиддин Давоний** (1427-1502) Унинг ахлоқшунослик муаммоларига бағишлиланган йирик асари “Ахлоқий Жалолий” рисоласидир. Унда ахлоқшунослик кишиларнинг амлий фаолияти, қарашлари билан боғлиқ фан сифатида, ахлоқий муаммолар эса фалсафий, ижтимоий-сиёсий масалаларга дахлдор ходисалар тарзида олиб қаралади.
29. **Юсуф Хос Ҳожиб** (IX-X аср) “Қутадғу билиг” 1300мисрани ўзичига олган ҳлоққа,сиёсатшуносликка доир монументал асар уни туркий ҳалқларнинг ахлоқий қомуси дейиш мумкин.
30. **Кайковус** “Қобуснома” асарида инсон хаёти фаолиятининг деярли барча томонларини қамраб оловчи ўгит кўрсатмалардан иборатdir.
31. **Тафтазоний** (1322-1390) Хурсонда туғилган, шарқ мамлакатларининг турли шаҳарларида ўз замонасининг илм-фанлари билан шуғулланган.Мантиқда Аристотель, Фаробий, Ибн Сино анъаналарини давом эттирган. У қирққа яқин асар муаллифи бўлиб, уларда математика, риторика, поэтика ва мантиқ масалаларига катта эътибор берилди. Ўзининг “Мантиқ ва қаломга тузатиш”, ”илм қидирувчилар мақсади”асарларида билиш масалаларига, мантиқий тафаккурнинг шакл, қонун-қоидаларнинг таҳлилига катта ўрин ажратди.
32. **Миршариф Журжоний** (1340-1413) Хурсонда туғилган. А.Темур ва сўнг Улугбек хукумронлиги даврида Самарқандда вужудга келган илмий мактаб ишида иштирок этиб, қатор йиллар давомида Самарқанддаги мадрасада ўқув ишлари ҳамда илмий асарлар ёзиш билан машғул бўлади.Журжоний 50 дан ортиқ асар ёзиг қолдирди, айниқса замонасининг йирик мантиқшуноси сифатида шухрат қозонди. ”Мантиқда илм таърифи”, Мантиқ ҳақида катта рисола “Мантиқ ҳақида кичик рисола” каби асарларида хукм, хуносалар, уларнинг сўзда, нутқда ифодаланиши масалаларига катта ўрин берилган.
33. **Шайх Муслиҳиддин Саъдий** (1184-1292) Шарқона пандноманинг энг машхури “Гулистон”асаридир.Ўзбек тилига у биринчи марта буюк мумтоз шоир Сайфи Саройи томонидан XIV асрда таржима қилинган.
34. **Хондамир** (1481-1535) “Макорим-ул-ахлоқ” (“Яхшихулқлар”) асари. Унинг ўзига хослиги шундаки, буюк инсон Алишер Навоий киёфаси мисолида барча фазилатларни очиб беради, талқин этилади.Шу боисдан уни хотира ёки биографик маълумотлар эмас айнан бир шахс бош қаҳрамон қилиб олинган панднома деб аташ мақсадга мувофиқдир.
35. **Гулханий** (XVІІаср II-ярми XІХаср бошлари.) Унинг (“Зарбулмасал”) асари шаклий янгилиги билан ажралиб туради. Асар қолиплаш усулда ёзилган-катта масал ҳикоя ичида масал-ҳикоятлар, улар ичида эса юзлаб ўзбек ҳалқ мақоллари жой олган. Асарнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, унинг асосий қаҳрамонлари ўз қиёфаларида ахлоқсизлик иллатларини мужассам этган салбий образлар. Ана шу усул билан у инсонларни инсоф, адолат ва диёнатга, ҳалоллик ва соғдилликка чорлайди.
36. **Аҳмад Дониши** (1827-1897) ўзбек ва тожик ҳалқи мутафаккири “Наводир ул-вақое” асарлари маълум.
37. **Бердақ**(1827-1900) Қорақалпоқ ҳалқ шоири

38. **Фурқат** (1858-1909) “Илмхосияти”, ”Гимназия”, ”Таржимаихол” асари ахлоқий ахлоқий муаммолар очиб берилади.
39. **Муқумий** (1859-1903) “Воқсаи Виктор”, Танобчилар”, ”Тўй ва бошқа ҳажвий асарлари мавжуд.
40. **Дилиод** (1800-1906) Муҳаммасларида адолатсизлик муаммоларини кўтариш орқали ижтимоий-ахлоқий манзарани яққол намоён қилган.
41. **Анбар Отин** (1870-1914) Дилшоднинг шогирди. Туркистон маърифат парварларининг йирик намоёндаси. Унинг ахлоқий қарашлари лирик-фалсафий шеърларида ва “коралар фалсафаси” (1898) рисоласида ўз аксини топган. Унинг асарларида ахлоқсизлик ботқоғига ботиб бораётган жамият танқиз қилинади.
42. **Абдулла Авлоний** (1887-1934) таълимшунос, педагог ва ахлоқшунос. Машхур”Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”.
43. **Муҳаммад Зоҳид Қутқу** (1897-1980) Беш жилдлик “Тасаввуфий аҳлоқ” деб номланган фундаментал асарида бошқа ахлоқий масалалар билан бирга жўмардлик тушунчасини ўртага ташлайди. Унинг асарларида хаётига олий қадрият деб қараш ғояси илгари сурилади.
44. **Махмуд Асъад Жўьшон** (1938-2001) замондошимиз профессор М.З.Қутқунинг шогирди. Жўьшон ўз асарида нафс ва уни енгиш муаммоларини ўртага ташлайди. Ўзганинг хаёти ўзингнидан олийроқ қадрят деб қараш ғояси унинг асарларида марказийўрин эгаллайди, лекин бу “ўзга” факат инсон бўлиш шарт эмас. Жўьшон ўз асарларида тасаввуфни бир томондан Аллоҳни билиш, таниш учун, иккинчи томондан ўз нафсини тарбиялаш руҳий-ахлоқий жихатларини тузатиш учун қилинган хатти-харакатлар тажассуми деб таърифлайди. У баъзи ақида парастларнинг, тасаввуфининг исломга алоқаси йўқ, хатто улар бир-бирига қарама-қарши деган фикрларини кескин рад этаркан, ҳазрати Пайғамбаримизнинг мутасаввифлар султони, сахобаларнинг эса ахли тасаввуф бўлганлигини исботлаб беради.

Мантиқга оид терминлар-атамалар лугати

1. **Мантиқ** – тафаккур қонунлари, шакллари ва усулларини ўрганадиган фан.
2. **Чинлик** – бу фикрнинг реал воқеликдаги муносабатларга мос келиш-келмаслигини ифодалайди.
3. **Тўғрилик** – фикр шакллари ўртасидаги боғланишнинг мантиқий қоидаларига мос келиш вакелмаслиги.
4. **Психология** – инсоннинг руҳий тараққиёти қонунларини ўрганувчи фан.
5. **Семиотика** – белгилар ҳақидаги фан.
6. **Семантика** – белги билан у ифода қилинаётган объект ўртасидаги муносабатни ўрганадиган фан.
7. **Прагматика** - кишиларни белгиларга муносабатини, белгилар ёрдамида кишилар ўртасида вужудга келадиган муносабатларни ўрганади.
8. **Синтаксис** - белгилар ўртасидаги муносабатларни тилни қуриш қоидаларини ўрганади.
9. **Сунъий тил** - таъбиий тил негизида яратилган ёрдамчи инфармацион белгилар системаси.
10. **Формаллаштириш** - конкрет мазмунга эга бўлган фикрларни символлар билан алмаштириш.
11. **Дескриптив атамалар** - Гапда предметларни уларнинг хоссалари ва муносабатларини акс эттирувчи ифодалар.
12. **Предикаторлар** – предмет хоссалари ва муносабатларини акс эттирувчи ифодалар.
13. **Денотат** – номнинг мазмуни предметини ифода қиласи ва мантиқдаги ном.
14. **Концепт** – номнинг маъноси, предметни мухим умумий белгиларини ифодалайди.
15. **Предикатлар мантиғи** – мулоҳаза жараёнини хукмларнинг ички тузилишини хисобга олган холда ўрганувчи формаллашган мантиқий системадир.
16. **Мақбулот** – юқори авторитетлар, обрўли кишилар томонидан тасдиқланган ва улар белгилаб берган берган билимлар.
17. **Машҳурот** – инсонлар орасида кенг тарқалган ва улар томонидан ҳақиқат деб тан олинган билимлар.
18. **Маҳсулот** – кўриш, эшлиши, умуман беш сезги томонидан қўлга киритилган билимлар.
19. **Мақулоти аввал** – илмнинг бошланишидаёқ маълум бўлган ҳақиқий фикрлар.
20. “**Ал-Мадҳал**” – мантиқка кириш.
21. “**Ал-мақулот**” – категориялар.
22. “**Ал-иборат**” – бу хукмлар, уларнинг ташкил топиш, таркиби, турларининг баёнидир.
23. “**Ал-Қиёс**”– дедуктив хuloscha чиқариш, унинг тузилиши, таркиби, билимлари турлари устида фикр юритилади.
24. “**Ал-Бурхон**”- бу исботлаш, фикрни асослаб, даллилат бериш мулоҳазасига бағишлиланган.
25. “**Ал-Жадал**” - (диалектака) –мулоҳаза усуллари, тортишув, мунозара қилиш.
26. “**Ал-Сафсата**”-(софитика) азалдан нотўғри бўлган мухокама, хulosalар ясаш.
27. “**Ал-Хитоба**”- (риторика) -бу фикрни риторик тарзда ифодалаш, нутқ санъати
28. “**Ал-Шеър**” – поэтика, фикрини образли шеърий усулда баён қилиш
29. **Таққослаш** – воқеликдаги нарса ва ходисалар ўртасидаги ўхшашлик ва тафовутни аниқлаш учун хизмат қилувчимантиқий усул
30. **Мантиқий анализ** – тадқиқ этувчи объектни фикран таркибий қисмларга ажратиш.
31. **Синтез** – анализ ёрдамида бутуннинг бўлакларга ажратилган қисмлари, элементларини яна фикран тўплаб яхлит холда ўрганиш.
32. **Мавхумлаштириш** – (абстракциялаш) – билишда объектив реалликдаги предмет, ходисаларнинг энг мухим, асосий, умумий томонларини аниқлаш.
33. **Категория** – тушунччанинг махсус тури.
34. **Классификация** – тасниф.

35. **Тасниф** – объектив предметлар ҳақидағи билимларни тартибга солиш.
36. **Силлогизм** – икki ёки ундан күп асослардан янги холоса чиқариш. Силлогизм терминаллари – холоса чиқариш учун хизмат қыладиган тушунчалар.
37. **Энтилима** – асослардан бири ёки холосаси қолдирилиб ифода этилган силлогизм.
38. **Эпихейрема** – қисқартырған мұраккаб силлогизм.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1-мавзу: Мантиқ фанининг предмети ва вазифалари.....	4-8
2-мавзу: Формал мантиқнинг асосий қонунлари.....	8-15
3-мавзу: Тушунча ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	16-18
4-мавзу: Хукм ва унинг турлари.....	19-26
5-мавзу: Хулоса чиқариш тафаккур шакли сифатида.....	27-40
6-мавзу: Ахлоқшунослик фани, унинг тадқиқот доираси, мақсад ва вазифалари.....	41-45
7-мавзу. Ахлоқшуносликнинг асосий тушунчалари.....	46-53
8-мавзу: Ахлоқий маданият ва касбий одоб.....	54-56
9-мавзу: Шахс ахлоқий тарбияси.....	57-58
10-мавзу: Эстетика фанининг предмети, мақсад ва вазифалари.....	59-64
11-мавзу: Эстетиканинг мезоний тушунчалари.....	65-68
12-мавзу: Санъатнинг келиб чиқиши ва тараққиёти, унинг кундалик ҳаётдаги аҳамияти.....	69-79
Буюк мутафаккирлар.....	80-86
Мантиқга оид терминлар-атамалар луғати.....	87-88

